ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

**Ш. Амиров**

# ҚОРАМОЛЧИЛИК

**(МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИ)**

**Самарқанд-2010**

**Кириш Қорамолчиликнинг холати ва ривожланиш истикболлари.**

**Режа:**

1.Корамолчиликнинг халк хужалигидаги ахамияти.

2.Чорвачиликни ривожлантириш буйича Президент фармонлари ва хукумати карорлари.

3.Бозор иктисодиёти шароитида чорвачилик .

4.Узбекистонда корамолчиликнинг ахволи ва ривожланиши истикболлари.

Кушимча адабиётлар:

1.Олий мажлис I чакирик X , XI ,XIV ва II чакирик V-VI сессиялари хужжатлари .

2.Президент фармонлари ва хукумат карорлари.

3.Расмий ташкилотларнинг чорвачилик бўйича хисоботлари.

**Мавзуни урганиш учун таянч иборалар** :

- чорвачилик тушунчаси ;
- чорвачилик ва халк хужалиги;
- чорвачиликнинг холати;
- чорвачиликни ривожланишда Президент фармонлари ва хукумат карорлпри;
- чорвачиликда истикбол тушунчаси ;
- ер юзида озик-овкат занжири;
- чорва махсулотлари бозори;
- чорва махсулотлари мул-куллиги ва халк фаровонлиги

I.Чорвачилик кишлок хужалигининг ажралмас бир кисми булиб , халк хужалигидаги алохида ахамияти касб этади.

Чорвачиликдан инсонлар учун зарур озик-овкат булган сут , гушт ва тухум махсулотлари олинади. Бу курсатгич оркали мамлакат ахолисининг фаровонлиги хакада фикр юритиш мумкин .

Бундай ташкари чорвачилик саноат учун хам ашё манбаи хисобланади . Уларга жун,тери,барра тери , шох,туёк ва бошка махсулотлар киради .

Чорва хайвонлари ва паррандалари чикиндилари махаллий угит сихатида ер унумдорлигини оширишда бекиёс урин тутади . Бир сигирдан бир йилда олинган гунг билан 1га ерни махаллий угитга булган талабини кондириш мумкин .

Шу боисдан чорвачиликнинг асосий вазифаси чорвачилик махсулотларини купайтириш эвазига халкнинг озик-овкат ,саноатни эса хоматё билан таъминлашдан иборатдир.

Бунинг учун табий озик-овкат занжирининг барча халкаларини мустахкам богланишига эришиш керак. Бу занжир: тупрок-угит-усимлик-хайвон-одамдан иборат булиб ,доимо фан ва техник янгиликларига мухтож.

Кишлок хужалик – дехкончилик ва чорвачилик сохалари бир-бири билан узвий боглик булиб , бир-бирини тулдириди , улар бир-бирисиз ижобий натижаларга хечкачон эришаолмайдилар.

Табий манбаалар ва экилган ерлардан олинган масулотларнинг 75% инсон тугридан – тугри истеъмол килаолмайди ,шунинг учун уларни албатта к-х хайвонлари ва паррандаларининг танаси оркали утказилиб сут, гушт, тухум каби ноёб махсулотлар олинади .

Уз навбатида хайвонлар ва паррандалар истеъмол килган озикалари таркибида 40% органик ва 70% минерал моддаларини танасига сингдираолмай ташки мухитга чикари юборадилар. Бу чикиндилар чунг сифатида тупрокдаги микроорганизмлар учун озика булиб , унинг унумдорлигини оширишда асосий омил булиб колади.

II.Мустакил Узбекистон халк хужалигининг ажралмас кисми , кишлок хужалигининг ривожланиши, халкимиз фароволигини таъминлашда алохида урин тутади .

Бу борада мамлакатимиз Президенти И.А. Каримовнинг кишлок хужалигида туб ислочатларни утказишда собиткадамлик билан олиб бораётган сиёсати , кишлок хужалик махсулотларини ищлаб чикаришни купайтиришда бош омил булмокда.

Президентимиз И.А. Каримовнинг буборадаги фармонлари ва Вазирлар махкамасининг карорлари бу сохадаги ислохатларни боскичма-боскич олиб боришнинг имкониятларини очиб берди .

Узбекистон Олий Мажлиснинг I чакирик X сессиясида мамлакат Президенти И.А. Каримовнинг “Кишлок хужалигида ислохатларни чукурлаштириш серобчилик манбаи” мавзусида килган маърузасида кишлок хужалигининг ёш мустакил давлат иктисоди ва сиёсатида ахамиятига бафуржа тухтаб утдилар .

Узбекистонда умумий ахолининг 60% ва ишга ярокли ахолининг 40% кишлок хужалиги билан богликиги бу соханинг дорзарблигидан далолат беради . Бундан ташкари Президентимиз кишлок хужалигида ерга , хайвонларга, асосий ишлаб чикариш воситиларига эгаликни таъминлаш кераклиги тугрисида гапирдилар .

Узбекистон Олий Мажлиснинг I чакирик XI сессиясида янги конунлар – “ Ер тугрисидаги конун “ , ”Кишлокширкат хужаликлари тугрисидаги конун “ , “ Дехкон хужалиги тугрисидаги конунлар кабул килиниши кишлок хужалигини , шу жумладан чорвачиликни янада ривожлантириш имкониятларини очиб беради .

Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз Олий Мажлиснинг I чакирик XIV сессиясида “ Узбекистон XXI асрга интилмокда “ мавзусида килган маърузасида республикамизнинг мустакиллигининг 8 йилида килинган ишлар сархисоб килиниб , XXI асрда килиниши зарур ишлар уз аксини топган.

Айникса мамлакатдаги сиёсий , ижтимоий ва иктисодий узгаришлар чукур тахлил килиб берилган.

Президент фврмонлари билан бир каторда Вазирлар Махкамасининг карорлари кишлок хужалигидаги ислохатларни утказишда асосий омиллардан бири булиб хисобланади.

1991 йил 30 декабрда 315 сонли карор : “ Республикада дехкон хужаликларини янада ривожлантириш ва мустахкамлаш чоралари хакида

1993 йил 15 мартдаги “ Республикада чорвачиликдаги иктисодий ислохатларни чукурлаштириш чора-тадбирлари хакида”.

1994 йил 21 январ 74 сонли карор “ Иктисодий ислохатларни янада чукурлаштириш , хусусий мулк манфаатларини химоя килиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора – тадбирлари тугрисида ларни курсатиш мумкин.

III.Бозор иктисодиёти шароитида чорвачиликнинг ривожланиши узигв хос хислатларга эга. Улар мулкни давлат тасрруфидан чикарилиб хусусийлаштирилиши , турли мулк шаклидаги чорвачилик хужаликларининг фаолият курсатиши , чорва махсулотларига давлат харид нархларини ва режаларини бекор килиниши , барча чорвачилик хужаликлар уртасида одил , эркин ракобатни ташкил килишдан иборатдир .

Бозор иктисодаёти шароитида чорвачилик фермалари давлат режаси асосида эмас ,махсулот ишлаб чикаришни бозор талабидан келиб чикиб ташкил килади .Бу эса бозорда чорвачилик махсулотларини талаб ва таклиф нисбатида олиб бориши токозо этади.

Бозор иктисодиёти шароитида Узбекистонда давлат , жамоа, шурхат, ёрдами, фермер ва дехкон хужаликлари бемалол фаолият курсатишлари мумкин. Бозор иктисодиёти шароитида ишлаб чикарилган махсулот нисбатида хусусий мулкнинг улуши ортиб бораверади . Бу эса бозорда сифатли ва арзон чорва махсулотлари турларини таъминлайди .

Бозор иктисодиёти шароитида барча турдаги мулк шаклидаги хужаликларнинг эркин ракобат килишлари учун хукукий ва иктисодий асослари яратиб берилади.

Барча мулк шаклидаги хужаликларда ишлаб чикаришни тугри ташкил килиш натижасида чорвачилик махсулотларини таннархини камайтириш , бозор имкониятларидан келиб чикиб сотишни ташкил килиш , хамда асосий чорва махсулотларини хужаликни узида кайта ишлаб тайёр махсулот холида сотишни такоза этади . Бу борада янги махсулотлар турларини тайёрлаш уларнинг сифатини жахон андозалари талабларига жавоб берадиган холатга келтиришни талаб этади.

IV.Узбекистонда чорвачиликни ривожланиши учун мустакиллик йилларида барча шарт шароитлар яратиб берилди. Унинг хукукий ва иктисодий асосларини хукумат томонидан яратилиши чорвадорларни эркин фаолият курсатишлари учун имкониятлар яратиб берди .

Мамлакат чорвачилигида сифат узгаришлар руй бермокда ёки мулк давлат тасарруридан чикариб хусусийлаштирилмокда , бу эса унинг ижобий натижаларини бермокда.

Кушлаб фермалар хиссадорлик , хусусий мулкка айланди, янгидан минглаб фермер ва дехкон хужаликлари барпо этилмокда.

Мамлакатимизда чорвачиликни такдирини албатта хусусий мулкка асосланган чорвачилик хужаликлари ташкил килиши аник.

Хозирги кунда мамлакатимизда 18500 дан ортик фермер ва 3 мнл. дан купрок декхон хужаликлари мавжуд булиб улар чорвачилик билан шугулланмокдалар. Шунинг унинг йилдан-йилга чорва бош сонлари купайиб, чорвачилик махсулотларини ишлаб чикиришкупайиб бормокда , бу асосан хусусий мулкка асосланган чорвачилик хужаликлари эвазига руй бермокда .

Шундай килиб , чорва бош сонларининг асосий кисми хусусий мулк эгалари хисобига тугри келмокда ёки корамолларнинг 95% , сигирларнинг 96,2% куйлар ва эчкиларнинг 65,7%, чучкаларнинг 39,9% ,ойларнинг 66%, паррандаларнинг 60% хусусий мулк эгалари кулида жамланган . Шу боисдан чорвачилик махсулотлари ишлаб чикаришда хам хусусий мулк эгаларининг нисбати анча юкори булмокда .

Мамлакатда ишлаб чикарилган сутнинг 96,7% гуштнинг 96,1% тухумнинг 64,6%, жуннинг эса 56,9% нодавлат чорвачилик нодавлат чорвачилик корхоналарида ишлаб чикармокда . Бу жараён шундай кейин давом этиб, нодавлат корхоналар нисбати ортиб бораверади. Айникса фермер ва дехкон хужаликларининг нисбати ортиб бораверади.

Хозирги кунда мамлакатдаги чорвачиликнинг ахволини коникарли деб булмайди.

Бундай ахволини чорва хайвонларни махсулдорлигида куриш мумкин.

Ўтган йилларда хар 100 бош сигирдан 49 бошдан бузок , 100 бош совликдан 98 бош кузи, ёки 100 бош чучкадан 341 чучка боласи олиниши кандай бахолаш керак .

Ёки суйилган 1 бош корамолнинг тирик вазни 193 кг, куй ва эчкининг 31 кг , чучкани 32 кг булганини тушунтириш кийин .

Бундай курсатгичларнинг паст булиши асосан ташкилотчиликни етишмаслиги , борлик имкониятлар окилона фойдаланишнинг , ўтиш даври кусурларини курсатиш мумкин.

Кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантириш 3 илдизга суянган ҳолда олиб борилиши шарт. Биринчи навбатда мамлакатимизда мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш бўлиб, бу масалани амалга ошириш учун алмашлаб экиш, оралиқ ва такрорий экмнларни жорий этиш. Хашаки экинлар ҳосилдорлигини ошириш эвазига ҳар гектар хашаки экин майдонидан 100-150 оз.бр. олишни таъминлаш керак.

Фермерларни наслдор моллар билан таъминлаш учун барча мулк шаклидаги чорвачилик хўжаликларида наслчилик ишларини андозалар асосида йўлга қўйиш .

Турли мулк шаклидаги хўжаликларда янги жадал технологияларни жорий қилиш асосида жаҳон андозалари даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.

Айниқса, феремер хўжаликларида янги жахон тажрибасида синовдан ўтган технологияларни жорий қилиш бу соҳани обрўйини оширади. Бунинг учун мамлакатда ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сутни дастлаб ҳеч бўлмаганда 3 минг кг. етказиш икки баробар сут етиштиришни кўпайтириш имконини беради ва халқимизни сут маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондиришни таъминлайди.

Гўшт учун топшириладиган чорва ҳайвонларининг ўртача вазнини ошириш бу борада бош омил бўлмоғи керак. Ёки қорамоллар вазни 400-450 кг, қўйларни 50 кг, чўчқаларни 120-

130 кг.га етказиб топшириш камида икки баробар гўшт етиштиришни кўпайтириб халқимиз талабини қондиради.

Назорат саволлари :

1.Мутахасисни шаклланищида чорвачиликнинг урни.
2.Чорвачилакнинг халк хужалигидаги ахамияти.
3.Чорвачиликнинг таърифи.
4.Чорвачиликдан олинадиган озик-овкат махсулотлари.
5.Чорвачиликни ривожлантириш борасидаги Президент фармонлари ва хукумат карорлари.
6.Чорвачиликнинг ахволи ва ривожланиш истикболлари.

Мавзу: **Корамолларнинг келиб чикиши**

Режа:

1.Корамолларнинг келиб чикищини урганишининг ахамияти.
2. Корамолларнинг келиб чикищини урганишининг усуллари.
3.Корамолларнинг хонакилиштириш ва уларнинг узгариши.
4.Корамолларнинг ёввойи уругаймоклари.
5.Корамолларнинг класификацияси.
6.Корамолларнинг биологик хусусиятлари.

Кушимча адабиётлар:

1.Наумов И.Г.Умурткалилар зоологияси  Т. Ўқ.1991 й
2.Красота В.Ф,  Лобанов М.К. 1983.й
3.Лисицин А.Б. Разведение сельскохозяйственных животных. М.К. 1987.й

**Таянч иборалар:**

- ёввойи аждодлар.
- Кулга ургатиш .
- Хонакелаштириш.
- Эволюция.
- Зоологик классификация.
- Кронологик классификация.
- Хужалик классификацияси.
- Бизонлар.
- Зебу.
- Буйвол
- Гаур
- Гаял

1.Кишлок хужалик хайвонларини келиб чикишини урганиш назорат ва амалий ахамиятга эга. Хайвонларнинг келиб чикишини урганиш билан уларнинг эволюцион жараёнда руй берган узгаришларни илгаш билан бирга амалий ахамиятга эга яъни ёввойи аждодлардан фойдаланиб янги зотлар яратиш ёки мавжудларини такоминллаштириш имкониятларини беради.

Куйидаги хайвонлар учрайди:

А. Ёввойи хайвонлар табиат махсулоти булиб химоя туси кузгалувчан нерв тини ва кам махсулот , кеч етилиши билан таърифланади.

Б. Кулга ургатилган хайвонлар – туткинликда купайиш ва авлод колдириш имкониятларидан махрум.

В. Уй хайвонлари- хонакелаштирилган ва инсон мехнати сингган хайвонлар . Ер юзида 1,5 млн жонзод тури мавжуд шундан 56640 тасини умурткалилар ташкил килади.

Г. Кишлок хужалик хайвонлари- хонаки хайвонлар булиб, инсонларнинг чорва махсулотларига булган талабларини кондириш максадида ишлаб чикаришда фойдаланидилар .

Инсонлар томонидан ёввойи хайвонларни хонакилаштириш ибтидоий одамларни ов килиши билан боглик булиб , у бундай 10-12 минг йил олдин бури ва шакалларнинг авлоди булган итлардан бошланган .

Бунинг асосий сабаби ов килиш давомида яраланган бушашган хайвонларни туткинликда ишлашдан максвд хардоим янги гуштга эга булиш эди. Хайвонларни чукурлар казиш , тусиклаш ,аркон ёрдамида ишлаганлар кейин кураларда горларда туткинликда асраганлар .Купинча бундай хайвонлар хайрат учун хам сакланганлар бундай хайвонлардан баъзан авлод олиш хам руй берган. Ёш ёввойи хайвонлар кулга осонрок урганган .

Уй хайвонларининг келиб чикиш минталари уларнинг ёввойи аждодларини таркалишига караб руй берган. Асосий хонакилаштириш минтакалари булиб Евррат ва Тигр дарёлари сохиллари , хиндистон ,хитой, Шимолий шаркий Африка – Нил дарёсининг куйи окиши , Кавказ орти хисобланади.

Купчилик хайволар осиёда кулга ургатилиб хонакилаштирилган ит, корамол, от ,кутас,эчки,куй,чучка , бугу, товуклар хисобланади . Европада ит ,корамол, от ,кутас,эчки,куй,чучка , бугу, товуклар , зебралар , ва бошка хайвонлар .

Австралияда факат нанду товуклари хонакилаштирилган.

Ёввойи хайвонларнинг хонакилаштирилиши катар фанлар ва учуллар ёрдамида иккиламчи курсаткичлар асосида урганилади : Археологик , анотомик, физиолагик, этнографик.

Физиологик усул ёрдамида ёввой хайвонлар оксили таркиби ва кони билан хонаки хайвонларники билан солиштирилиб уларнинг келиб чикишини аниклаш мумкин .

Этнографик усул эса аждодларимизнинг хайвонларнинг тасвирини тог тошларига ва турли ашёларга тушурилишига караб аникланади. Бу жараёнда хайвонларнинг жуссаси ,махсулотдаорлиги , феъл – атворлари , тана тузилиши хусусиятларида узгаришлар руй берганлигига гувох буламиз .

Ёввойи корамол турлар йирик булиб тирик вазни букаларда 1000 кг ягрин баландлиги 190-200см ташкил килиб , жуда йирик булган , тур букаси отни шохида кутариб улоктириб , ёки 4 буруни юзида жарохат етказмаш кураш олиб борган. Уларнинг калласи катта , шохларининг узунлиги 1,5 м огирлиги 15 кг дан ошган.Эволюцион жараёнида эса хайвонларни чегаралан- ган майдонларда сакланиши , йирткич хайвонлардан химояланиши , меъёрий саклаш усулларининг яратилиши хайвонларнинг уларга керак булмаган белги ва хусусиятлар холос булиш , белгиларни пайдо булишига олиб келган.
Хонакилаштириш давомида ёввой корамоллар жуссаси кичиклашга , калласи танага мутаносиб булиб шохи калталашган , тана мутаносиб ривожлана бошданган , териси юпкалашиб юмшок булиб тери ости ёг катлами яхши ривожлвнган , мускуллар бушашган унда ёгнинг микдари купайган , суяклар юмшоклашган , ошкозон хажми катталашиб , ичаклар кискаргалигига гувох буламиз. Эволюцион жараёнда махсулдорлик кескин ошган .

Ёввой корамол аждодлари 300-400 кг сут берган , хонаки сигирларнинг сут махсулдорлиги 8-13 баробар купайган .

Хонакилашган хайвонларда жинсий ва жисмоний балогат ёки икки баробар кашайган , ёки улар тезетилувчан булган . Жинсий фаолиятининг мавсумлийлиги йуколган , ёки сигирларда йил буйи бузок олиш мумкин .

Хонаки хайвонлар юввош булиб ёввойи аждодларидаги хуркакли , куркиш ва баъзи шартли ва шартсиз рефлексдар юколган .

Хонакилаштириш натижасида руй берган узгаришларнинг сабаби куйидагила хисобланади:

1.Харакатланишнинг чегараланиши.Хайвонларнинг эркинликни йукотиши организимда узгаришларга сабаб булди , мускуллар иши камайганлиги учун унда ёг тупланди , скелет бушашди , юрак , упка ва бошка азоълар ривожланиши кискарди .

2.Озикланиш шароитини узгариши . Озиклантириш хажми ва таркиб жижатдан хайвон талабларига тулик жавоб бериши уларнинг пропорционал ривожланиши ва юкори махсулдорлигига сабаб булади .

3.Хайвонларни одамлар уз химоясига олиши , уларнинг бушашимига , тиббий танлаш таъсирини йккотди.

4.Инсонлар хайвонларнинг танлаш натижасида узига керакли хайвонларнигина олиб колган.

5.Хайвонларнинг бир жугрофий худуддан бошка худуддга , бир киътадан иккинчи киътага олиб утилиши уларнинг эволбцион жараёнига таъсир этган.

6.Хайвонларни фавкулодда турли тур , зот, типларни чатиштириш уларнинг шаклланишига сабаб булган .

Корамолларнинг энг якин уруг-аймоклари булиб зебу , кутос , бантенг ,бизон ва буйволлардир .

Бизон энг йирик букасимонлар вакили хисобланади.

Америка бизони – бу ёввойи бука Американинг урмонлари ва тинч океан сохилларида урчиган . Жуда кучли, бакувват , буйи 200 см калласи катта , шохи йирик оркага эгилиб кетган .

Бизонлар Америка очилганда жуда куп булган .1492 йилда улар бошсони 60 млн .бош булган .Европаликлар Америкага келб бизонларни кира бошлади.1870 йилга келиб факат 5.5 млн . бош бизон колди , лекин уларни кириш давом этиб 1895 йилга келиб факат 800 бош бизон колди .

Хукумат тадбирлари натижасида улар сони орта борди , 1918 йилга келиб 4000 , хозир эса 30 минг бош АКШда , 20 минг бош Канадада мавжуд .

Бантенг – Зонд букаси . Купчилик олимлар хулосаларига караганда бантенг хинд ва африка зебулари , хамда осиё корамолларнинг уругбошиси хисобланади . Бантенг ёвойи ва хонакилашган холда мавжуд.Уртача жуссага эга булиб мускуллари яхши ривожланган .Ярим баландлиги сигирларида 140, буккаларида 160 см ташкил килади.Сигирларнинг вазни 450-500 кг , сутдорлиги 450-500 кг , ёглиги 4,5-5,0% .

Улар хозир ява , Суматра ороллари ва малак яриморолида яшайди. Корамол билан чатиштирилганда пушдор авлод беради.

Гаур – улар хиндистоннининг тог урмонларида , жанубдан тортиб хумолай тогларида таркалган . У йирик хайвон , калласи катта , танаси йирик , оёклари мустахкам ,кучли.Ягрин баландлиги 170-180 см , вазни 1000 кг атрофида . Сутдорлиги 300-400 , ёглиги 5-6 %

Гаял – гаурнинг хонакилиштирилган. Йирик булиб , ягрин баландлиги буккларда 150-160 см , сигирларида 140-150 см ташкил этади . Тана тузилиши буйича узини ёввойи аждодини эслатади. У кочонлардир хонакилиштирилган .

Сути жуда ёгли. Корамол билан чатиштиришда пуштдор авлод беради. У асосан Хиндихитой яриморолида таркалган .

Зебу – осиё – африкада кенг таркалган хонаки корамол хисобланади . Олимлар хикрича у бантенгдан келиб чиккан . Унинг тана тузилиши хусусияти ягринида уркач булиб унда мускул толалари ёг билан бирга учрайди.

Уркач хайвон учун озик – овкат ва сув захираси хисобланади.

Уркач 5-8 кг булиб , тана вазнинг 2-3% ташкил килади.Жахонда улар сони 300 млн ни ташкил этиб , улар хиндистонда , Африкада , Американинг тропик ва субтропик худадларида хамда якин шаркда учрайди.

Корамол билан яхши чатишади ва пуштдор авлод беради. Дурагайларнинг сут махсулдорлиги 3000-3500 кг , ёглиги 4,2-4,5 ташкил этади.

АКШда зебуни корамоллар билан чатиштириш натижасида катор зотлар санта - чертруда , бифмастер , брафорд , брангус ва бошкалар .

Кутос – мунгул букаси – Унинг ватани Тибет ясситскисмги. У кучли йирик хайвон булиб , калласи катта , буйникалта булади . Кутослар Монголияда собик иттифок ва Узбекистонда таркалган .

Хонаки кутос, ёввойисига нисбатан майдарок булади: Ягрин баландлиги 108-110 см , ёввойиларида эса у 200 см ни ташкил этади .Шохи калта , кулинча тукал булади.Оёклари мустахкам, туёклари каттик , ранги кора , кунгил ва кулранг.

Буйволлар – улар хозир ёввойи ва хонаки холида учрайди . Уларнинг 2 хили учрайди : Африка ва Осиё Буйволлари . Африка буйволларига каффр , кизил ва калташох буйволлар киради .

Осиё буйволларига хиндистон ёвойи буйволи киради.

Африка буйволлари ёввойи булиб , эндигина кулга ургатиш бошланди.

Хонаки буйвол йирик , кучли , танаси муттаносиб ривожланган , оёглари бироз йугон. Ягрин баландлиги 125 – 130 см. Суяги кучли бели тугри, корни жамли. Вщяга етганлари 450 –500 кг , тугилганда 25 –30 кг тош босади. Кари хайвонлари гушти каттик, ёш буйволлар гушти корамол гуштидан колишмайди. Суйим чикиши 45 – 50% .

Буйволлар лактацияда уртача 600 – 800 сут беради, яхши хужаликларда 1500 –2000 кг га етади ёглиги 7-8 % .Бугозлиги 300 кун давом этади. Улар жуда соглом булиб озикаларга талабчан эмас .

Корамолларни классификациялаш мухим назорат ва амалий ахамиятга эга.

Корамолларнинг зоологик, краниологик ва хужаликга фойдали белгиларига, караб амалга оширилади.

Корамолларнинг зоологик классификацияси.

Синф – сут эмизувчилар
Туркум – жуфттуёклилар
Кенжа туркум – ковмовчилар
Оила – кувшохлилар
Кабила – букалар
Тур – тур

Хонаки корамоллар

Краниологик классификация .

1.Тор пешона Bos primigenius , бу осиё корамоллари аждодлари, кора – ола голланд кулранг украина корамоллари.

2.Кенг пешона Bos fontosus , бу тпга хос корамоллар пешонаси яхши ривожланган, кенг ва узун бош суягиги эга , симлиентал зот.

3.Калтабош – Bos brohocephalus , бош суяги калта куз косаси оралиги кенг булади , кизил горбатов зоти.

4.Калташох – Bos brahictroc , бош суяги шох калта ва тик чиккани билан таърифланади , кунгир зотлар.

5.Тугришох – Bos indicus- Бош суяги узун ва тор , камик зоти.

VI. Тукал – Bos okerator – шахсиз корамол.

Хужалик учун фойдали белгилари буйича корамоллар куйидагича булинади.

1.Сутдор корамоллар

2.Кушмахсулдор корамоллар

3.Гуштдор корамоллар.

**Назорат саволлари:**

1.Келиб чиқишни ўрганишнинг ахамияти.

2.Ўрганиш усуллари.

3.Қорамолларнинг ёввоий аждодлари.

4.Қорамоллар классификацияси.

5.Қорамолларнинг биологик хусусиятлари.

## Мавзу: Корамолларнинг экстерери, интерери ва конституцияси.

**Режа:**

1)Мавзуни урганишнинг ахамияти.

2)Корамолларнинг ташки тани тузилиши.

3)Корамоллар интерери ва унинг ахамияти

4)Корамолларнинг конституцияси ва унинг ишлаб чикаришдаги ахамияти.

Қўшимча адабиётлар:

1.Собиров П.С., Қохоров А.Қ., Дўстқулов С.Д., “Чорва ҳайвонларини урчитиш ” Т. 2003

**Таянч иборалар:**

-Экстерер, ўлчам, индекс, график, интерер, қон, тери, суяк, конституция, дағал, нозик, зич, бўш.

1.Хайвонларнинг ташки тана тузилишини урганиш мухим назорат ва ахамият касб этади.

Экстерер – ташки тузилиши булиб , хайвонларда маълум шароитда ирсият таъсирида шаклланиб , ёши утиши билан узгаради.

Экстерер – угрисидаги фан к – х хайвонларини уларнинг ташки тузилишига караб хужалик ва насл кийматини аниклашнитаминлайди.

Танаси учбурчак , баъзи суяклари буртиб туради .Териси юпка бурмали , эгилувчан осон тортилади. Уларга сут хосил килиш аъзолари ва корни жуда яхши ривожланган .Боши узун ва тор . Кукраги яхши ривожланган .Оёклари мустахкам , тугри куйилган , бироз гуштдор корамолларга нисбатан узунрок булади.Гуштдор корамоллар танаси чукур ва кенг , кугли ривожланган мускул ва тери ости ёг катламига эга, териси юмшок , нозик.Боши енгил калта , кенг .Орка кисми узун кенг текис булиб мускуллари билан тулишган.Оёклари калтарок булиб , кенг куйилган , купинча эгилган булади.

Ташки тана тузилиши.корамолнинг жинсига караб хам фаркланади.Эркак ва ургочи корамолларнинг баъзи тана кисимлари фаркланади.

Шунингдек ташки тана тузилиши хайвоннинг ёшига; мустахкамлиги ва соглиги ; ривожланганлик ёки ривожланмаганлик ; зоти ; муайят хужаликдаги озиклантириш ва саклаш усуллари тирик вазнига боглик .Хайвонлар ташки тузилиши факат унинг махсулдорлик йуналишини аниклаб бериши мумкин, махсулот микдори ва сифатини белгилаб бераолмайди .

Экспертни куз билан чамалаб , улчам олиш , тана индекслари , график , рсмга тушириш биланурганилади.

Куз билан чамалаб бахолашда тананинг пропорционал ривожланиши ва алохида тана кисимларини ривожланиши , умумий куриниши урганилади .Бу йил билан хайвоннинг уз махсулот йуналишига мослиги ва фойдаланиш имкониятлари белгиланади.Ушбу усулнинг камчилиги унинг субективлигида , чунки хайвоннинг ижобий ва салбий белгиларини аник бахолаш имконияти йук.

Куз билан бахолашда пунктир ёки балл тизими анча аник хисобланади.

Букалар экстерери буйича 30 баллик , сигирлар 10 баллик шкала асосида бахоланади.

Ёш корамоллар 10 баллик шкала буйича бахоланади.

Асосий тана кисимлари умумий ривожланиши, экстерер тана – кисмлари : боши ва буйни , кукраги , ягрини ва бели , тананинг урта кисми , оркаси, елин ва суртгичлар кисимларининг нуксонлари булиши мумкин .

Корамоллар экстererини урганишда уларни тана кисмларини улчаш билан унинг кчамларини улчаш билан аникрок маълумотлар олиш мумкин.

Тана индексларини хисоблаш асосида унинг хусусиятларини яхширок урганиш имконияти мавжуд . Корамолларда 10 тана индекслари хисоблаб чикарилади.

График усул , хайвонлар улчаш курсатгичлари бир – бирига солиштириб урганилади.

Расм тушириш асосида чайвоннинг тана тузилиш хусусиятларини чочлаган махалда урганиш мумкин .

Чирвинский – Мамигонов конунияти – маълум даврда етарли озиклантирмаслик шу даврда жадал усадиган азо ва кисмларга салбий тасир курсатади.

Хайвонлар танасининг ички тузилиши.

Тана ташки тузилиши ва аъзо, тукималар фаолияти бир-бири билан узвий богланганидир, шу боисдан хайвонларнинг интерьер фарки махсулдорлик юналишини акс еттириб, уларнинг соглигини белгилайди.

Бир зотга мансуб гуштдорлик томонига огган сигирларнинг вазни 719 кг, ойлик сути 304 кг, булгани холда сутдор тип сигирларининг вазни 664 кг, ойлик сути 571 кг ни тащкил килиб кони еритроситлар билан купрок туйинган булган. Сермахсул сигирларда еритроситлар ва гемоглобин микдорининг камлигига карашасдан юрак уриши ва нафас олишининг тезлиги улар модда алмашинувининг юкорилигидан далолат беради.

Л.В.богданов танада айланаётган кон микдори билан сут махсулдорлигини ижобий коррелатив богланишини исботлаган.

Мухим интерер курсаткичлардан елининг тукималар нисбати хисобланади, серсут сигирларда 75-80% без тукималаридан факат 20-25% бириктирувчи ва ёг тукималаридан ташкил топади.

Сут йуналишидаги сигирлар териси йупка булиб, тери ости ёг катлами кам булади, бу курсатгич гушт йуналишидаги корамолларда купрок булади.

Овкат хазм килиш аъзоларининг хажми ва фаолияти сут йуналишидаги корамолларда яхширок ривожланганлиги аникланган.

Гуштнинг сифати унинг морфологик, кимёвий таркиби ва гистологик тузилишига боглик. Корамол гушти мускул, ёг, суяк ва бириктирувчи тукималар нисбатига караб сифати белгиланади. Кимёвий таркиби буйича еса таркибида курук моддалар, шу жумладан оксил микдорининг куплиги гуштнинг йукори сифатини белгилайди.

Гушт толаларининг ингичкалиги, улар орасида ёг пардаларининг борлигини гистологик усул билан аниклаш билан корамолнинг гуштининг сифати хакида фикр юритиш мумкин.

Интерер курсаткичлар корамолларнинг бахолашда, махсулот юналишини белгилашда, соглиги ва шароитга мослашишгани аниклашда мухим урин тутади.

Конститутсия—хайвонлар ташки тузилиши, уларнинг ички аъзолари ва тукималарининг тузилиши фаолиятининг мажмуасидир.

Е.А.Борисенко буйича конститутсия хайвонларнинг морфофизиологик ва биохимик хусусиятлари булиб, ирсият ва ташки табиатда шаклланиб, махсулдорлик ва ташки мухитга жавоби билан белгиланади. Зоотехния да конститутсиянинг турли усуллари таъриф килинган, уларнинг ичида асосланган ва амалий ахамиятга ега Кулишов П.Н. томонидан тафсия килинган скласификатсия хисобланади. У тананинг асосий тана кисмлари ва аъзоларининг махсулот йуналишига караб фарк килишини исботлаган.

Сут юналишидаги корамоллар териси юпка, пишик, егилувчан, мускулатураси зич, ёгги кам, суяги каттик ва ингичка сут безлари яхши ривожланган, ички аъзолари кучли ривожланган. Гушт юналишидаги корамолларда еса териси юпка, буш, ёг катлами калин, мускуллари яхши ривожланган, суяги ингичка, лекин буш, ички аъзолар айникса овкат хазм килиш ва сут аъзолари кучли ривожланган.

Юкориладагиларга асосланиб П.Н. Кулишов хайвонлар тузилишининг дагаллиги, нозиклиги, зичлиги ёки бушлигига караб 4 хил конститутсия типини ажратган.

Нозик зип тип. Бу типга сут юналишидаги корамоллар киради. Уларда моддалар алмашинуви юкори булиб тез семирмайди, кузгалувчан нерв системаси, тетик ва хаётчан булади. Боши енгил. Буйни юпка. Кукраги энсиз, чукур, узун ва яхши ривожланган оёклари ингичка, мустахкам, туёги каттик, оёклари узун, мускулатураси коникарли ривожланган. Тери ости ёг катлами кучсиз ривожланган.

Нозик буш. Бу типга гуштдор корамоллар мансуб. Уларда модда алмашинуви секин кечади натижада улар тез семириб, ёг туплайди, нерв системаси секин кузгалувчан, бироз хайот фаолияти бушашган. Териси юпка, буш, сийрак, нозик, юмшок жун билан копланган. Боши енгил, калта. Буйни калта, кукраги калта, кенг, чукур, думалок, суяги ингичка енгил, туёги юмшок чидамли емас.

Дагал зич.Бу типга шу корамоллар киради .

Бу хайвонлар уртача кузгалувчи нерв системасига ега, хайотчан ва ишчан булади, харакатчан чидамли ва шароитга талабчан булмайди.

Териси калин, зич, ёгон, дагал толалар билан копланган, калласи катта, дагал, буйни катта югон. Тананинг олдинги 3\1 кисми кучли ривожланган, югон. Тери ости ёг катлами яхши ривожланган.

Дагал буш—бундай хайвонлар кеч етилувчан озикага ёмон хак тулайди, камхаракат, тез касалликга чалиниди, шунинг учун хужалик нуктаи назардан максадга мувофик емас. Уларда нерв системаси буш, модда алмашинуви буш, пушдорлиги паст, териси калин. Мускуллари яхши ривожланган ва буш.

Хайвонларнинг конститутсияси билан уларнинг соглиги махсулдорлиги, тез етилувчанлиги, бурдокиланиши, харакатчанлиги, серпуштлиги, чидамлиги, узок яшаши, акклиматизатсия хусусиятлари узвий богликдир.

Барча конститутсия типига мансуб хайвонлар мустахкам тана, уртача нерв системаси билан тарифланиб узок вакт юкори махсулдорлик ва пуштдорликка ега булишлари керак.

Наслчилик ишини бузилиши куйидагилардан иборат:

А) катор бугинларда кариндош урчитишни куллаш,

Б) бирёклама танлаш ва жуфтлаш,

В) хайвонларни жуфтлашда уларнинг конститутсия хусусиятларига етибор бермаслик,

Г) катор бугинларда меёрда озиклантирирмаслик.

Д) сурункали касалликлар.

Е) моционнинг юклиги.

Бушашган конститутсия типига мансуб хайвонлар биринчи навбатда подадан чикарилади.

Хайвон кондицияси:

А) завод

Б) иш

В) кургазма

Г) бурдоки –суким

Д) оч (голодное)

**Назорат саволлари:**

1. Тана тузилишини урганишнинг ахамияти.
2. Турли юналишдаги корамоллар тана тузилиши.
3. Интерер ва махсулдорлик.
4. Конститутсиянинг тафсифи.
5. Конституция типлари.

## МАВЗУ: ҚОРАМОЛЛАРНИНГ СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИ.

**Режа:**

1) Сут ҳақида тушунча ва унинг аҳамияти.
2) Сутнинг таркиби ва ҳоссалари.
3) Сутнинг ҳосил бўлиши.
4) Сутнинг ажралиши.
5) Сигирларнинг сут маҳсулдорлигига таъсир қилувчи омиллар.
6) Сигирларни оғиш.
7) Сутдорлик ва сутнинг таркибий кисмларининг наслга берилиши.
8) Лактация турлари ва табиати.

**Қўшимча адабиётлар:**

1) Эрнст Л.К. "Скотоводство" М. Колос 1984

**Таянч иборалар:**

сут; сут озиқ – овқат; ўғиз сути; сут ёғи; таркиби; сут оқсиллари; сут қанди; минерал моддалар; витаминлар; сутнинг органолептик ҳусусиятлари; сутнинг зичлиги; сутнинг тўйимлилиги; сут алвеолалари; елин; сут цистернаси; найча ва каналлар; елин индекси; елин шакллари; елин сўрғичи; шакллари, сут бериш тезлиги.: наслдан-наслга берилиши; асосий белгилар; ирсият коэффициенти; узгарувчанлик коэффициенти; лактация; сервис даври; сутдан чиккан давр; сутдан чикариш; лактация эгри чизиги; лактациянинг тургунлик коэффициенти; лактациянинг тулакийматлик коэффициенти; ирсий омиллар; ташки омиллар.

1. Сут оқ рангда биологик мураккаб суюқлик бўлиб сут эмизувчи урғочи ҳайвонлар туққанидан кейин ўз болаларини боқиш учун ишлаб чиқаради.

Сут ёш бузоқнинг яшаши учун зарур бўлган барча тўйимли моддалар ва энергия манбаи бўлиб ҳисобланади. Иш боисдан сут инсонлар учун муҳим озиқ-овқат, туйимли моддалар манбаи бўлиб ҳисобланади. Унинг таркибида инсон учун зарур кўпчилик тўйимлик моддалар бўлиб улар бошқа озиқ-овқатлар таркибидаги тўйимли моддалардан осонроқ ҳазмланади.

Мамлакатимиз ахолисини сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш чорвадорларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Ҳозир мамлакатимизда 3,5 млн. тонна атрофида ёки киши бошига 140 кг атрофида сут ишлаб чиқарилмоқда. Илмий асосланган меёрларга биноан 405 кг ёки мамлакатимизда 10.1 млн. тонна сут ишлаб чиқариш талаб этилади. Бунга бир сигирдан соғиб олинадиган сутни 1250 кг дан 4040 кг га етказиш билан эришиш мумкин.

Бунинг учун барча хўжаликда сигирларни озиқлантириш ва сақлаш шароитларини яхшилаш, насилчилик ишини меёрлар даражасида йўлга қўшиш билан эришиш мумкин.

Сутнинг таркибида 200 дан ортиқ, тўйимли моддалар мавжуд. Шунинг учун ҳам сут одамлар учун қимматли, ноёб, парҳез озиқ – овқат ҳисобланади, чунки унинг тўйимли моддалари тез ҳазм бўлиши қобилиятига эга. сутнинг таркибида асосий тўйимли моддалардан ташқари Гохил витаминлари, Зохил ферментлар, 10 макро ва 20 микроэлементлар мавжуд. Сут ёғининг таркибида эса 150 хил ёғ кислоталари, сут оқсилида эса 20 хилдан иборат аминокислоталар мавжуд.

Сут икки қисмдан иборат сув ва қуруқ моддалар, қайсики 12,5 – 13% ташкил қилади.

Шундан: ёғ – 3,8 %
оқсил – 3,5%
қанд – 4,6%
кул – 0,7%

Сутнинг таркибида ёғ, оқсил, қанд 95, 95, 98% ҳазмланади.

Сутнинг таркибида ёғ дағал дисперс ҳолда ёки майда ёғ заррачалари ҳолида сузиб юради (2 – 10ку) шунинг учун осонгина сепаратор ёрдамида ажратиб олиш мумкин.

Сут оқсили эса молекуляр дисперс ҳолида бўлиб ажратиб олиш қийин.

Сут қанди ва кул эриган ҳолда бўлади.

Сигир туққанидан кейин 6-8 кун ўғиз сути беради. Бу сут таркибида (қуруқ моддалар 25,0%), ҳоссалари (қуюқ, нордон, сарғиш) билан оддий сутдан ажралиб туради ва янги туғилган бузоқлар учун ягона озиқа манбаи ҳисобланади.

Ўғиз сутида оддий сутга нисбатан оқсиллар 4 – 5 баробар кўп бўлиб 15%), айниқса унинг таркибида албулин ва Глобулин оқсиллари 20 – 25 баробар кўп бўлиб бузоқнинг резистентлик хусусиятини шакиллантиради. Унинг нордонлиги 50 60$^{0}$Т бўлиб ошқозон – ичак тизимидаги зарарли микроорганизмларни ўлдиради.

2. Сут ҳосили бўлишида нафақат елин қатнашмай барча тана аъзолари фаол иштирок этади.

Сут қон таркибидаги тўйимли моддалардан елиндаги сут безларининг сут алвиолаларининг миоэпителияларида ҳосил бўлади. Бу жараён мураккаб биохимик жараён ҳисобланади. Ҳосил бўлган сут майда найчалардан катта найчаларга ва йўлларга очилиб сут цистернасига қўйилади.

Сут ҳосил бўлиши токи елин идиши тўлгунча қадар давом этади. Елин идиши тўлгандан кейин сут ҳосил бўлиши у бўшатилмагунча тўхтаб туради ёки марказий нерв системаси томонидан бошқариб турилади. Идиш бўшагандан яна янги сут томчилари ҳосил бўла бошлайди. Шунинг учун айниқса сермаҳсул сигирлар елинини тез – тез бўшатиб туриш керак. 1 л сут ҳосил бўлиши учун елиндан 400 – 500 л қон оқиб ўтади.

Сут ажралиши мураккаб нерв – гуморал жараён бўлиб тананинг кўпчилик аъзолари қатнашади. Сигир соғиш бошланиши (уқалаш, ювиш)билан ленсга хабар беради ва гипофиз безига буйруқ бериши натижасида ундан окцитацин гармони ажралиб қонга қуйилади ва қон

орқали елинга боради, елин кўндаланг мускуллари, сўрғич мускуллари қисқариши натижасида сут ажрала бошлайди.

Лекин окцитацин гормонининг таъсири фақат 5 – 6 минут давом этади, агар шу даврда сутнинг асосий қисми соғиб олинмаса, у ушланиб қолади. Қолдиқ сутни соғиб олиш шарт, чунки у энг ёғли сут (11 – 12%).

Сигирларни соғишнинг икки хил усули бор.

Елиннинг шакли: ваннасимон, косасимон, думалоқ, эчки елин, яхши ривожланмаган елин.

Елин тўрт бўлакдан иборат олдинги ўнг олдинги чап, орқа ўнг, орқа чап.

Елин индекси олдинги бўлмалар сутини жами сутга нисбатини фоиздаги ифодаси (45 – 47%).

Елин сўрғичлари: цилиндрсимон, конуссимон, ноксимон, бутилкасимон, қаламсимон шаклда бўлади.

3. Сигирларнинг сутдорлиги уларнинг асосий ҳусусиятларидан ҳисобланиб уларни баҳолашнинг асоси ҳисобланади.

Сигирлар сутдорлигини наслдан – наслга жуда мураккаб муаммо бўлиб у охиригача очиб берилмаган. Унинг мураккаблиги шундаки у бутун организм фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Бундан ташқари сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ирсий белги бўлмаган кўп омиллар таъсир этади. Кўпчилик дунё миқёсидаги тури зотларда олиб борилган тадқиқотлар сутдорлик, сутнинг таркибидаги ёғ ва оқсил ирсий белги эканлиги тан олинган. Бу маълумотнинг асослигини бирхил озиқлантириш ва сақлаш шароитидаги бир зотга мансуб тури қаторлар, оилалар, тури буқалар қизларининг маҳсулдорлигини ва уларнинг сутининг таркибини фарқ қилишини мақуллаш мумкин. сигирларнинг сут белгилари оралиқ ирсий кўрсаткич ҳисобланади. Кейинги йиллар тадқиқотлари шундан далолат берадики, баъзи ҳолларда курсатгич оралиқ ирсий кўрсаткичликдан кўпроқ ота – оналарнинг насл потенциясига кўпроқ боғликлиги исботланган.

Ирсий ва ирсий бўлмаган белгилар сигирларнинг сутдорликнинг айрим белгиларига бир хилда таъсир этмайди. Сигирларнинг сутдорлигига ташқи муҳит кўпроқ таъсир этса, унинг таркибида сут ёғи ва оқсил миқдори кўпроқ ирсиятга боғлиқ. Сигирлар сутдорлигининг қайси белгиларининг наслдан – наслга берилишини ирсият коэффициенти орқали белгилаш мумкин. ирсий коэффициент ўнлик бутун сонларда ифодаланади.

Меҳнат: Сут миқдорининг наслдан – насилга берилиши 0,3 – 0,4; сут ёғи – 0,5 0,6, оқсил эса – 0,4 – 0,5 бўлади.

Ирсият коэффициентининг 1 га яқинлашиши шу белгининг наслдан – наслга юқори даражада берилишидан гувоҳ беради. Шу боисдан сутнинг миқдорига нисбатан унинг ёғи ва оқсилининг ирсий коэффициенти анча юқори ҳисобланади. Агарда ирсий коэффициент қанча юқори бўлса унинг ўзгарувчанлик коэффициенти шунчалик паст бўлади, ёки у ташқи муҳит таъсирида камроқ ўзгаради. Ташқи муҳит омилини яхшилаш билан сигирларнинг сути ёғи ва оқсилини маълум даврагагина кўпайтириш мумкин. сигирлар сутининг ёғи ва оқсилининг ирсий коэффициенти анча юқори ҳисобланади. Агарда ирсий коэффициент қанча юқори бўлса унинг ўзгарувчанлик коэффициенти шунчалик паст бўлади, ёки у ташқи муҳит таъсирида камроқ ўзгаради. Ташқи муҳит омилини яхшилаш билан сигирларнинг сути ёғи ва оқсилини маълум даврагагина кўпайтириш мумкин. сигирлар сутининг ёғи ва оқсилини қатор буғинларда ушбу белгилар билан чуқур ишлаш натижасида ошириш мумкин. Бу ишни режа асосида мақсадни қилиб ўтказиш керак.

Насилчилик ишларини режалаштиришда насилчилик ишининг генетик асосларини қурол қилиб олиш керак.

4.Сут бези бошқа безлардан ўларок доимий эмас, балки даврий ишлайди. Сигир туққандан сутдан чиққунгача давр лактация деб аталади. Сигирнинг сут ишлаб чиқаришини тугаши сутдан чиқиш дейилади. Сигир сутдан чиққандан то туққунгача давр қуриқлик даври ҳисобланади. Сервис давр эса сигир туққандан оталангунгача бўлган давр ҳисобланади. Ҳозирги замонавий зотларда сигирларни яхши боқиш ва сақлаш натижасида лактация даври 300 ва ундан кўпроқ кунни ташкил қилади. Агар сигир 300 – 305 кун соғилса бу меёр

ҳисобланади, бу ҳолда сутдан чиққан давр 60 – 65 кунни ташкил қилади, бу тизимда ҳар йилда бир бош сигирдан биттадан бузоқ олиш таъминлайди.

Лактация давомида бир кунда соғиб олинадиган сут миқдори ўзгариб боради. Бутун лактация, соғим ойлари, декадалари ва кунлари бўйича сут миқдорини ўзгаришнинг лактация эгри чизиғи орқали ифодалаш мумкин. тури зотларга мансуб сигирларни лактация эгри чизиғи бир ғ биридан фарқланади. Баъзиларида ўзгариш кескин бўлса, баъзиларида секин кечади.

Лактация эгри чизиғи сигирнинг сут маҳсулдорлиги, индивидуал ҳусусияти, физиологик ҳолати ва албатта озиқлантириш, сақлаш шароитларига боғлиқ.

Лактация эгри чизиғининг табиатига қараб сигирларнинг қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Баланд турғун лактация эгри чизиғи ёки фаолияти;
2. Баланд, турғун бўлмаган тез пасаядиган лактация. Туққандан кейинги баланд кунлик соғим тез пасайиб кетади. Бунинг асосий сабаби нозик, юрак – қон томирлари мукаммал ривожланмаган сигирлар узоқ вақт юқори сут бериш қобилиятига эга эмас.
3. Турғун паст лактация. Бундай сигирлар табиий равишда кам маҳсулдор бўлади.

Лактация эгри чизиғи сигирнинг сут маҳсулдорлиги, ирсий ҳусусиятлари, физиологик ҳолати, озиқлантириш ва сақлаш шароитлари, ҳамда сигирларни ийдириш (раздой) тизимига боғлиқ. Лактация табиатига сигирларнинг

Даври ҳам таъсир этади. Бирхил шароитда меёрда саыланиб, озиылантирилган сигирларнинг лактация фаолиятида ыайта фарыни кузатиш мумкин.

Айниқса ката фарқ турғун ва турғун бўлмаган лактацияга мансуб сигирларда учрайди.

Турғун лактацияга эга сигирлар бирхилда сут беради ва лактация давомида кунлик сут секин пасайиб боради, турғун бўлмаган сигирларда эса 1 ойдаги баланд сут маҳсулдорлиги кейинги ойларда кескин пасайиб кетади. Шу боисдан ҳардам турғун лактацияга эга бўлган сигирлар, турғун бўлмаган лактацияга мансуб сигирларга нисбатан кўпроы сут беради, кўпинча турғун бўлмаган лактацияга мансуб сигирлар муддатидан олдин сутдан чиқиб кетади.

Лактация эгри чизиғи унинг бошида юыори бўлади. Бу даврда кунлик сут миқдори ортиб бориб 2 – 3 ойда энг юқори нўқтага етади. Шундан кейин баъзиларида секин, баъзиларида тез пасаяборади, айниыса бу жараёнга навбатдаги буғозлик таъсир этади, баъзиларида сутнинг миқдори тез камайиб бориб сутдан чиқиб кетади. Сигирнинг лактация давомида берган сутнинг миыдори баланд нўқтага эришишнинг давомийлиги, ҳамда унинг пасайиш ҳусусиятига боғлиқ.

Илғор чорвадорлар сигирлардан юқори сут маҳсулдорлиги олишга эришганлар.

Нитка ва борба лақабли Кострома зотга мансуб сигирларнинг биринчисида турғун лактация бўлгани учун 12168 кг, борбада эса баланд турғун бўлмаган лактация натижасида фақат 7318 кг сут берган холос.

Сигирлар серсутлигининг 25% энг юқори суткалик сутга ва 75% лактация эгри чизиғининг пасайишига боғлиқ. Мустаҳкам конституцияга мансуб сигирлар кўпинча баланд суткалик сут ва турғун лактация эгри чизиғига мансуб бўлади. Серсут сигирларда энг баланд кунлик сутдан кейинги ойларда пасайиш 6%, камсут сигирларда эса 9 % ташкил этади. Лактациянинг тавсифи уни турғунлиги билан ифодаланади. Унинг турғунлиги иккинчи 90 – 100 кунликдаги сутни биринчи 90 – 100 кунликдаги сутга нисбатини фоиздаги ифодасига айтилади.

Серсут сигирларда лактациянинг турғунлик коэффициенти 97 – 99%, камсут сигирларда эса 75 – 78% ташкил этади. Лактациянинг турғунлиги В.Б.Веселовский формуласи асосида лактациянинг тўлақийматлилик кўрсаткичини ҳисоблаш мумкин:

Бу кўрсаткич турғун лактацияга эга сигирларда 70 ва ундан кўп бўлиб, тез пастлайдиган лактация эгри чизиғига эга сигирларда 50 ва ундан паст бўлади.

Лактация эгри чизиғи тавсифи билан сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ўртасида ўзвий боғлиқлик бўлгани учун танлаш ва жуфтлашда алоҳида эътибор беради.

Сигирларни баҳолашда нафақат энг баланд суткалик сут миқдори бўлиб ҳаммасидан унинг турғунлигига алоҳида эътибор берилади.

Бундай сигирлар фақат лактация давомида юори сут маҳсулдорлигига эга бўлиб олмасдан ҳаёти давомида ҳам кўп сут бериш обилиятига эга, шунинг учун бундай сигирлар насилчилик ишларида кенг фойдаланилади.

Сигирларнинг сутдорлиги уларнинг асосий хусусиятларидан хисобланиб уларни бахолашнинг асоси булади.

Сигирлар сутдорлигини наслдан-наслга жуда мураккаб муаммо булиб у охиригача очиб берилмаган. Унинг мураккаблиги шундаки у бутун организм фаолиятининг натижаси хисобланади. Бундан ташкари сигирларнинг сут махсулдорлиги ирсий белги булмаган куп омиллар таъсир этади. Купчилик Дуне микёсидаги турли зотларда олиб борилган тадкикотлар сутдорлик, сутнинг таркибидаги ёғ ва оксил ирсий белги эканлиги тан олинган. Бу маълумотнинг асослигини бир хил озиклантириш ва саклаш шароитидаги бир зотга мансуб турли каторлар, оилалар, турли букалар кизларининг махсулдорлигининг ва уларнинг сутининг таркибини фарк килишининг маъкуллаш мумкин. Стгтрларнинг сут белгилари оралик ирсий курсаткич хисобланади. Кейинги йиллар тадкикотлари шундан далолат берадики, баъзи холларда бу курсаткич оралик ирсий курсаткичлардан купрок ота-оналарнинг насл потенциясига купрок богликлиги исботланган.

Ирсий ва ирсий булмаган белгилар сигирларнинг сутдорлигининг айрим белгиларига бир хилда таъсир этмайди. Сигирларнинг сутдорлигига ташки мухит купрок таъсир этса, унинг таркибида су тёги ва оксил микдори купрок ирсиятга боглик. Сигирлар сутдорлигининг кайси белгиларининг наслдан – наслга берилишини ирсият коэффициенти оркали белгилаш мумкин. Ирсий коэффициент унлик бутун сонларда ифодаланилади. Масалан: сут микдорининг наслдан-наслга берилиши – 0,3-0,4; сут ёги – 0,5-0,6, оксил эса 0,4-0,5 булади.

Ирсият коэффициентининг 1 га якинлашиши шу белгининг наслдан – наслга юкори даражада берилишидан гувох беради. Шу боисдан сутнинг микдорига нисбатан унинг ёги ва оксилнинг ирсий коэффициенти анча юкори хисобланади. Агарда ирсий коэффициент канча юкори булса унинг узгарувчанлик коэффициент шунчалик паст булади, ёки ташки мухит таъсирида камрок узгаради. Ташки мухит омилини яхшилаш Билан сигирларнинг су тёги ва оксилини маълум даврдагина купайтириш мумкин. Сигирлар сутининг ёги ва оксилини катор бугинларда Ушбу белгилар Билан чукур ишлаш натижасида ошириш мумкин. Бу ишни режа асосида максадли килиб утказиш керак. Наслчилик ишларини режалаштиришда наслчилик ишининг генетик асосларини курол килиб олиш керак.

Сут бези бошка безлардан уларок доимий эмас, балки даврий ишлайди. Сигир туккандан сутдан чиккунча давр лактация даври деб айтилади.

Сигирнинг сут ишлаб чикаришинитугаши сутдан чикиш дейилади. Сигир сутдан чиккандан то туккунгача давр куруклик даври булиб хисобланади. Хозрги замонавий зотларда сигирларни яхши бокиш ва саклаш натижасида лактация даври 300 ва ундан купрок кунни ташкил килади. Агар сигир 300-305 кун согилса бу меъёр хисобланади, бу холда сутдан чиккан давр 60-65 кунни ташкил килади, бу тизимда хар йилда бир бош сигирдан биттадан бузок олиш таъминланади.

Лактация давомида бир кунда согиб олинадиган сут микдори узгариб боради. Бутун лактация, согим ойлари, декадалари ва кунлари буйича сут махсулдорлигининг микдорининг лактация эгри чизиги оркали ифодалаш мумкин. Турли зотларга мансуб сигирларни лактация эгри чизиги бир- биридан фаркланади. Баъзиларида узгариш кескин булса, баъзиларида секин кечади.

Лактация эгри чизиги сигирларнинг сут махсулдорлигининг, индивидуал хусусияти, физиологик холати ва албаттак озиклантириш, саклаш, шароитларига боглик.

Лактация эгри чизигининг табиатига караб сигирларнинг куйдаги гурухларга булиш мумкин:

1. Баланд тургун лактация эгри чизиги ёки фаолияти;
2. Баланд тургун булмаган тез пасаядиган лактация. Туккандан кейинги баланд кунлик согим тез пасайиб кетади. Бунинг асосий сабаби нозик, юрак-кон томирлари мукаммал ривожланган сигирлар узок вакт юкори сут бериш кобилиятига эга эмас.

3. Тургун паст лактация.. бундай сигирлар табиий равишда кам махсулдор булади.

Лактация эгри чизиги сигирнинг сут махсулдорлиги, ирсий хусусиятлари, физиологик холати, озиклантириш ва саклаш шароитлари, хамда сигирларни ийдириш тизимига боглик. Лактация табиатидаги сигирларнинг тугиш даври хам таъсир этади. Бир хил шароитда меъёрда саклаб, озиклантирилган сигирларнинг лактация фаолиятида ката фаркни кузатиш мумкин.

Айникса ката фарк тургун ва тургун булмаган лактацияга мансуб сигирларда учрайди.

Тургун лактацияга эга сигирлар бир хилда сут беради ва лактация давомида кунлик сут секин пасайиб боради. Шу боисдан хар доим тургун лактацияга мансуб сигирларга нисбатан сут купрок беради, купинча тургун булмаган лактацияга мансуб сигирлар муддатидан олдин сутдан чикиб кетади.

Лактация эгри чизиги унинг бошида юкори булади. Бу даврда кунлик сут микдори ортиб бориб 2-3 ойда энг юкори нуктага етади. Шундан кейин баъзиларида секин, баъзиларида тез пасая боради, айникса бу жараёнга навбатдаги бугозлик таъсир этади, баъзиларда сутнтнг микдори тез камайиб бориб сутдан чикиб кетади. Сигирнинг лактация давомида берган сутининг микдори баланд нуктага эришишининг давомийлиги, хамда унинг пасайиш хусусиятига боглик.

Илгор чорвадорлар сигирлардан юкори сут махсулдорлигини юкори сут махсулдорлиги олишга эришганлар.

Нитка ва борба лакабли Кострома зотга мансуб сигирларнинг биринчисида тургун лактация булгани учун 12168 кг, борбада эса баланд тургун булмаган лактация натижасида факат 7318 кг сут берган холос.

Сигирлар серсутлигининг 25% энг юкори суткалик сутга ва 75% лактация эгри чизигининг пасайишига боглик. Мустахкам конституцияга мансуб сигирлар купинча баланд суткалик сут ва тургун лактация эгри чизигига мансуб булади. Серсут сигирларда энг баланд кунлик сутдан кейинги ойларда пасайиши 6%, камсут сигирларда эса 9% ташкил этади. Лактациянинг тавсифи уни тургунлиги Билан ифодаланади. Унинг тургунлиги иккинчи 90-100 кунликдаги сутни биринчи 90-100 кунликка нисбатини фоиздаги ифодасига айтилади.

Серсут сигирларда лактациянинг тургунлик коэффициенти 97-99%, камсут сигирларда эса 75-78% ташкил этади. Лактациянинг тургунлиги В.Б. Весаловский формуласи асосида лактациянинг тулакийматлилик курсаткичи хисоблаш мумкин:

ПП= лактацияда согиб олинган сут **х** 100 / энг юкори кунлик сут **х** лактация кунлари**.**

Бу курсаткич тургун лактацияга эса сигирларда 70 ва ундан куп булиб, тез пастлайдиган лактация эгри чизигига эга сигирларда 50 ва ундан паст булади.

Лактация эгри чизиги тавсифи билан сигирларнинг сут махсулдорлиги уртасида узвий богликлик булгани учун танлаш ва жуфтлашда алохида эътибор беради.

Сигирларни бахолашда нафакат энг баланд суткалик сут микдари булиб колмасдан унинг тургунлигига алохида эътибор берилади.

Бундай сигирлар факат лактация давомида юкори сут махсулдорлигига эга булиб колмасдан хаёти давомида хам куп сут бериш кобилиятига эга, шунинг учун бундай сигирлар наслчилик ишларида кенг фойдаланилади.

# МАВЗУ: ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ГЎШТ МАҲСУЛДОРЛИГИ.

**Режа:**

1. **Қорамол гўшти хакида тушунча.**
2. **Қорамол гўшти хоссалари.**
3. **Гўштнинг морфологик таркиби.**

**Қўшимча адабиёт.**

1. Эрнст Л.К., и др. Скотоводство М. Колос. 1984

**Таянч иборалар:**

Гўшт, тўқима, мускул, ёғ, суяк, бириктирувчи тўқима, тирик вазн, сўйим оғирлиги, сўйим чиқими, гўштнинг ейиладиган қисми, нимта, нимта бўлаклари, гўштдорликнинг шаклланиши.

Ахолининг гўшт ва гўшт маҳсулотларига булган талабини кондиришда қорамолчиликни жадал ривожлантириш ва унинг махсуддорлигини янада ошириш, айникса, катта ахамиятга эга. Чунки қорамол гўшти жамики гўшт етиштириш балансида (63-65%) салмокли уринни эгаллайди. Гўшт инсон озикасида мухим хисобланади. Унинг таркибида организм учун керакли булган хаётбахш озиклар - оксил, ёг, минерал моддалар хамда А, Д ва В витамин гурухдаги куп микдорда мавжуд. Гўштнинг туйимли киймати унинг таркибидаги тулик кийматли оксиллар - глобулин, албумин, миозин ва бошка оксил моддаларнинг микдорига боглик. Бу моддалар гўштнинг таркибида канча куп булса, шунча туйимли ва яхши хазм булиш хусусиятини эгаллайди. Гўштнинг организмда хазм булиш микдори уртача 95 фоизга тенг. Молларнинг гўшт маҳсулдорлиги курсаткичлари морфологик ва физиологик хусусиятлари билан белгиланади. Бундай хусусиятлар молларни парваришлаш даврида ирсиятлик ва озиклантириш таъсирида шаклланади хамда ривожланади.

Гўшт маҳсулдорлиги сон ва сифат курсаткичлари билан характерланади. Сон курсаткичларига молларнинг тирик ва суйилгандаги вазни хамда суйим чикими киради. Сифат курсаткичлари гўшт нимталарининг навли булаклари микдори, улар таркибидаги мускул, ёг, суяк ва бириктирувчи тукималар нисбати, гўштнинг кимёвий таркиби ва калориялиги билан белгиланади. Молларнинг гўшт маҳсулдорлигини бахолашда уларнинг бир килограмм семириши учун сарфлаган озика бирлиги эътиборга олинади. Шунингдек, тез етилувчанлиги, маълум бир давр оралигидаги усиш тезлиги ва семириш даражаси мутлок ва нисбий курсаткичларда аникланади. Молларнинг тез етилувчанлик хусусиятлари куп ва сифатли гўшт олиш хамда уларни кайси ойлигида суйиш самарали эканлиги билан белгиланади. Гўшт маҳсулдорлигининг сон курсаткичлари, асосан молларни парваришлаш ва озиклантириш даражасига боглик. Шулар билан бирга сифат курсаткичларига молларнинг зот хусусиятлари, жинси ва ёши катта таъсир курсатади. Моллар суйилганда ёг ва гўштдан ташкари бошка озик махсу-лотлари, хом ашё сифатида техникавий ва ички безлар олинади. Шулардан резги маҳсулотлари - калла-поча ва ички аъзолардан -жигар, буйрак, юрак, упка, корин ва бошкалар туйимлик даражаси билан икки категорияга булинади. Биринчи категориядаги резги маҳсулотларига жигар, буйрак, тил, юрак, елин ва бошкалар киради. Иккинчи категорияга эса корин, упка, талок ва бошкалар киради. Тери, шох, туёк, жун, суяк техникавий хом ашё хисобланиб, енгил саноатда ишлатилади. Ички аъзоларнинг секрет чикарувчи безлари - кориности, калконсимон, гипофиз ва бошкалар фармацевтик са-ноатида дори-дармонлар тайёрлашда кулланилади. Кондан кон уни ва албумин, суякдан эса суяк унлари ва гўшт-суяк унлари хамда елим олинади. Молнинг ички ёглари озик-овкат тайёрлашда, ёг олишда, совун ва глицерин ишлаб чикаришда фойдаланилади.

Молларнинг гўшт маҳсулдорлиги уларнинг зотига, ирсий хусусиятларига, озиклантириш меъёрига, семириш холатига, ёшига ва жинсига боглик узгаради. Шунингдек,

маҳсулдорликни характерловчи купгина белгилар наслдан-наслга утади. Лекии уларнинг наслга утиш даражаси турлича. Зот хусусиятларига боглик белгилари - гўшт нимталаридаги ёг тукималарининг микдори ва уларнинг тана буйлаб таркалиши, мускул ва ёр тукималарининг узаро нисбати, гўштнинг сифати ва усиши жадаллигининг наслга утиш коэффициента меъёри юкоридир.

Молларнинг озиклантириш меъёрига оид белгилар - семириш даражаси, озикаларнинг унумли сарфи, суйим чикими ва гўшт рангининг наслга утиш даражалари узаро кескин фаркданади. Бир хил белгиларда бу хусусиятлар паст булса, бошкаларида юкори булади. Шуни хам айтиш керакки, гўшт-маҳсулдорлиги курсаткичлари узаро узвий богликдир. Масалан, бузокларнинг тугилгандаги вазни зот хусусиятига ва сигирнинг катта-кичиклигига боглик. Молларнинг усиш тезлиги канчаки юкори булса, уларнинг семиришига шунча озикалар кам сарфланади. Ёш молларнинг бир килограмм усиши учун катта ёшдаги молларга нисбатан озикани кам сарфлайди. Шуни уктириш керакки, озикалар харажати молларнинг семириш таркибига боглик. Ёш молларнинг семириши асосан мускул тукималари х,исобига булса, катта ёшдаги молларда, эса, ёр тукималарининг купайиши хисобидан булади. Ёг тукималарининг хосил булиши учун мускул тукималарига нисбатан озикалар харажати 1,5-2,0 баравар ортик.

Қорамолларнинг гўштдорлиги буйича селекция ишларини олиб боришда ва букаларни авлодининг гўштдорлиги буйича бахолашда маҳсулдорлик хусусиятларининг наслдан-наслга утиши хамда уларнинг узаро корреляцияси хисобга олинади.

**Гўштнинг морфологик таркиби**

Гўштнинг таркибий кисми мускул, ёг, суяк ва бириктирувчи туки-малардан ташкил топган. Булар ичидан туйимлиги жихатидан мускул ва ёг тукималари мухим-ахамиятга эга. Гўшт сифати унинг морфологик ва гистологик белгилари, кимёвий хусусиятлари хамда таъми билан характерланади. Сифатни бахолаганда гўшт нимталаридаги мускул ва ёг тукималарининг узаро нисбатига эътибор берил ади.

***Мускул тукимаси***. Мускул тукимаси таркибига унинг туйимлилигини таъминловчи юкори сифатли аминокислоталардан - аргинин, лизин, метионин, триптофан, цистин ва бошка тулик кийматли оксиллар киради. Гўшт таркибидаги оксиллар микдори 15-25 фоизни ташкил этади. Унинг сифатини аниклаш белгиларидан бири - оксил-сифат курсаткичи (ОСК) хисобланади. Бу курсаткични аниклашда тулик кийматли оксил-триптофаннинг пай тукималари оксили - оксипролинга булган нисбати олинади. Нисбат курсаткичи юкори (4,8-5,0 ва ундан юкори) булганда гўштнинг биологик сифати, яъни оксил-сифат курсаткичи аъло даражада булади. Мускул тукималарининг усишига скелетнинг узгариши боглик. Эмбрионликдан кейинги усиш даврида узак-таянч скелетининг жадал усиши мускулларнинг ривожланиши ва катталашувини таъминлайди. Йирик мускуллар майда мускулларга нисбатан тез ривожланади.

Молларнинг усиши даврида мускул толалари йугонлашиб ва узунлашиб боради. Бузок тугилгандан кейинги биринчи ойида мускул толалари тез купаяди ва узаро бирлашиб, мускул тупламларини ташкил килади. Моллар усиб ва ривожланиб бориши билан улар катталашади хамда дагаллашади. Шунинг учун хам ёш молларнинг гўшти катта ёшдаги молларникига нисбатан майин ва ингичка толали булади. Ранги миоглобин микдорига караб узгариб боради. Молларнинг ёши улгайиши, озиклантириш меъёрининг ошиши хамда мускулларнинг фаол ишлаши билан миоглобин микдори купайиб боради. Шунинг учун хам бузок ва тана гўштининг ранги катта молларникига нисбатан оч кизил рангда булади. Катта ёшдаги моллар гўшти - кизил, букаларники эса сигирларникига нисбатан тук рангда булади.

Гўштнинг ширалилиги унинг намни саклаб туриш хусусиятига хамда мускуллар оралигида хосил булган ёг микдорига боглик. Гўштнинг майинлиги эса бириктирувчи тукималарнинг сони, тар-калиши ва хусусиятлари, мускул тукималари ичида ва улар оралигида тупланган ёг микдори билан белгиланади.

***<u>Ёг тукимаси</u>***. Ёгнинг хосил булиши ва танада тупланиши хайвонлар хаётида мухим ахамиятга эга. Чунки ёр захираси озик мод-далар резерви сифатида хизмат килади.

Молларни озиклантириш ва саклаш шароитлари нокулай ва ёмон даврда организм уларни сарфлайди. Ёгнинг оксидланиши натижасида маълум микдорда сув хосил булади. Бундай хусусият молларни иссик ва курук иклимли минтакаларда урчитишда мухим ахамиятга эга. Шунинг билан биргаликда ёг тукималари организмда куриклаш вазифасини бажара-ди. Гўшт нимталарини совитишда ва уни саклаб туришда хизмат килади ва тери ости ёглари гўштни куриб ва котиб колишдан асрайди. Ёг тукималари ёг хужайларидан ташкил топган булиб, улар узаро буш бириктирувчи тукималар билан ажралиб туради.

Ёг тукималарининг кимёвий таркиби молларнинг ёшига боглик узгариб туради. Ёш молларнинг ёг хужайраларидаги ёг соккачалари майда булиб, уларда катта ёшдаги молларникига нисбатан сув ва оксид микдори куп. Кимёвий тоза ёг микдори эса кам булади. Молларнинг усиб улгайиши билан ёг соккачалари катталашади, ёг микдори купаяди, сув ва оксилнинг нисбий микдори эса камаяди. Ёгнинг ранги хам узгариб туради. Агарда бузоклардаги ёглар ок ёки оч-сарик рангда булса, катта ёшдаги молларда ёг билан биргаликда каротин тупланиши хисобидан ёгнинг ранги сарик ёки тук-сарик тусини олади. Суйилган моллар гўшт нимталаридаги ёгнинг солиштирма вазни молларнинг зотига, озиклантириш меъёрига, ёшига, жинсига караб 3 фоиздан 55 фоизгача ва ундан хам юкори булади. Энг кам ёг микдори ёш моллар танасида, энг куп микдори бурдокиланган хукизлар танасида тупланади.

Ёг тананинг куйидаги кисмларида тупланади: корин бушлигининг ички аъзоларида (буйрак, юрак, корин, ичак ва хоказо) тери ости хужайраларида тупланиб, тери ости ёг тупламларини хосил килади, мускуллар оралигида ва уларнинг ички толалари оралигида тупланади. Гўштнинг сифатига бахо берилганда мускулларда ёгнинг тупланишлигига алохида ахамият берилади. Молнинг усиши жараёнида ёглар, аввало, ички аъзоларда, мускулнинг ичида ва оралигида, ундан сунг тери остида тупланади. Моллар рационида озика моддалари камчил даврда биринчи навбатда тери ости ёглари, сунгра мускул ёглари ва ички аъзолардаги ёглар харажат килинади. Мускуллар ва толалар оралигида ёгларни пайдо булиши мармарсимон куринишни хосил килади. Гўштнинг мармарлиги уни майинлаштиради, юмшатади, таъми хамда туйимлигини ошириб, сифатини яхшилайди. Мускуллар оралигида ёг кам тупланиши гўштнинг дагал булишига ва таъмининг пасайишига олиб келади. Шунинг билан биргаликда танада ёгнинг хаддан ташкари куп микдорда тупланиши гўштнинг таъмини, озик моддаларнинг хазм булишини хамда маҳсулотнинг овкатбоп хусусиятларини пасайтиради.

Ички ёг, тери ости ва мускул оралигидаги ёгларнинг кимёвий таркиби хар хил. Энг кам соф ёг микдори мускуллар тупланган ёг сув ва оксилнинг нисбий микдори узгариб туради. Ички ёглар юкори хароратда эрийди ва нисбатан йод сони паст булади. Шунинг учун ички ёглар паст эриш хароратига ва юкори йод сонига эга булган тери ости хамда мускул оралигидаги ёгларга нисбатан истеъмолга яроксиз.

Моллар танасида тукималарнинг тупланиши ва мускуллар тулишганлигини семизлик даражаси билан аниклаш мумкин. Молларнинг семизлиги ташки куринишда хамда тери ости хужайраларида тупланган ёг тукималарини кулда ушлаб куриш услубида аникланади. Танани кулда тутамлаб куриш усули ёг тукималарининг хосил булиш навбати хамда тартибига караб асосланган.

Моллар семириши билан хар хил тана кисмларида ёг тупланиш жараёни бир хил утмайди. Ёг катламлари биринчи навбатда мол танасининг орка, сунгра урта ва олдинги кисмида туплана бошлайди. Шунинг учун молларнинг канчалик эт олганлигини аниклаш максадида ёг тупламлари тананинг думгаза асосида, тос суяк чуккиси кисмида, белида, охири ковурганинг уртасида, култик кисмидаги ушловда, курак – елка бугинида ва буйнида тутамлаб ушлаб курилади. Бу кисмлар салмоги ва зичлиги канча куп булса, молнинг семизлик даражаси шунча юкори булади. Мускуллар ва тери ости ёгларининг яхши ривожланганлиги мол танасининг тулиштириб, унинг семизлик даражасини курсатади.

Молларнинг куйдаги гурухлар – сигирлар, хукизлар ва ёш моллар уч ойлигидан, то уч ёшига кадар семизлик даражаси буйича уч категорияга ажратилади. Юкори, урта ва паст категорияларга. Бука ва ун турт кунлигидан уч ойлигига кадар булган бузоклар биринчи ва иккинчи категорияларга булинадилар. Агар молларни ташки куриниши ва тана

кисмларидаги ёг тупламларини ушлаб куриш билан семизлик категориясини аниклаш мумкин булмаса, у холда моллар кушхоналар ёки гўшт комбинатларида назорат суйимидан утказилиб, давлат андозаси талаби асосида гўштнинг сифати аникланган холда молнинг семизлик даражаси белгиланади.

***Бириктирувчи тукима***. Бириктирувчи тукималар мол танасида, пай богламлари ва фракцияларни хосил килиб, хар хил аъзоларни бир-бири Билан боглайди хамда мускулнинг таянч таркиби булиб хисобланади. Бириктирувчи тукималарнинг асосий кисмини тулик кийматли булмаган оксиллар – коллаген ва эластин ташкил этади.
Бу оксиллар табиатдан паст туйимли булиб, гўштнинг сифатини пасайтиради ва унинг дагаллигини оширади.Гўшт нимталарининг хар хил кисмларидаги бириктирувчи тукималар уз таркиби Билан бир-бирларидан ката фарк килади. Жумладан, семизлик даражаси юкори булган ва мускуллар яхши ривожланган моллар танасининг кет кисмида бириктирувчи тукималар микдори энг кам. Бузоклар танасидаги бириктирувчи тукималар таркибида сув микдори куп. Шунинг учун хам бузок гўшти ката ёшдаги моллар гўштига нисбатан анча Майин булади. Бириктирувчи тукималар микдори ва унинг хусусиятлари купинча гўштнинг таъмини, ширалигини ва майинлигини таъминлайди. Бу курсаткичлар бир-бири билан боглик булиб, мускул толаларининг диаметрига хамда гўштнинг таркибига сув ва ёг микдорига хам алокадор булади.

***Суяк тукимаси***. Суяк тукимаси моллар танасида факатгина таянч вазифасининг бажариб колмай, балки минерал моддалар жамланмаси хисобланади. Унинг туйимлик сифати ута паст. Моллар танаси нимталарида суякнинг салмоги 14% 27% гача. Суякнинг энг юкори нисбий огирлиги бузоклар танасида кузатилади. Молларнинг усиши ва улгайиши билан суякнинг салмоги пасая боради ва бу ходиса молларнинг биринчи 14 ойлигига кадар тез утади. Скелетнинг иликсимон ва ясен суяк кисмининг; усиши хар хил кечади. Ёш молларни усиш даврида скелетнинг иликсимон суяклари усиши жадалрок утади. Ясси суяклар кисми эса нисбатан секинрок усади. Шунинг учун хам ясси суякларнинг нисбий огир-лиги иликсимон суяклар нисбий орирлигидан паст. Скелетнинг бу икки суяк кисмлари усишининг хар хил тезликда утиши молларнинг тана тузилиши шаклига уз таъсирини курсатади. Гўштнинг маҳсулдорлик сифатини аникдашда гўшт нимталари таркибидаги суякларнинг салмоги хисобга олинади.

**Назорат саволлар:**

1. Гўшт ҳақида тушунча.
2. Гўштнинг озиқ-овқат қиймати.
3. Гўштнинг морфологик таркиби.
4. Гўштнинг кимёвий таркиби.
5. Гўштнинг гистологик тузилиши.
6. Гўштнинг тўйимлилиги.
7. Гўштдорликнинг шаклланиши.

## Мавзу: Сут маҳсулдолиги

**Режа:**

1. **Сутдорлик ва сутнинг таркибий кисмларининг наслга берилиши.**
2. **Лактация турлари ва табиати.**

**Назорат саволлари.**

1. **Сутдорликнинг наслдан-наслга берилиши.**

2. **Сутдорлик ва сутнинг таркибий кисмларининг наслга берилиши хусусиятлари.**
3. **Лактация таърифи.**
4. **Лактация турлари.**
5. **Лактациянинг хусусиятлари.**

**Таянч иборалар:**

**- наслдан-наслга берилиши;**
**- асосий белгилар;**
**- ирсият коэффициенти;**
**- узгарувчанлик коэффициенти;**
**- лактация;**
**- сервис даври;**
**- сутдан чиккан давр;**
**- сутдан чикариш;**
**- лактация эгри чизиги;**
**- лактациянинг тургунлик коэффициенти;**
**- лактациянинг тулакийматлик коэффициенти;**
**- ирсий омиллар;**
**- ташки омиллар.**

Сигирларнинг сутдорлиги уларнинг асосий хусусиятларидан хисобланиб уларни бахолашнинг асоси булади.

Сигирлар сутдорлигини наслдан-наслга жуда мураккаб муаммо булиб у охиригача очиб берилмаган. Унинг мураккаблиги шундаки у бутун организм фаолиятининг натижаси хисобланади. Бундан ташкари сигирларнинг сут махсулдорлиги ирсий белги булмаган куп омиллар таъсир этади. Купчилик Дуне микёсидаги турли зотларда олиб борилган тадкикотлар сутдорлик, сутнинг таркибидаги ёг ва оксил ирсий белги эканлиги тан олинган. Бу маълумотнинг асослигини бир хил озиклантириш ва саклаш шароитидаги бир зотга мансуб турли каторлар, оилалар, турли букалар кизларининг махсулдорлигининг ва уларнинг сутининг таркибини фарк килишининг маъкуллаш мумкин. Стгтрларнинг сут белгилари оралик ирсий курсаткич хисобланади. Кейинги йиллар тадкикотлари шундан далолат берадики, баъзи холларда бу курсаткич оралик ирсий курсаткичлардан купрок ота-оналарнинг насл потенциясига купрок богликлиги исботланган.

Ирсий ва ирсий булмаган белгилар сигирларнинг сутдорлигининг айрим белгиларига бир хилда таъсир этмайди. Сигирларнинг сутдорлигига ташки мухит купрок таъсир этса, унинг таркибида су тёги ва оксил микдори купрок ирсиятга боглик. Сигирлар сутдорлигининг кайси белгиларининг наслдан – наслга берилишини ирсият коэффициенти оркали белгилаш мумкин. Ирсий коэффициент унлик бутун сонларда ифодаланилади. Масалан: сут микдорининг наслдан-наслга берилиши – 0,3-0,4; сут ёги – 0,5-0,6, оксил эса 0,4-0,5 булади.

Ирсият коэффициентининг 1 га якинлашиши шу белгининг наслдан – наслга юкори даражада берилишидан гувох беради. Шу боисдан сутнинг микдорига нисбатан унинг ёги ва оксилнинг ирсий коэффициенти анча юкори хисобланади. Агарда ирсий коэффициент канча юкори булса унинг узгарувчанлик коэффициент шунчалик паст булади, ёки ташки мухит таъсирида камрок узгаради. Ташки мухит омилини яхшилаш Билан сигирларнинг су тёги ва оксилини маълум даврдагина купайтириш мумкин. Сигирлар сутининг ёги ва оксилини катор бугинларда Ушбу белгилар Билан чукур ишлаш натижасида ошириш мумкин. Бу ишни режа асосида максадли килиб утказиш керак. Наслчилик ишларини режалаштиришда наслчилик ишининг генетик асосларини курол килиб олиш керак.

Сут бези бошка безлардан уларок доимий эмас, балки даврий ишлайди. Сигир туккандан сутдан чиккунча давр лактация даври деб айтилади.

Сигирнинг сут ишлаб чикаришинитугаши сутдан чикиш дейилади. Сигир сутдан чиккандан то туккунгача давр куруклик даври булиб хисобланади. Хозрги замонавий зотларда сигирларни яхши бокиш ва саклаш натижасида лактация даври 300 ва ундан купрок кунни ташкил килади. Агар сигир 300-305 кун согилса бу меъёр хисобланади, бу холда сутдан чиккан давр 60-65 кунни ташкил килади, бу тизимда хар йилда бир бош сигирдан биттадан бузок олиш таъминланади.

Лактация давомида бир кунда согиб олинадиган сут микдори узгариб боради. Бутун лактация, согим ойлари, декадалари ва кунлари буйича сут махсулдорлигининг микдорининг лактация эгри чизиги оркали ифодалаш мумкин. Турли зотларга мансуб сигирларни лактация эгри чизиги бир- биридан фаркланади. Баъзиларида узгариш кескин булса, баъзиларида секин кечади.

Лактация эгри чизиги сигирларнинг сут махсулдорлигининг, индивидуал хусусияти, физиологик холати ва албаттак озиклантириш, саклаш, шароитларига боглик.
Лактация эгри чизигининг табиатига караб сигирларнинг куйдаги гурухларга булиш мумкин:

4. Баланд тургун лактация эгри чизиги ёки фаолияти;
5. Баланд тургун булмаган тез пасаядиган лактация. Туккандан кейинги баланд кунлик согим тез пасайиб кетади. Бунинг асосий сабаби нозик, юрак-кон томирлари мукаммал ривожланган сигирлар узок вакт юкори сут бериш кобилиятига эга эмас.
6. Тургун паст лактация.. бундай сигирлар табиий равишда кам махсулдор булади.

Лактация эгри чизиги сигирнинг сут махсулдорлиги, ирсий хусусиятлари, физиологик холати, озиклантириш ва саклаш шароитлари, хамда сигирларни ийдириш тизимига боглик. Лактация табиатидаги сигирларнинг тугиш даври хам таъсир этади. Бир хил шароитда меъёрда саклаб, озиклантирилган сигирларнинг лактация фаолиятида ката фаркни кузатиш мумкин.

Айникса ката фарк тургун ва тургун булмаган лактацияга мансуб сигирларда учрайди.

Тургун лактацияга эга сигирлар бир хилда сут беради ва лактация давомида кунлик сут секин пасайиб боради. Шу боисдан хар доим тургун лактацияга мансуб сигирларга нисбатан сут купрок беради, купинча тургун булмаган лактацияга мансуб сигирлар муддатидан олдин сутдан чикиб кетади.

Лактация эгри чизиги унинг бошида юкори булади. Бу даврда кунлик сут микдори ортиб бориб 2-3 ойда энг юкори нуктага етади. Шундан кейин баъзиларида секин, баъзиларида тез пасая боради, айникса бу жараёнга навбатдаги бугозлик таъсир этади, баъзиларда сутнтнг микдори тез камайиб бориб сутдан чикиб кетади. Сигирнинг лактация давомида берган сутининг микдори баланд нуктага эришишининг давомийлиги, хамда унинг пасайиш хусусиятига боглик.

Илгор чорвадорлар сигирлардан юкори сут махсулдорлигини юкори сут махсулдорлиги олишга эришганлар.

Нитка ва борба лакабли Кострома зотга мансуб сигирларнинг биринчисида тургун лактация булгани учун 12168 кг, борбада эса баланд тургун булмаган лактация натижасида факат 7318 кг сут берган холос.

Сигирлар серсутлигининг 25% энг юкори суткалик сутга ва 75% лактация эгри чизигининг пасайишига боглик. Мустахкам конституцияга мансуб сигирлар купинча баланд суткалик сут ва тургун лактация эгри чизигига мансуб булади. Серсут сигирларда энг баланд кунлик сутдан кейинги ойларда пасайиши 6%, камсут сигирларда эса 9% ташкил этади. Лактациянинг тавсифи уни тургунлиги Билан ифодаланади. Унинг тургунлиги иккинчи 90-100 кунликдаги сутни биринчи 90-100 кунликка нисбатини фоиздаги ифодасига айтилади.

Серсут сигирларда лактациянинг тургунлик коэффициенти 97-99%, камсут сигирларда эса 75-78% ташкил этади. Лактациянинг тургунлиги В.Б. Весаловский формуласи асосида лактациянинг тулакийматлилик курсаткичи хисоблаш мумкин:

ПП= лактацияда согиб олинган сут **х** 100 / энг юкори кунлик сут **х** лактация кунлари**.**

Бу курсаткич тургун лактацияга эса сигирларда 70 ва ундан куп булиб, тез пастлайдиган лактация эгри чизигига эга сигирларда 50 ва ундан паст булади.

Лактация эгри чизиги тавсифи билан сигирларнинг сут махсулдорлиги уртасида узвий богликлик булгани учун танлаш ва жуфтлашда алохида эътибор беради.

Сигирларни бахолашда нафакат энг баланд суткалик сут микдари булиб колмасдан унинг тургунлигига алохида эътибор берилади.

Бундай сигирлар факат лактация давомида юкори сут махсулдорлигига эга булиб колмасдан хаёти давомида хам куп сут бериш кобилиятига эга, шунинг учун бундай сигирлар наслчилик ишларида кенг фойдаланилади.

## *Мавзу: Сут-гўшт йўналишидаги зотлар.*

## *Режа:*

1. Кушмахсулдор зотлар хусусиятлари.
2. Кунгир тусли зотли.
3. Мала-ола тусли зотлар.
4. Россиянмнг махаллий зотлари.
5. Генофонд зотлар.

***Таянч иборалар:***

**Кушмахсулдор, кунгир, калташох, қайиш, малла-ола, суяклари бакувват, хаётчан.**

Кушмахсулдор ёки сут – гушт, гушт, сут, бошкача килиб айтганда универсал зотлар узига хос белгилар Билан ажралиб туради.

Биринчи навбатда уларнинг танаси мутаносиб ривожланган, кукрак, корин ва сут аъзолари яхши ривожланган. Суяклари мустахкам, мускулатураси яхши ривожланган, оёклари кенг ва тугри куйилган, конституцияси мустахкам.

Ушбу зот корамолларида сут белгилари Билан бирга гуштдорлик белгилари хам яхши ривожланган, шу боисдан сут ва гушт ишлаб чикаришга ихтисослашган хужаликларда бу зот корамолларни урчитиш яхши натижалар беради.

Кушмахсулдор зотларнинг аксарияти тог ва тог ёнбагри шароитида яратилганлигини хисобга олсак улар тог ва тог ёнбагри шароитида, водийларда узини яхши хис этади ва юкори махсулдорлик курсатади.

Бу зотлар шароитга жуда хам талабчан эмаслиги, касалликларга чидамлилиги ва юкори сут ва гушт махсулдорлиги билан таърифланади.

Кушмахсулдор зотларга швиц, Кострома, олатов, карпан кунгир, Кавказ кунгир ва Урта Осиё швецлашган ва зебусимон кунгир корамоллар киради. Жамики кунгир тусли корамолларнинг уругбошиси булиб швиц зоти хисобланади, чунки у кухна зот хисобланади.

***2***.Швиц зоти дунёдаги энг кухна корамол зотларидан хисобланиб у швецарияда яратилган ва дунёнинг купчилик мамлакатларига таркалган. В. Энглернинг маълумотларига Караганда, швиц корамоллари махаллий калташохли торфяник молларидан бундан 2000 йил олдин яратиш бошланган. Яъни махаллий корамоллар асрлар давомида корамолчилар томонидан максадли танлаш ва жуфтлаш натижасида соф холда келтириб чикарилган.

Селекциянинг дастлабки пайтларида серсут, сергушт ва кучли ишчи сифатларига эътибор берилган. Кейинчалик XX асрга келиб ишчи сифатларига ургу берилмай асосан сут ва гушт махсулдорлиги буйича селекция ишлари олиб борилган. Танлов тадбирлари молларнинг кунгир туси буйича алохида олиб борилган.

1879 йилда Швейцарияда швиц зотли корамолларнинг наслчилик китоби ва Ушбу зотни урчитиш ассосиацияси тузилган. Юкори махсулдор швиц зотлари дунёнинг купчилик мамлакатларига таркалган.

Хар хил табиий-иклим шароитида саклаш ва озиклантириш технологияларида ва селекция услубида урчитилган швиц зотли корамолларда турли хусусиятлар жамланган. Италия-Франция швицлари йирик, Австрия ва Германия кунгирлари компакт, серсут – сергушт.

Марказий ва Гарбий Европа мамлакатларида урчитилаётган корамолларнинг сут махсулдорлиги 4200-5000 кг, сутнинг ёглилик даражаси 3,6-4,0% ташкил этади.

Узбекистон учун Ушбу зот режали булиб хисобланади. Унинг бузоклари 35-40 кг, сигирларининг вазни 450-500 кг , сут махсулдорлиги 2500-3500 кг, сутнинг ёглилиги 3,7%.

***Швиц зотининг АКШ селекцияси.***

Узининг сутдорлиги билан ажралиб туради. Сутдорлиги 5000-5600 кг, ёглилиги 4,0-4,1%.

***Швиц зотининг Австрия селекцияси*** энг махсулдор гурухлардан хисобланади. Уртача сут согими 4012 кг, сутнинг ёглилиги 4,0 %, оксил микдори 3,31%.

***Урта Осиёдаги швицлаштирилган корамоллари .***

Узбекистон,Тожикистон, Туркманистон махаллий зебусимон корамолларни швиц зоти Билан чатиштириш олиб борилган ва дурагай молларга оз микдорда булса хам олотов, кострома ва лебедин зотларнинг таъсири бор. Бундай чатиштириш 1920-1930 йилларда режали тарзда олиб борилди. Натижада махаллий шароитга мослашган кунгир тусдаги дурагай сермахсул моллар подалари яратилади. Туркманистон ва Тожикистондаги шундай моллар « зебусимон-швиц» ва Узбекистон селекцияси – «швицлаштирилган» моллар деб юритилади.

Бу молларни яхшилашда швиц зотининг Америка ва Австрия селекцияларидан фойдаланиш яхши натижалар беради.

***Кострома зоти***. Зот XIX асрнинг охирларида Кострома губерниясида шаклланган. Бу махаллий корамолларни Алгау ва Швиц корамоллар Билан чатиштириш натижасида моллар устида узок вакт селекция ишлари олиб бориш натижасида яратилган.

***1934 йилда*** ташкил этилган Кострома давлат наслчилик рассадниги кунгир тусли молларни хисобга олиш ва зоотехния ишларини ташкил килиш буйича фаолият олиб борган. Бу зот 1944 йилда тасдикланган.

Бузокларнинг тугилганда 33-40 кг, сигирлари 500-600 кг, букалари 900-1100 кг, сути 3500-4000 кг, ёглилиги 3,7-3,9%.

***Олатов зоти***. Ушбу зот Киргизистон ва Козогистоннинг Олатов тог олди минтакасида махаллий киргиз молларнинг швиц зоти Билан чатиштириш ва олинган дурагай молларнинг махсулдор гурухларини «уз ичида »урчитиш асосида яратилган. 1950 йилда зот деб тан олинган. Бузокларнинг тугилгандаги вазни 30-35 кг, сигирлари 480-550 кг, букалари 850-1000 кг, сут махсулдолиги 3200-4000 кг, ёглилиги 3,8-4,0%

***Лебедин зоти***. Бу зот Украинанинг Сумек вилояти хужаликларида кул ранг Украина молларини швиц зоти Билан чатиштириш натижасида келтириб чикарилган. 1950 йили тасдикланган. Бузоклари 37-40 кг, сигирлари 550-600 кг , букалари 900-1000 кг , сути 3000-4000 кг, ёги 3,8-4,1%.

***Кавказ кунгир зоти.*** Махаллий корамолларни швиц, Кострома, лебедин зотлари Билан чатиштириш натижасида олинган дурагайларни «уз ичида» урчитиш Билан яратилган. Бу моллар Арманистон, Гуржистон, Озарбайжон, Догистон хужаликларида яратилган. 400-500 кг, сигирлари, букалари 750-850 кг, сути 2500-3000 кг, ёги 3,7-4,0%.

***Карпат кунгир зоти –***Карпат орти вилоят минтакасида махаллий рижка ва мокан молларини кунгир алп моллари Билан чатиштириш натижасида келтириб чикарилган.

Бузоклари 30-36 кг, сигирлари 425-500 кг, букалари700-800 кг, сути 3000-3500 кг, ёглилиги 3,6-3,8% .

3 Малла тусли зотларнинг отаси швейцариянинг симментал зоти хисобланади. Бу зот швейцарияда келтириб чикарилган, ягона фикр йук. Тахминга кура Y асрда шимолдан кучиб келган бургундлар молидан келиб чиккан.

1850 йилгача тана тузилиши ва туси буйича бир хил булмаган.

Симментал зотли корамоллар Европа ва Америка мамлакатларида кенг фойдаланмокда.

Бузоклари тугилганда 35-45 кг, сигирлари 550-600 кг, букалари 900-1000 кг. Суйим чикими 56-58%. Сути 3500-4000 кг, ёглилиги 3,6-4,0%.

***Малла ола зотлар –малла ола украин хили***

***Сичёв хили***

***Чул хили***

***Урал хили***

***Колгабуйи хили***

***Сибир хили***

***Узок шарк хили***

***Козоки хили***

***4. Россиянинг махаллий зотлари.***

***Бестужев зоти-*** махаллий корамолларни шортгорн, голланд ва симментал зотлари Билан чатиштириш натижасида келтириб чикарилган.

***Тамбов кизил зоти-*** махаллий корамолларни тирол ва Пашков зотлар Билан чатиштириш натижасида келтириб чикарилган.

***Кизил Горбатов зоти-*** махаллий корамолларни тирол зоти Билан чатиштириш натижасида келтириб чикарилган.

***Курган зоти-*** махаллий корамолларни Тагил, симментал, Ярославл ва шортгорн зотлари Билан чатиштириш натижасида келтириб чикарилган.

Украина кулранг зоти.

Пинцгау зоти.

Юрин зоти.

**Назорат саволлар:**

1. Қўшмаҳсулдор зотлар таърифи.
2. Қўнғир зотлар.
3. Малла зотлар.
4. Маҳаллий зотлар.
5. Қўшмаҳсулдор зотлар афзалликлари.
6. Қўшмаҳсулдор зотлар тана тузилиши ва конститутцияси.

## Мавзу: Гўшт йўналишидаги зотлар.

**Режа:**

1 . Гўштдор зотлар таърифи.
2 . Англия ва Шотландия зотлари.
3. Франция зотлари.
4. Италия зотлари.
5. Дурагай зотлар.
6. Колмикистон ва қозоғистон зотлари.

**Қўшимча адабиётлар.**

1. А.Б. Ружевский, Д.Д. Рубан, П.П. Бердник. Породы крупного рогатого скота. Изд. Колос, 1980.

**Таянч иборалар:**

**зот; зот яратиш; яратилиш сабаби, мухит; зотга хос хусусиятлар; махсулдорлик курсаткичлари; наслчилик ишининг ахволи; такомиллаштириш.**

**1**.Гўштдор зотлар узига хос хусусиятларга эга. Улар узларининг тана тузилишлари, махсулдорлиги ва Гўштнинг сифати Билан кколган зотлардан фарк килади.

Улар тез етилувчанлиги, вазнининг катталиги, яйловдан яхши фойдаланиши, иклим шароитларига мослашиши Билан хам ажралиб туради.

Ушбу зотлар қорамол Гўшти етиштириш жараёнларига биологик жихатдан мослиги Билан урин тутади.

Жахондаги хар бир Гўштдор зот уз фазилатларига эга, яъни у ёки бу хусусиятлари Билан бошкаларидан ажралиб туради.

Хар бири маълум минтака, иклим, озикалар шароитига мослашганлиги билан таърифланади.

Дунёда яратилган Гўштдор зотли моллар минтакавий бир неча гурухларга булинади: Англия-Шотландия, Франко- Италия , Америка , Африка, Осиё ва хоказо. Бу минтакалардаги Гўштдор зотлар узларининг келиб чикиши, шароитга мослаштшт, махсулдорлик ва биологик хусусиятлари буйича бир бирларидан кескин фарк килади.

Гўштдор зотлар ичида яратилиш даври буйича кадимий ва купчилиги учу нота зоти булганлари Англиянинг Гўштдор зотлари хисобланади(герефорд, шортгорн, Абердин-ангус, галловей, хайланд ва хоказо).

**Герефорд зоти**. XYIII-XIX асрларида Англияда саноатнинг ривожланиши, ката шахарлар пайдо булиши, ахолининг купайиши Гўштга булган талабни оширди. Натижада Гўштдор қорамоллар яратиш буйича наслчилик ишлари бошлаб юборилди. Шу йуналишда герефорд зоти хам шаклланади. У герефорд графлигида махаллий қорамоллар узок вакт давомида танлаб ва саралаб, махсулдор гурухларини «уз ичида» урчитиш натижасида яратилган. Бундай моллар доимо яйлов шароитида устирилган боич табиий – иклим шароитига яхши мослашган,озикаларга талабчан булмаган, чидамли моллар яратилган.

Қорамол эгаси Эйтон томонидан 1846 йили ташкил килинган наслчилик китоби ката урин тутади, натижада наслчилик ишлари тугри йулга куйилиб йирик ишчи моллари Гўштдор молларга айлантирилди. Моллар танаси мутаносиб ривожланиб юкори Гўштдорлик шаклланди. XIX асрнинг биринчи ярмида бошка давлатларга, жумладан АКШ, Канада, Мексика, Австралия, Янги Зеландия ва Жанубий Америкага олиб кетилди.

Туси кизил, калласи, туши, корнининг паст кисми, оёклари ва дум ок рангда.

Янги тугилган бузоклари 28-35 кг, сигирларининг вазни 600-650 кг, букалариники 800-900 кг . суйим чикими 60-70 %. Гўштнинг сифати ва таъми буйича алохида ажралиб туради ва Абердин – ангус кейин иккинчи уринда туради. Сутдорлиги 1200-1800 кг, ёглилиги 3,9-4,0%.

**Шортгорн зоти**. Бу зот Англиянинг шимолий- шаркий кисмида жойлашган Йорк ва Дурган графлигидаги Тиса дарёсининг буйларида XYIII асрнинг охирларида урчитилган махаллий моллардан келиб чиккан. Молларни танлаш ва саралаш натижасида махсулдор моллар подалари шаклланган 1822 йилда наслчилик китобининг ташкил килиниши зотни такомиллаштиришдаги асосий турткиларидан бири булди. XYIII асрнинг охирига келиб шортгорн моллари серГўшт ва серсутлилиги учун бошка мамлакатларга кенг ёйилди. Ушбу зот АКШ, сунг Жанубий Америка ва австралияга олиб кетилиб соф холда ва махаллий қорамоллар Билан чатиштиришда кенг кулланилган. XYIII аср охири ва XX аср бошларида Англияда сутга булган талабининг ошиши сутдор хилини яратишга сабаб булди. АКШ фермер селекционер шортгорн зотли қорамолларни махаллий қорамоллар Билан чатиштириш натижасида серсут хилини яратган.

Англия ва Шотландия Голловий ва хайланд зотларини шортгорн букалари Билан чатиштириш ишлари уларнинг Гўшт махсулдорлиги сифатини яхшилашга каратилган. АКШда шортгорн молларини «браман» зебулари Билан чатиштириш натижасида Санта – гертруда зоти яратилган. Шортгорн зотли қорамолларнинг асосий туси кизил ёки ок булади. Кизил ва ок тусдаги моллар урчитилганда кизил-ола, човкар ва бошка рангдаги моллар олинади. АКШда асосан кизил тусли шортгорнларини урчитишга эътибор берилади. Шотландия ва Англияда шортгорн молларининг човкар ва ок туслари учрайди.

Шортгорн зоти сут ва Гўшт йуналишидаги холлари булгани учун тана тузилиши фарк килади.

Яъни тугилган бузокларнинг тирик вазни 27-32 кг, сигирларининг вазни 550-650 кг, букалари 850-1000 кг, новвослари яйловда 1000- 1200 г суткалик семиришга эришади, суйим чикими 65-72% . Сут – Гўшт йуналишидаги сигирлар 2700-3200 кг сут бериб ёглилиги 3,7-3,9 %.

**Абердин –ангус зоти.** Бу зот Шотландиянинг шимолий-шаркий кисмида Абердин ва Ангус графликларида махаллий Гўштдор қорамолларни яхшилаш асосида шакллантирилган ва шу икки графликлар номи Билан аталган.

Зот Билан наслчилик ишлари XYIII аср охирларидан бошланган. 1879 йили Шотландияда Ушбу зотни урчитиш жамоаси тузилган. 1862 йили биринчи наслчилик китоби чоп этилган.

АКШга биринчи Абердин – ангусс моллари 1873 й фермер Жорж Грант томонидан Канзас штатига олиб борилган ва махаллий моллар Билан чатиштиришда фойдаланилган.

Канадага Абердин – ангус зотли қорамоллар 1876 йили олиб борилган.

Узбекистонга 1955-1957 йиллардан бошлаб келтирилган ва махаллий қорамоллар Билан чатиштирилган.

Абердин – ангус зоти Гўштдор қорамоллар ичида энг тез етиладиган ва энг юкори сифатли Гўшт берадиган туркумига киради. Уларнинг асосий туси кора ва узлари тукол, яъни шохсиз.

Хозирги вактда бу зотнинг кизил туси подалари хам яратилган.

Бузокларнинг тугилгандаги вазни 24-27 кг, сигирлариники 500-550 кг, букалари 800-950 кг. Жадал устирилган новосларнинг вазни 15016 ойлигида 450-465 кг етади, суйим чикими 65-70%.

**2.Англия ва Шотландиянинг Гўштдор** зотли қорамоллар генофондига хайланд, голловей, девон, ва суссекс зотларини киритиш мумкин.

**Хайланд зоти**. Бу зот Шотландия ва Англиянинг тог худудларида учрайди. Ута чидамли, йил буйи тог яйловларида бокилади.

**Голловей зоти**. Бу молларнинг ватани Шотландиянинг голловей округи хисоланади. Голловей зоти Британияоролидаги энг кадимги зот хисобланади. Шотландиянинг махаллий молларидан келиб чиккан ва тог шароитида шаклланган.

Янги тугилган бузокларининг вазни 25030 кг, сигирлариники 450-500 кг, букалариники 700-750 кг, суйим чикими 60-65%. Туси кора ёки кукиш жигар рангда.

**Девон зоти**. Ватани Англиянинг Девон графлиги хисобланади. Махаллий молларни танлаш ва саралаш натижасида келтириб чикарилган. Туси кизил рангда . моллари йирик сигирлари550-600 кг, букалари 900-100 кг тез етилади, бурдокиланади.

**Суссекс зоти**. Бу зотнинг ватани Англиянинг Ла-Манш бугози киргокларида жойлашган Суссекс графлиги хисобланади. Улар махаллий молларни танлаш ва саралаш натижасида шаклланган.

Суссекс сигирлари арпушт, бузокларини яхши парвариш килади. Сигирларининг вазни 550-600 кг, букалари 850-1000 кг . бу зотнинг тукол моллар подасин хам яратилган.

Франциянинг Гўштдор зотлари йириклиги, жадал усиш тезлиги, хам танасининг мускуллар Билан тулишганлиги ва Гўштида ёг микдорининг нисбатан кам булиши Билан бошка зотлардан кескин фарк килади. Франциянинг машхур Гўштдор зотларидан шароле, лимузин ва ок аквитан қорамолларини келтириш мумкин.

**Шароле зоти**. Шароле зотининг ватани Франциянинг марказий кисмидаги Шарол вилоятим хисобланади. Бу зот махаллий моллардан келиб чиккан. Унинг шаклланишида симментал зотларнинг хам иштироки хакида маълумотлар бор. Дастлаб у моллар сут ва Гўшт йуналишида булиб, ишчи хайвон сифатида фойдаланган. Кейинги даврларида факат молларнинг Гўштдорлиги шакллатиришга каратилиб, туси буйича хам селекция олиб борилиб хозирги шароле зоти пайдо булган. Бу борада 1864 йили Чоп этилган наслчилик китоби хам мухим урин тутади.

Шароле зотли молларнинг туси саргиш малла рангда, бурун кузгуси кизгиш, калласи киска, пешонаси кенг, буйни киска, кукраги чукур кенг, лекин бироз эгилган, орка кисми кенг. Шароле зоти йирик моллар гурухига киради, оёклари уртача баландликда, танаси чузик, унинг олдинги, урта ва орка кисми бир хил узунликда, суяги дагал, жун коплами юпка. Моллар бакувват ва чидамли. Франция хужаликларида 13-14 ёшга кадар 4,уринлардан бирини эгаллайди. Бундай меъёрдаги вазн усиш тезлиги уларнинг 2-3 ёшгача давом этади.

Янги тугилган бузокларининг вазни 40-48 кг, айримлари 60-65 кг боради. 8 ойлигида вазни270-340 кг, 18 ойлик ургочи таналар 430-450 кг етади. Сигирларнинг вазни 750-1000 кг, букалариники 1200-1500 кг. Бурдокиланган моллар вазни асосан мускул тукимаси хисобига ортади, ёг оз хосил булади. Сигирларининг сут махсулдорлиги 1800-2000 кг, ёглилиги 3,9-4,0%.

Шароле зоти устида олиб борилаётган селекция ишлари зотнинг вазнини саклаш, Гўшт махсулдорлигини яхшилаш, серпуштлигини ошириш, кейин тугиш холатларини камайтиришга каратилган.

**Лимузин зоти**. Лимузин зоти Франциянинг жанубий-гарбий ва марказий вилоятларида яратилган.

Келиб чикиши махаллий қорамолларга хос булиб, Гўштдорлик йуналишида шакллантирилган.

Танаси йирик, тез етилувчан, мускуллари яхши ривожланган, суяклари ингичка. Бу моллар 1850 йиллардан яхши танилган. XIX асрга кадар Ушбу зот қорамоллардан сут ва Гўшт олинган. 1900 йиллардан бошлаб Гўшт махсулдорлигига ихтисослашган. Лимузин қорамолларнинг туси кмзил, саргиш кизил, кизил кунгир рангда. Бурун атрофии, куз атрофии саргиш туклари Билан копланган. Мустахкам конституцияси, танаси серГўшт, калласи киска, пешонаси ва юзи кенг, кукраги тулишган, елкаси ва бели тугри ва кенг, орка кисми чузик, мускуллари кучли ривожланган, оёклари мустахкам, лекин бироз ингичка. Франция, АКШ ва Англияда катор зотлар билан чатиштирилмокда.

Зот сигирлари серпушт, 6-8 ойлик бузоклар 100 бошга 90 тани ташкил этади. Сут махсулдорлиги 1800-2000 кг, ёглилиги 4,6-4,9%.

Молларнинг Гўштдорлик сифатлари юкори булишлиги билан ажралиб туради. Янги тугилган бузокларнинг вазни 36-40 кг , 7-8 ойлигида 250-300 кг етади. Уртача кунлик семириш 900-1000 г . Букачалар жадал устирилганда 12 ойлигида 500 кг етади ва 70% суйим чикими боради. Сигирлар вазни 600-650 кг, букалари 1000-1200 кг. Фермер хужаликларида саноат чатиштиришида фойдаланилса булади.

**Ок аквитан зоти**. Бу зот Францияда яратилган булиб йирик Гўштдор зот хисобланади. Молларнинг туси ок, тана тузилиши буйича лимузин молларига ухшаш. Лекин улардан йирик ва мускуллари нисбатан яхши ривожланган. Сигирларнинг тирик вазни 650-700 кг сут махсулдорлиги 1200-1500 кг. Молларнинг усиш тезлиги « Гўшт нимталарининг чикими» буйича шаролле, симментал ва мен-анжу зотларига якин туради. Бу зотнинг яратилиши, биологик хусусияти, махсулдорлиги ва наслчилик йуналиши тугрисида хозирча бизга етиб келган аник ва тулик маълумотлар кам.

**Мен- Анжу зоти**. Бу зот Франциянинг шимолий-гарбий кисмида яратилган. Француз зотлари ичида вазни ва тана узунлиги буйича энг йириги булсада, лекин тананинг баландлиги буйича ок аквитан зотли молларидан кейин туради. Молларнинг туси кизил ола, сигирларнинг вазни 750-800 кг. АКШ тажриба хужалиги маълумотларига кура энг юкори кунлик усишга эга.

Гўштнинг морфологик таркиби буйича шаролле, симментал зотларига якин. Сигирларнинг сут махсулдорлиги 2400-2700 кг, ёглилик даражаси 3,6-3,8% бошка зотлар Билан саноат чатиштиришда ота зоти булиб хизмат килади. Мен-анжу зоти Франциянинг мухим Гўштдор зотли генофондларидан хисобланади.

**4.** Италия қорамоллари Гўштдор зотлар ичида энг йириклари хисобланади. Улар буйдор, танаси Гўштдор, суяклари нисбатан енгил.

**Киан зоти**. Бу зот Италиянинг Валде Киан водийси хисобланади. Маълумотларга биноан Клан зоти бундан 3500 йил илгари махаллий калта шохли ок тусдаги қорамоллардан келиб чиккан. Узок давр моллардан Гўшт олинган ва кишлок хужалик ишларида фойдаланилган. 1927 йилдан бошлаб Гўштдорлик белгиларини ривожлантириш буйича наслчилик ишлари олиб борилган.

1932 йили наслчилик китоби ташкил этилган. Хозирги кунда клан зоти юкори Гўштдорлик хусусиятларига эга, энг баланд буйли моллар хисобланади. Букаларнинг ягрин баландлиги170-173 см, сигирлариники 160 см булади. Энг асосий белгиларидан бири-уларнинг жадал ва давомли усишидир. Тирик вазн буйича бу зотга етадиган зот йук. Рекордчиларнинг барчаси клан зоти вакиллари. Жумладан , молларнинг 6 ойлигидаги рекорд вазни- 429 кг, 12 ойлигида 695 кг, 15 ойлигида 905 кг, 18 ойлигида 1137 кг ва ката ёшдаги букалар вазни 1820 кг.

Клан зотли моллар Бразилия, Аргентина, Канада каби мамлакатларда таркалган. Туси кулранг – окиш рангда. Бузоклари саргиш ва куз атрофии кора рангда. Бу ранг 3-4 ойгача сакланиб сунг окариш бошланади. Молларнинг танаси узун, калласи уртача, шохлари калта, елка ва бели кенг, тугри, мускуллар Билан яхши тулишган, тананинг орка кисми тугри ва

узун, суяги ингичка лекин мустахкам. Яйлов шароитига яхши мослашган булиб, дагал озикалардан самарали фойдаланилади.

Янги тугилган бузокларининг вазни 42-55 кг , танаси ясси, энсиз, лекин оёклари узун ва нисбатан ингичка. Ёш молларнинг вазн усиши жадал булиб, уларнинг уртача кунлик семириши 1000-1400 г тугри келади. 6 ойлик бузокларнинг вазни 225-260 кг, сигирларининг вазни 680-750 кг, букалари 1300-1500 кг. Сигирлари 900 кг , букалари 1800 кг гача етади. Бурдокиланган молларининг суйим чикими 60-65 %. Молларнинг Гўшти Майин, юкори таъмга эга ва ширин, асосан мускуллардан иборат булиб, ёг тукималари кам тупланган булади.

Клан зоти холда урчитиш Билан бирга бошка зотларни такомиллаштиришда фойдаланишмокда. Марказий Италияда махаллий мареман зотини чатиштиришда ишлатилган ва 1934 йили дурагай моллар асосида янги қорамол зоти «кианомареман» яратилган.

XIX асрнинг бошларида клан зоти яхшиловчи зот сифатида кулланилиб, романол ва кулранг подол қорамоллари билан чатиштиришдан қорамолларнинг Янги Гўштдор зоти маркеджан яратилган.

Узбекистонга клан зотли букаларнинг уруги 1970 йили олб келинган. УзЧИТИ олимлари томонидан кора – ола зотли сигирларни клан букалари Билан чатиштириш ишлари олиб борилган. Дурагай моллар она зоти тенгдошларига нисбатан 10-12% куп Гўшт берган.

Италиянинг Гўштдор қорамоллари генофондига Романол, Маркеджан, Пемонт зотларини киритиш мумкин. Бу зотли молларнинг яратилишида клан зоти катнашган.

**Романол зоти**. Бу зот Италиянинг ок ва кулранг зотларидан бирин хисобланади. Унинг териси корамтир рангда, бурун кузгуси кора. Зотнинг чукур ва оёклари калтарок. Сигирларининг вазни 650-700 кг. Бошка зотлар Билан чатиштиришда ота зоти сифатида фойдаланилади.

**Маркиджан зоти**. Бу зотли моллар подолск, романол, ва клан зотларини чатиштириш натижасида яратилган. У клан зотига нисбатан пастрок, енгил суяклилиги ва мускулларининг яхши ривожланганлиги Билан клан зотидан фарк килади. Сигирларнинг вазни 650-700 кг. Бошка зотлар Билан чатиштирганда ота зоти сифатида фойдаланилади.

**Пемонт зоти**. Бу зот қорамоллар бошка Италия зотларига нисбатан танаси кичик, лекин куш мускулли. Сигирларнинг тирик вазни 580-600 кг .

**5**. Американинг барча Гўштдор зотлари зебу моллари асосида келтириб чикарилган. Зебуларнинг асосий хусусиятлари иссик иклим, кон паразит касалликларига чидамлилиги ва дагал озикаларнинг самарали фойдаланиши Англия ва Италия Гўштдор зотлари Гўштдорлик ва Гўшт сифати олинган.

Барча зотлар Америка браманларини Англия, Франция Гўштдор зотлари Билан чатиштириш натижасида яратилган. Улар яратиш усули бир хил, яъни дурагайлашдан олинган молларда браман зотининг кони 3/8 ва маданий Гўштдор зотининг кони 5/8. кон даражаси шу меъёрда( 3/8-5/8) булган моллар махсулдорлик ва биологик хусусиятлари Билан самарали деб топилган. Американинг Гўштдор дурагай зотларига куйдагилар киради: Санта-гертруда, брангус, браферд, бифмастер, шарбрей, барзона, бифалло ва хоказолар.

**Америка брамани**. Америка брамани(зебуси) биринчи маротаба Хиндистоннинг уч хил зебуси(гузур, нелор, гир) келиб чиккан ва уларга Бразилиянинг улкан буйли индубразил зотининг кони куйилган. Индубразил зоти хам гузур, нелор ва гирлар иштирокида яратилган. Маълумотлар буйича Америка браман зотида тахминан 60% гузур зебусининг кони, 20% нелор зебусининг кони мавжуд. Зот Гўштдор зотларни яратишда ота ёки она зоти булиб хизмат килади.

**Санта-гертруда зоти**. У АКШ, Техас штати Санта –гертруда туманида яратилган. Ушбу зот браман ва шортгорн зотларини дурагайлагш натижасида яратилган. Дурагайларда 5/8 шортгорн ва 3/8 браман кони бор булган дурагайлар «уз ичида» урчитиш натижасида яратилади.

Зот яратиш ишлари 1920 йилда бошланиб ката микдорда дурагайлар олиниб, уларни танлаш каридош ишлари кенг фойдаланган. Гўштдор тана тузилишига эга булган моллар инбридинг саралашда фойдаланишган. Жумладан «манки» ва «ЭЛ капитал» лакабли

букаларнинг авлодлари якин кариндошлик урчитишда ишлатилиб, зотнинг шакланишига мухим ахамият касб этган, 1940 йил зот деб тан олинган.

Санта-гертруда молларини Техас штатида яратилиши уларнинг иссик иклим шароитига яхши мослашиши, хайётчанлиги, кон паразит кассалларига чидамлилиги, яйловларнинг дагал озикалардан фойдаланиш ва бошка хусусиятларининг янада кучлирок мустахкамланиши таьминланган.

Санта-гертруда зотли молларининг тана тузилиши мустахкам, Гўштдор. Молларнинг туси кон кизил, кизкиш тусдагилари учрайди. Териси тигиз, калта жун билан копланган.

Янги тугилган бузокларнинг вазни 29-30 кг, 8 ойлигида 220-240 кг, сигирлар вазни 550-650 кг, букалари 900-1200 кг. Сигирларнинг сут махсулдорлиги 1500-1800 кг, ёглилиги 4,5-5,0%. Гўштга парваришланган новвослари 15 ойлигида 400-550 кг етади. Уларнинг уртача кунлик усиши 1000-1200 грамм, суйим чикими 60-66%.

Кейиги 30 йилда Ушбу зот моллари 35 мамлакатга таркалган.

1967 йилда Узбекистонда хусусан Бахмалхужалигида жойлаштирилади. Бу шароитга яхши мослашиб, насл ва махсулдорлик хусусиятларини тулик намоён килди. Сигирларнинг вазни 500-700кг, букаларнинг вазни 950-1200 кг. Бу хужаликда махаллий қорамолларни Санта –гертруда зоти Билан яхшиланиш ишлари олиб борилган ва II-III бугин дурагайлар олинган. Бу дурагай моллар она зотига нисбатан икки баравар йирик булиб сифати кескин фарк килади. Хозирги кунда Санта-гертруда зотли молларнинг Янги олинган ва бу борада селекция ишлари олиб борилмокда.

**Брангус зоти** . Ушбу зотнинг ватани АКШ нинг жанубий кисмидаги Лузиана, Техас ва Оклахона штатлари хисобланади. Унда 5/8 абердин –ангус, 3/8 браман кони бор. Иш 1940 йилда бошланиб 1949 йилда нихоясига етгазилган.

Брангус зотли қорамолларнинг туси кора ва тукол. Кизил тусли моллар хали бор, хозир улар алохида подаларда парвариш килинмокда. Сигирларо вазни 530-600 кг.

**Брафорд зоти**. Бу АКШнинг Мексика курфази минтакасида яратилган. Бу иш 1925 йилда бошланиб25 йилда нихоямига етган. Унда 5/8 гереформ ва 3/8 браман кони бор. Туси кизил боши, корнининг остки кисми ва оёклари ок рангда, танаси Гўштдор мутаносиб тузилишда. Сигирлар вазни 600-650 кг. Бу зот хам иссик иклим шароити учун мухим Гўштдор генофонд хисобланади..

**Бифмастер зоти**. АКШнинг Техас штатида яратилган. Унда 50% браман, 25% шортгорн ва 25% гереформ зотининг кони бор. Бу зот 1930 йилдан бошлаб Том Ластер томонидан шакллантирилган. Ластер 6 белгига эътибор берган: юввошлиги,хаётчанлиги, пуштдорлиги, вазни, тана тузилиши, сут махсулдорлиги. Туси буйича танлашга эътибор берилмаган, шунинг учун туси хилма- хил-ок, кунгир, кизил-кунгир. Моллар асосан шохли, шохсизлари хам учрайди.

Сигирларнинг тирик вазни 650-680 кг. Бу зотли моллар тана тузилиши буйича йирик ва Гўштдор.

**Шарбрей зоти**. АКШнинг жанубий-шаркий худудида яратилган. Шароле букалари Билан браман сигирларини чатиштириш натижасида олинган дурагайларни «уз ичида» урчитиш натижасида келтириб чикарилган. Ушбу зотда 7/8 шароле ва 1/8 браман кони бор. Зот хили ёш булиб уни такомиллаштириш буйича селекция ишлари олиб борилмокда.

**Барзона зоти**. Бу зот африкандер, гереформ, Санта –гертруда ва Абердин-ангус зотларини чатиштириш натижасида келтириб чикарилган. Бу зот 1942 йили АКШнинг Аризона штатида Ф.Н . Бард томонидан гереформ зотли сигир ва ургочи таналарни африкандер букалари Билан чатиштириш амалга оширади. Олинган дурагайларни 2/3 кисми Санта-гертруда ва 1/3 кисм Абердин-ангус букалари Билан чатиштирилган.

Бу икки усулдан олинган дурагай молларнинг энг макбул гурухлари «уз ичида» урчитилган. Молларнинг туси кон кизил, жигар рангда булади. Бу зотли моллар узларининг туси ва тана тузилиши Билан Санта – гертруда зотини эслатади.

Бирфало зоти . АКШнинг Калифорния штати трайс вилоятида яратилган. Бу зотли моллар энг ёш булиб, сунгги йилларда Бад Бисало томонидан шакллантирилган. Махаллий қорамоллар бизон Билан чатиштирилган дурагайлар яратилган.

Энг макбули 5/8 қорамол ва 3/8 бизон конли моллар танлаб олинган ва уларни энг махсулдорлари «уз ичида» урчитилган.

Бифало зотининг энг кимматли сифатлари кишнинг огир шароитига чидамлилиги ва ута дагал, паст туйимли озикаларни хазм килишлиги хисобланади. Бу зотли қорамоллар урмонзорлари минтакаларда Гўштдор қорамолчиликни яратиш ва уларни самарали узлаштиришда кул келади.

6. Колмигистон ва Қозоғистонда Гўштдор қорамолларнинг колмик ва козоги окбош зотлари яратилган.

Колмик зоти. Бу зот утмишда Осиё туридан келиб чиккан хамда Хитой ва Урта Осиёнинг тоглик ва чул яйловларда шакллантирилган. Бу моллар кучмачи колмик кабилаларининг куп асрлар давомида асосий бойлиги булган. Кучмачи колмик кабилалари XYII асрнинг бошида Кулундук чулига ва унинг атрофидаги жойларга кучиб утишган ва бу минтакада 50 йил давомида кучмачи холда хаёт кечиришиб, қорамол купайтирилган. Шундан сунг улар Волга ва Дон дарёлари оралигидаги минтакага кучиб утганлар ва бу ер уларнинг доимий ватани булиб колган. Янги табиий-иклим шароитига колмик моллари тез мослашган. Ва такомиллаштирилган. Улар йил давомида яйлов шароитида сакланиши ва бокилиши Билан бошка зотлардан фарк килади. Моллар мустахкам конституцияли булиб, шароитга чидамли, кам хосил яйловлардан самарали фойдаланиш, бахор ва киш ойларида яйловда тез семириш хусусиятларига эга.

XIX асрнинг охири, XX аср бошларида Ростов ва Куйи Волга буйи хужаликларида, йирик мол олиш ва Гўштнинг сифатини яхшилаш максадида колмик зотига симментал ва шортгорн зотларининг кони куйилган. Лекин бу тадбир чегараланган тартибда булиб зотга сезиларли таъсир курсатмаган.

1918-1920 йиллардан бошлаб зотнинг наслчилик хужаликлари ва рассадникларини тузилиши зотнинг такомиллаштиришига ижобий таъсир курсатган. 1934 йили наслчилик китоби ташкил килиниб наслдор моллар назорат килина бошлади.

Колмик зотли моллар асосан кизил тусда булиб боши, танасининг остки кисми ок рангда булади. Молларнинг калласи уртача катталикда, пешонаси киска, юз кисми чузикрок, бурун кузгуси кора, шохлари пешонаси билан бир текисликда жойлашган. Моллар уртача катталикда(ягрин баландлиги 126-127 см) танаси мутаносиб тузилишда (тана кия узунлиги 150-155 см) , ягрини, бели, елка тугри,кенг, кукраги чукур(69-70 см)ва кенг (41-42 см), кукрак туш чуккиси яхши ривожланган, оёклари мустахкам, тугри куйилган, мускуллари яхши ривожланган.. териси киш фаслида калин ва узун жун Билан копланади. Зот таркибида икки хил моллар бор. Бир гурухи Гўштдор тез етилувчан, иккинчиси Гўштдор кеч етилувчан.

Биринчи хилдаги моллар иккинчисига нисбатан кичик булиб, вазни паст, етилиши тез, суяги енгил, териси юпка ва суйим чикими 2-4% юкори.

Янги тугилган бузокларнинг вазни 22-25 кг, 8 ойлигида 200-220 кг. Сигирлар вазни 450-500 кг, айримлари 650-700 кг етади. Озикалари 750-850 кг, айримлари 1000-1100 кг бу зот моллари жадал бокилганда тез усади ва Гўшт беради. Новвосчалари 16-18 ойлигида вазни 400-450 кг тугри келади.

Яйловда бокилган ахталар 700-800 г семириш беради. Суйим чикими 55-60%. Бурдоки молларники 68-70% етади. Сигирларнинг сут махсулдорлиги 1100-1500 кг, ёглилиги 4,1-4,5%.

Узбекистонга 1957-1960 йилларда олиб келинган ва Кораколпокистонга жойлаштирилиб махаллий молларни яхшилашда фойдаланилган, лекин кон паразит касалликларига чидаммаганлиги учун фойдаланиш тухтатилган. Колмик зоти устида олиб борилаётган наслчилик ишлари уларнинг тез етилувчанлиги ва Гўшт махсулдорлигини, хамда Гўштнинг сифатини яхшилашга каратилган.

Козоки окбош зоти. Бу зот коззогистрн ва Россиянинг жанубий-шаркий кисмида кескин иклим шароитида яратилган. 1930 йилдан бошлаб Гўштдор зотли молларни яратиш максадида Қозоғистон ва Куйи Волга буйи хужаликларида коки ва колмик молларини герефорд зотли букалар Билан чатиштириш ишлари олб борилди.

Олинган дурагай молларнинг асосан учинчи авлод махсулдор гурухлари танланиб «уз ичида» урчитилган. Буларни танлашда юкори Гўштдорлик сифатлари хамда махаллий иклим

шароитига мослашганлик хусусиятлари эътиборга олинган. Натижада Гўштдор моллар подалари шакллантирилган ва улар 1950 йили зот булиб тасдикланган. Зотнинг махсулдорлик сифатларини шакллантиришда танлаш ва саралаш ишлари хамда уларнинг саклаш тизими, бузокларни сигирларга эмизиб парваришлаш усули хал килувчи омил булган.

Козоки окбош моллар табиий яйлоалардан унумли фойдаланиш ва кескин континентал иклимга мослашиши хусусиятга эга. Моллар ёзнинг иссик ва кишнинг совук кунларида хам яйловда сакланади. Яйловнинг туйимли даврида тез семиради ва юкори кобилиятини курсатади. Козоки окбош зотли молларнинг туси герефорд зотли молларга хос кизил рангда боши, тананинг корин ости кисми, оёклари ва думининг попик кисми ок рангда. Моллар уртача катталикда(сигирларнинг ягрин баландлиги (123-125 см), кукраги чукур (68-70 см) ва кенг(42-45 см), танаси мутаносиб ривожланган(тана кия узунлиги 152-156 см), суяклари мустахкам, танаси кенг, мускуллари Билан яхши тулишган. Моллар кишга киришда калин ва узун жун  Билан копланади.

Янги тугилган бузокларнинг вазни 27-30 кг, 8 ойлигида 220-240 кг етади. Сигирларнинг вазни 500-550 кг, букаларнинг вазни 800-900 кг, айримлари 1100 кг боради. Молларнинг Гўштдорлик сифати яхши.

1957-1960 йилларда Узбекистонга олиб келиниб махаллий моллар билан чатиштирилган ва дурагай моллар олинган.

1980-1985 йиллардан бошлаб молларнинг наслдор гурухлари олиб келинган ва репродуктор фермалари мавжуд. Булар каторига Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги «Беш булок», Хоразм вилоятидаги «Кизил жар», хамда Кораколпогистоннинг Бузатов туманидаги Гўштчилик хужаликларини келтириш мумкин. Чатиштиришдан олинган дурагай молларнинг тирик вазни, Гўштдорлик хусусиятлари хамда Гўштнинг сифати кескин курсатилган. Зот устида олиб борилган селекция ишлари уларни соф холда урчитиш билан такомиллаштириш, вазн усишини тезлаштириш ва Гўштдорлик шаклини яхшилашга каратилган.

## Назорат саволлар.

1. Гўштдор қорамоллар хусусиятлари.
2. Гўштдорлик белгилари.
3. Бузоқларни ўстириш.
4. “Сигир бузоқ” тизими.
5. Урғочи таналар ва ғунажинларни ўстириш.
6. Ёш қорамолларни ўстириш, етилтириш ва бўрдоқилаш.
7. Яйловда боқиш.

## Мавзу : Корамолчиликда наслчилик ишлари.

**Режа:**

1 . Наслчилик ишининг ахамияти.
2. Узбекистонда наслчилик ишининг ахволи.
3. Наслчилик ишининг ташкилий шакли.
4. Корамолчиликда наслчилик ишининг истикболлари.

**Таянч иборалар:**

**наслчилик иши; - наслчилик заводи; - наслчилик хужалиги; - наслчилик идораси; селекцион марказ; элевер; ирсият; узгарувчанлик; - корреляция.**

1.Наслчилик иши билан шугулланмасдан туриб сохада ижобий натижаларга эришиб булмайди. Кишлок хужалик хайвонлари асосий ишлаб чикариш воситаси сифатида доимо такомиллаштиришга мухтож, у канчалик серунум ишласа, шунчалик куп махсулот етказиш мумкин.

Хайвонлар канчалик такомиллашган булса улар шунчалик озикалардан самарали фойдаланадилар. Наслдор хайвонларгина куп сифатли махсулот бериш имкониятига эга.

Шу боисдан мамлакат микёсида, ёки аник бир хужаликда хар доим наслчилик иши Билан шугулланиш, такомиллаштириш тинмай хайвонларни яхшилаш ва уларнинг махсулдорлигини тухтовсиз ошиб боришини таъминлайди.

Корамолчиликда хар бир хужаликни йуналиши, тизими, наслчилик ишининг холатига караб наслчилик ишининг у ёки бу хилини танлаб олишга тугри келади, ёхуд наслчилик ишида етарли самарага эришиб булмайди.

2.Узбекистонда наслчилик иши , айникса корамолчиликда хозирги кун талаблари даражасида деб булмайди. Мамлакатимизда иктисодий сохада руй берган ислохатлар давлат мулкининг хусусийлаштириш натижасида пайдо булган наслчилик корхоналари уз вазифаларини тулик бажармаяптилар. Мамлакат микёсида ягона сохада наслчилик ишини олиб бориш режаси йук. Шу боисдан турли хил мулк шаклидаги хужаликларда тизимсиз наслчилик ишлари олиб борилмокда.

Айникса 1995 йил «Наслчилик хакида» ги конуннинг ишламаслиги натижасида купчилик наслчилик заводлари, хужаликлари асоссиз хусусийлаштириб юборилиши натижасида уларга асл подалар тугатиб юборилди, хайвонларнинг насл ва махсулдорлик курсаткичлари кескин пасайиб кетди.

Шу конун буйича давлат наслчилик заводлари, зот буйича таянч хужаликларининг давлат тасарруфида колиши, уларнинг давлат томонидан куллаб – кувватлаши хакидаги бандлари хам бажарилмай колди.

Айникса янгидан ташкил килинган ширкат ва фермерн хужаликларида наслчилик ишининг асоси, бирламчи зоотехника ва наслчилик хисоб-китобларининг юритилмаслиги сохани боши берк кучага кириб колишга сабаб булмокда.

Республика микёсида 10 йиллар мобайнида тнаслчилик ишининг асосий куролларидан бири булган сунъий уруглантириш умуман эътибордан четда колмокда, натижада машхур букалар уруглдари етарли микдорда республика уруг банкида булишига карамасдан, ширкат, фермер, ва дехкон хужаликларида сигирлар ва ургочи таналар келиб чикиши номаълум, купинча зотсиз букалар билан уруглантириши натижасида насл хусусиятлари паст, махсулдорлиги кам моллар подаси.

Республика, вилоят, туман микёсида наслчилик ишлари мувофиклаштириш ишлари йулга куйилмаган. Ширкат, фермер хужаликларида наслчилик сервис холати йулга

куйилмаганлиги, Ушбу хужаликларида умуман наслчилик ишлари олиб борилмаётганидан далолат беради.

Янги мулк шаклидаги хужаликларида наслчилик ишларини юритишга илмий-тадкикот ва олийгохлар олимларини хам жалб этишни такоза этади.

3. Барча чорвачилик сохаларидаги наслчилик ишлари республика кишлок ва сув хужалиги вазирлиги бошчилик килади. Унинг таркибидаги чорвачилик бош бошкармаси бу ишларга бош кош.

Давлат наслчилик инспекцияси – наслчилик буйича республикада олиб бориладиган ишларга рахбарлик ва назорат килади,шунингдек « наслчилик буйича» конуннинг бажарилишини кафолатлайди.

Узнаслхизмат ва унинг вилоятларидаги булимлари, корамолчилик хужаликларида наслчилик ишларини йулга куйиш, сунъий уруглантириш, бирламчи зоотехния ва наслчилик хисоб-китобларни юритиш, насллик моллар Билан таъминлаш Билан шугулланади. Бу тизим хусусийлаштирилган.

Давлат наслчилик бирлашмалари, бу ташкилот наслчилик сиёсатини утказади, наслчилик хужаликларида Билан ишлайди.

Зотларни туманлаштириш, бонитировка утказиш, янги катор ва оилалар яратиш ва бошка ишлар билан шугулланади.

Давлат наслчилик заводлари – улар бир зотни такомиллаштириш, унинг Янги катор ва оилаларни барпо этиш, наслдор букалар етиштириш ва уларни авлодлари буйича бахолаш, наслдор моллар билан наслчилик хужаликларини таъминлаш Билан шугулланади.

Наслчилик хужаликларида наслчилик заводларидан олган молларни тугри урчитиб, купайтириб бошка хужаликларга сотади.

Бу жужаликлар хам чукур наслчилик ишлари билан шугулланадилар.

**Элевер-** бу ихтисослашган ташкилот булиб «буюртма» жуфтлашдан олинган 3-4 ойлик эркак бузокларни жадал устириб 12 ойлигида бахолашни амалга оширади. Шу пайтда уларнинг тирик вазни, экстерер ва конституцияси, жинсий фаолияти, улардан уруг олиниб махсус хужалик сигирлари уруглантирилади ва кизларининг махсулдорлиги буйича бахоланганга кадар 30-40 минг дона уруг тайёрланади. Агар бука яхшиловчи деб тан олинса улар уруглари кенг фойдаланилади.

**Селекция марказлари** – улар бир неча чорвачилик сохалари буйича тузилади. Улар ИТИ ёки мустакил булишлари мумкин.

Бу марказларини зотни наслчилик ишининг сиёсатини урнатади, уни такомиллаштириш режаларини тузиб уни бажаришни амалга оширади. Улар турли урчитиш усуллари ва наслчиликнинг бошка куролларидан фойдаланган холда зотни такомиллаштиришга эришади.

4. Республикамиз корамолчилигининг равнаки биринчи навбатда наслчилик ишига боглик. Чунки ишлаб чикариш воситасини (асосий пода) такомиллаштириш туриб махсулот ишлаб чикаришни ва унинг самарадорлигини ошириб булмайди.

Шу боисдан биринчи навбатда давлат наслчилик бирлашмаси ва Узнаслхизмат корхоналарининг фаолиятини жонлаштириш, уларни фермер – наслчилик хужаликлари Билан ишларини ташкил килиш керак.

Наслчилик заводлари учун «наслчилик хакида»ги конун талабларидан келиб чикиб уларга имтиёзли фаолият курсатиш учун шароит ва давлат куллаб – кувватлашни ташкил этиш.\

Элеверлар ва селекция марказлари ишини давлат бюджети асосида кайтадан ташкил килиш.

Мамлакат микёсида наслчилик иши билан шугулланган шахсларни моддий ва манъавий рагбарлантириш.

Насллик моллар кургазмалари ва кимошди савдоларини ташкил килиш.

Корамолчиликда сунъий уруглантиришни тиклаш.

Ёш наслдор молларни тугри устиришни ташкил этиш.

Чет эллардан зотдор моллар, уларнинг уругларини олиб келишни ташкил килиш.

**Назорат саволлари:**

1. Наслчилик ишининг шакли ва тизими.
2. Наслчилик хизмати.
3. Наслчилик заводлари.
4. Наслчилик хўжаликлари.
5. Элеверлар.
6. Наслчилик ишининг истиқболлари.
7. Наслчилик ишида кўргазмалар.

# Мавзу : Қорамолчиликда наслчилик ишининг назарий асослари.

**Режа:**

1. Наслчилик ишининг назарий асослари.
2. Урчитиш усуллари.
3. Бука тизимлари.
4. Сигир оилалари.

**Қўшимча адабиётлар:**

1. Эрнст Л.К. Скотоводсто. М. Колос. 1984.

**Таянч иборалар:**

**Ирсият, ўзгарувчанлик, белгиларнинг қайтарилиши, корреляция коэффицентлари, соф зотли, чатиштириш, дурагайлаш, буқа тизими, завод тизими, генеологик тизим, сигир оиласи.**

1.Сут ва гушт корамолчилигида наслчилик ишининг назарий асосларини генетика-белги ва хусусиятларини, ирсияти ва узгарувчанлиги, органик оламни эволюциясини таъминловчи фан.

Корамолларнинг насл ва махсулдорлик хусусиятларини такомиллаштиришда дастлаб микдорий белгиларга эътибор берилади, улар ирсият ва ташки мухит таъсирида шаклланади. Сутдор корамолчиликда унга: тирик вазн,305 кунлик сут, сутнинг таркибидаги ёг ва оксил микдори, сут бериш тезлиги ва бошкалар. Гуштдор корамолчиликда эса тирик вазн, тез етилувчанлик ва 1 кг вазн ортириш учун сарфланган озика бирлиги.

Сутдор ва гуштдор корамолчиликда селекция самараси генетик нуктаи-назардан белги ва хусусиятларни узгарувчанлик, ирсият, белгиларни такрорланиши ва корреляция коэффициентларига боглик.

Сут йуналишида узгарувчанлик коэффициенти: вояга етган сигирлар тирик вазни 10-15% ; лактация давомидаги сут микдори 20-30% ; сутдаги ёг микдори 5-9%, оксил 4-9%, сут бериш тезлиги 10-15%.

Корамолларда асосий белги ва хусусиятларнинг наслдан –наслга берилиши(ирсият коэффициенти) турлича булади. Сигир сутининг ёглилиги ирсий коэффициенти ($h^2$) анча

юкори(0,6-0,78), худди шунингдек оксил буйича (0,5-0,7). Сут махсулдорлиги буйича ушбу курсаткич 0,3-0,42га тенг, вояга етган сигирлар тирик вазни буйича -0,37, сутга озика билан хак тулаш 0,2-0,48.

Белгиларни такрорланиш коэффициенти хам белгилар буйича бир хил булмайди. Сигирларда лактация сут микдорининг такрорланиши 0,59-0,73, сутнинг ёглилиги 0,49-0,74, оксиллиги 0,54-0,79 ; биринчи туккан сигирларнинг лактациясининг биринчи 3 ойдаги сут билан бутун лактация уртасидаги коэффициент 0,81-0,90, хайвонларнинг тугилгандаги тирик вазни билан вояга етгандаги вазни орасидаги коэффициент 0,19, гуштдор бузокларни онасидан ажратгандаги ва 13 ойлигидаги вазни орасидаги коэффициент 0,48.

Сутдор корамолчиликда уларнинг асосий белгиларининг коррелятив богланишини билиш мухим ахамият касб этади, бундай богланишалар тирик вазн ва сутдорлик, сутдорлик ва сутнинг ёглилиги, сутдорлик ва унинг таркибидаги оксилнинг микдори, сутнинг таркибидаги ёг ва оксил, елинини ривожланиши ва сут махсулдорлиги ва хоказолар.

**2. Урчитиш усуллари**:

Соф зотли.

Урчитиш.

Чатиштириш.

Дурагайлаш.

**3**. Саралаш (жуфтлаш) кам ривожланган селекцион белги ва хусусиятларни кучайтириш учун кулланилади. Шу максадда кам махсул сигирлар ирсий хусусияти кучли букалар уруги билан сунъий уруглантирилади. Зотга янги ижобий хусусиятлар киритишда хам жуфлаш кул келади. Махалий молларни тез етилувчанлиги оширишда, тирик вазнини купайтиришда гушдор корамоллардан фойданилади. Белгилари мос булмаган хайвонларни жуфтлашга йул куйимайди. Акс холда авлодда салбий белгилар буртиб чикиши мумкин.

Наслчилик – селеция ишида максадга мувофик ва аник шароитда у ёки бу жуфтлаш усулини, ёки бир подада хам гомоген ва гетероген жуфтлаш усулини куллашни токозо этади.

Гетероген жуфтлаш гомоген жуфтлаш ва инбред дипрессиясининг кунгилсиз ходисаларини тугрилашга имкон беради. Молларнинг максадга мувофик хилини яратиш учун олдин гетероген сунг гомоген жуфтлаш амалга оширилади. Наслчилик ишида гомоген ва гетероген жуфтлашни уз вактида алмаштириб турилиши пода, тизим(линия) ва зотни жадал такомиллашишига олиб келади.

Молларни бука тизимлари буйича урчитиш наслчилик заводлари ва наслчилик хужаликларида олиб борилади ва зотни такомиллаштиришни назарда тутади. Бир бука тизимига мансуб хайвонлар махсус танлаш ва жуфтлаш натижасида ирсияти бакувват моллар гурухи яратилади.

**Бука тизими** – зот ичидаги машхур букадан таркалаган узига хос сифат белгиларга эга булган кариндош моллар гурухидир. Улар силекция йуналиши асосида уругбошиси селекцион белгиларини уз авлодларига утгазиб беради. Хар бар бука тизимига хос булган моллар, аввало, зотнинг асосий йуналишига жавоб бериши керак.

Корамолчиликда бука тизимлари буйича урчитиш илк бор Англияда ака-ука Колинглар, Т.Бетсон ва бошкалар томонидан Шортгорн зотида завод селекциясида куланган. Сунгра бу усул бошка мамлакатлар селекцияонер олимлари томонидан бойитилган. Тизимлар, оилалар ичида урчитиш ва улар орасидаги кросслар хар хил чорва моллари ва парандаларда селекцион ишлар олиб борган Узбекистонлик олимлар А.А. Атбанян, Э.Ю.Карчевский, У.Н.Носиров, М.И.Самарцев, Р.Г.Василев, С.Азимов ва бошкаларни алохида курсатиш лозим. Зотни такомилаштириш буйича 20-30 йиллик селекция ишлари натижасида яратилган тизим уз ичида урчитилади. Бука тизимлари ичида бир неча хилини курсатиш мумкин. Улар наслдорлик сифатлари, таркалиши, ва тан олинишига караб куйидагиларга булинади.

**Завод тизими.** Махсус и/ч режасида, зот андозаси талаблардан анча устун турадиган бука ва унинг махсулдор авлодлари тизимини шаллантирилади. Бу тизим зотни такомилаштиришга каратилган барча селекцияон белгиларини мужассамлаштирган ва уларни авлодга утказиш кобилияти билан ажралиб туради.

Завод тизими давлат коммисияси томонидан урганиб чикилади ва тасдикланади. Хар бир зотда 3-4 тасдикланган завод тизими булиши шарт.

**Генеологик тизим.** Бу тизимни бир насдор букадан таркалган уларни махсулдор авлодлар гурухи ташкил этади. Генеолгик тизим купинча формал тизим хам деб аталади. Чунки улар селекцион белгилари буйича танланмаган ва махсус жуфтлаш режаси асосида яратилган булмасада, наслчилик фермаларда купчиликни ташкил килади.

Генеологик тизимидаги машхур букалар янги завод тизимини яратишга асос булиши мумкин.

**Кариндош гурух .** Бу гурух уз тана тузилиши ва наслдор сифатлари билан фаркланадиган айрим букаларнинг авлоди. Махсус селекция ишлари олиб борилганда ушбу гурух завод тизимига айланиши мумкин. Завод тизими устида систематик равишда махсус режа асосида махсус селекцион иш олиб борилмаса, у генеологик тизимга тушиб колиши мумкин.

Завод ва генеолгик тизимлар оралигида асосий фарк тизим таркибидаги молларни сифатида ва ушбу тизимларни яратиш услубидадир. Аксарият генеологик тизимлар завод тизимига нисбатан узок давр мобайнида сакланади. Завод тизимида машхур букаларнинг 3-5 бугин авлоди киради. Юкори савияда олиб борилган селекция ишлари завод тизими хаётини узгартириши мумкин. Улар хаётчанлиги тизим давомчиларининг танлаш ва аводларини купайтиришга боглик. Авлодлар сифатини доимо бахолаб бориш асосида тизимининг наслдор давомчиларини уз вактида аниклаш, завод тизимининг хаётчанлигини 6-8 бугингача давом эттиради. Агарда, тизим давомчиси булган бука авлод бошиги нисбатан яна махсулдор ва наслдор авлод таркатса, у холда мавжуд тизим 2 шохга ажралади. Келгусида шу шохдан янги завод тизиминин шакллантириш мумкин.

Корамолчилик сохасида букалар тизимини яратиш жараёнини куйидаги даврларга булиши мумкин:

1. Утказилган синовларга кура авлодиннинг сифати буйича машхур булган бука тизим асосчиси килиб ажратилади.

2. Бука берувчи гурухдаги сигирларни “буюртма” услубида жуфтлаш натижасида янги ташкил килинадиган тизим асос була оладиган букачалар олинади.

3. Тизимининг авлодбошиси деб танлаб олинган бука ва унинг угиллар махсулдорлиги, экстерерири ва конституция билан авлодбошининг кизларига ухшаш булган сигирлар билан гомоген жуфтлаштирилади.

4. Бука тизимини давомчисини аниклаш систематик равишда “буюртма” жуфлаш ташкил килиниб, ундан олинган букачалар каторидан авлодининнг сифати буйича юкори бахоланганлари ажратиб олинади.

5. Кейинги даврлардаги молларни саралаб жуфлашнинг энг маъкул усули танлаб олинади.

6. Ушбу тизимнинг ижобий сифатларини янада кучайтириш максадида шу тизим авлодлари билан ирсий жихатдан мослашаоладиган бошка тизим ва оилаларга мансуб булган машхур моллардан фойдаланилади.

Тизимнинг макбул сифатларини кучайтириш учун ундаги молларни яхши озиклантириш ва саклаш, уларни алохида индивидуалтанлаш ва жуфтлашни доимо систематик равишда олиб боришни талаб этади.

Тизим ичидаги саралашда хар хил даражадаги инбридингни куллаш мумкин.

Тизимдаги айрим моллар вакилларининг кийматли белгиларини кучайтириш ва мустахкамлаш учун тизим орасида инбридинглар кулланилади.

Тизим орасидаги инбридинглар асосан 3 варианти мавжуд: тизим бошловчиси, унинг давом эттирувчилари, мустахкамловчи. Улар ичида энг куп таркалган тизим бошловчисига инбридинг агарда тизимни давом эттирувчи тизим бошловчисига нисбатан сифат курсаткичлари устун турса, шундагина унга инбридинг кулланилади.

Тизим ичида инбридинг купинча 3 бугиндан бошланади.

Хар бир корамол зотида бир нечта тизимлар яратилиши ва ишлатилиши керак. Улар сонини канча булишлиги зотдаги моллар сони, уларнинг урчитиш минтакаларининг канчалик кенглиги хамда зотнинг сифатига боглик. Тизимлар куп булиши кроссларга имкон беради.

Чорвачиликда наслчилик амалиётида кроссларни бир неча хили ишлатилади. Улар молларнинг жуфтлаштириш хилига (инбридинг, аутбридинг) караб куйидагиларга булинади; аут-кросс, топ-кросс, бот-кросс, ин-кросс.

**Аут-кросс**. Аутбридли молларни жуфтлаштириш кенг таркалган булиб, кариндошлик жуфтлашни олдини олади.

**Топ-кросс**. Инбрид букани аутбрид сигир билан жуфтлаш. Бу кросс тизим ичида гетерозис олиш учун ишлатилади.

**Бот-кросс**. Инбрид сигирнинг аутбрид бука билан жуфтлаш. Конни янгилаш максадида ишлатилади.

**Ин-кросс**. Бир бирига кариндошликда булмаган инбрид молларни жуфтлаш билан аутбрид авлод олиш. Инбрид депрессиядан кутилиш хамда гетерозис самарадорлигини кутариш учун кулланилади.

Наслчилик ишлари амалиётида юкорида келтирилган кросслар вариантидан ташкари узаро кариндошлик алокаси булган, лекин хар хил тизимда булган молларни жуфтлаш ёки стрен-кросс хам ишлатилади. Стен-кроссни куйдаги вариантлари мавжуд: кучайтирувчи, бойитувчи, воситачи.

4.Корамол зотлари ва подаларни такомиллаштиришдаги селекция ишларида нафакат бука тизимлари, шунингдек, сигирлар оилаларидан самарали фойдаланиш мумкин.

Сигирлар оилалари устида наслчилик ишлари режали равишда олиб бориш подадаги махсулдор моллар сонини купайтиришга юкори ирсий сифатларга эга булган наслдор букаларни олишга сабаб булади. Аксарият тизимнинг авлодбошчилари ва машхур булган букалар зотда машхур булган сигирлар оиласидан олнган. Бундай сигир оиласи купинча янги тизим яратишда асосчи булиб хисобланади.

Сигир подалари ичида мустахкам ирсий белгиларга эга булган сигир оилалари селекция ишларида, айникса кимматли хисобланади.

Хар хил оилага мансуб булган сигирларни бир тизимдаги букалар билан жуфтлашда уларни авлодларидан олинган селекцион белгиларни натижалари хар хил булиши мумкин.

Хужаликнинг завод селекцион ишларида маълум оилалари сигирларига уларни комплекс селекцион белгиларига мос келадиган хусусиятига эга булган бука тизимларининг икки ёки бир канча давомчи авлод букалари беркитилади. Уларни жуфтлашдан олинган натижа хар йили бахоланиб борилади. Бир оиладаги сигирларга икки ёки ундан ортик букаларнинг танланиши ушбу оилага ижобий мос келишлигини урганишда имконият яратади.

**Назорат саволлар.**

1. Ирсият коэффициенти.
2. Ўзгарувчанлик коэффициенти.
3. Белгиларни такрорланиш  коэффициенти.
4. Кориляция коэффициенти.
5. Соф зотли урчитиш.
6. Чатиштириш.
7. Дурагайлаш.
8. Буқа тизимлари.
9. Сигир оилалари.

# Мавзу : Корамолчиликда танлаш.

**Режа :**

1. Молларнинг асосий   селекцион белгилари.
2. Букаларни бахолаш ва танлаш.
3. Сигирларни  бахолаш ва танлаш.
4. Гуштдор зотли букаларни бахолаш ва танлаш.
5. Букалдар ва сигирларни препотентлигини аниклаш.
6. Бонитировка.

**Қўшимча адабиётлар:**

1. Собиров П, Кохоров А, Дўстқулов С. “Чорва молларини урчитиш”. Т. 2003.

**Таянч иборалар:**

Танлаш, келиб чиқиш, шахсий маҳсулдорлик, авлодлар сифати, тирик вазн, кунлик семириш, сутдорлик, сут сифати, технологик белгилар, якка, гуруҳлаб, бонитировка, насл гуруҳи, бошқа хўжалик гуруҳи, пучак гуруҳи.

**1.Танлаш** – келажакда урчитиш учун керакли белги ва хусусиятларга эга хайвонларни ажратиб олиш демакдир.
Талабга жавоб бермаган хайвонлар махсулот ишлаб чикаришда ишлатилади ёки пучак килинади.

**Хили**: табиий танлаш – табиий шароитлар таъсирида   утиб у ёки бу турни яшовчанлигини белгилайди.

Сунъий танлаш инсон томонидан  утказилиб хайвонларни махсулдорлик ва насл хусусиятларини яхшилашга каратилган.

**Шакли**: Онгсиз танлаш.

Онгли-услубий танлаш.

Молларни танлаб олишдаги белгилар бир хил кийматда эга эмас. Улар икки гурухга ажратилади. Биринчи сифат белгилари – тери ва жун копламининг ранги, молнинг туси, оёклари шакли, шохсизлиги ва бошкалар. Иккинчиси сон белгилари – согим  микдори, сут таркибидаги ёг ва оксил микдори, тирик вазни ва бошкалар. Корамол зотларини такомиллаштиришда селекция ишлари асосан сон белгилари буйича олиб борилади.

Молларни танлашда белгиларни кам булиши максадга мувофикдир. Бир белги буйича киска муддатда ижобий натижага эришиш мумкин. Белгилар сони куп булса хар бир белги самарадорлиги пасаяди. Танлаш самарадорлигининг хар хил белгилар буйича пасайишини формула ёрдамида аниклаш мумкин:

Селекцион белгилар сони биттадан турттага купайтирилганда танлаш самарадорлиги икки бараварга камаяди. Молларни факат махсулдорлиги йуналишида танлаш улар конституциянинг нозиклашишига, физиолгик жараёнларни сусайишишига ва умуман зотни заифлашишига олиб келиши мумкин. Шу боисдан махсулдолик белгилари балан конституциясини хам ёддан чикармаслик керак. Сер сут зотли сигирлар селекция ишларида куйидаги селекцион белгиларга асосий эътибор берилади: согим микдори, сутнинг оксили, ёг ва курук моддалар микдори, тирик вазни, усиш жадалиги, сигимининг бир текислиги, озикага сут билан жавоб бериш, гуштдорлиги, хужаликжа фойдаланиш давомийлиги, касаликларга (елин касалиги, кон паразит касалликлари, лейкоз ва бошкалар) ва табиий иклим шароитига чидамлилиги. Илгор технологшиялар сут ишлаб чикаришда кулланилганда куйидаги белгилар инобатга олинади: елиннинг шакли ва хажми, елин сургичларининг шакли, елин булмаларининг мутаносиб ривожланганлиги, сутнинг тулик ва тез ажралиши, елиннинг хамма булмаларидан бир хилда, тезликда ва даврда ажралиши, оёкларининг мустахкамлиги. Бу белгиларнинг аксарияти наслдан-наслга утиш хусусиятига эга.

Сутдор корамолчиликда асосан согим микдори, сутдаги ёг ва оксил микдори инобатга олинади.

**2.** Букаларни бахалаш ва танлаш. Корамолчиликда букаларни насли сифати буйича бахолаш ва танлаш бир неча даврда утказилади, келиб чикиши, шахсий махсулдорлиги ва авлодларнинг махсулдорлиги буйича.

Сут йуналишидаги букаларини танлашда биринчи навбатда кизларнинг сут махсулдорлиги хисобга олинади. Хозирги замон кенг микёсли селекция талабларида сут ва куш махсулдор йуналишидаги зотларнинг букалари кизлари махсулдорлиги билан биргаликда эркак авлодларининг гушт махсулдорлик сифатлари буйича бахоланади.

Букаларни келиб чикиши караб бахолаш ва танлаш. Аждодидаги хар хил гурухдаги букаларнинг белгиларига эътибор берилади. Аввало шажаранинг биринчи катори, сунг шажара иккинчи каторининг ота томон курсаткичларига купрок эътибор берилади. Чукур селекция ишларида шажаранинг 3 ва 4 каторлари хам инобатга олинади.

Ф.Ф. Эйснернинг маълумотларига кура, симментал зотига мансуб булган 18 бош бука кизларнинг сут согими билан опалари(ота томонидан) согим оралигидаги корреляция коэффиценти +0.5, лебедин зотида 0.6 булган, бука кизлари ва ярим опалари сутидаги ёглилик ижобий корреляция (r=0.68) аникланган. “Яхшиловчи” деб тан олинган букалар кучли ирсий кобилиятга эга. Улардан олнган букалар 60-70% холатида “Яхшиловчи” булиб бахоланаган.

Сут ва кушмахсулдор йуналишдаги букаларни махсулдорлиги буйича бахолаш ва танлаш.

Букаларни махсулдорлик сифатлари буйича танлашда усиш кувввати, тирик вазни, экстерери, уруглантириш кобилияти хисобга олинади. Белгилар ирсий даражаси юкори булгани учун катта этибор берилади. Купинча вазни юкори букалардан вазни катта кизлар устирилади. Сигирларнинг тирик вазни ва сут махсулдорлиги ижобий корреляцияда

булади. Шунинг учун букаларни жадал усиш ва вазни катталиги улар кизларининг

жуссани катталиги ва сутининг куплигида акс топиши мумкин. Букачаларни тирик вазни

бахоланганда уларнинг экстерер ва конституцияси хам инобатга олинади.

Букаларнинг авлодининг сифати буйича бахолаш ва танлаш. Сут йуналишидаги корамолчиликда букаларни бахолашда, биринчи навбатда кизларнинг сут махсулдорлиги инобатга олинади. Баъзи Европа мамлакатларида сут ва сут гушт йуналишидаги сигирларида сут махсулдорлигидан ташкари енгил тугиш, пуштдорлиги ва бузокларнинг хаётчанлиги назарда тутилади. Танлашга ажратилган 12-14 ойлик букачалар уригининг сифати бахолангандан сунг, 3-5 хужаликда 80-100 сигир кочирилади. Бу сигирлар махсулдорлиги буйича зот андозаларига мос ва зотдорлиги буйича иккинчи бугиндан паст булмаслиги керак. Букаларнинг кизларининг сути буйича бахолашда куйидаги усуллар ишлатилади: махсулдорлиги буйича кизларининг уз оналари билан таккослаш; кизларнинг тенгдощлари билан ёки бошка бука кизлари билан таккослаш ва хокозо.

Бука кизларини уз оналарини таккослаш узок давр озиклантириш бир хилда булгандагина утказиш мумкин. Бундай таккослаш купрок сутнинг ёглилиги буйича амалга оширилади, чунки озиклантириш бу белгига катта таъсир утказмайди.

Юкорида келтирилган хар икки усулда хам букаларга тугри бахо берилади ва уларнинг категориялари (“яхшиловчи”, “нейтрал” ва “ёмонловчи”) аникланади. Бахоланган букалар бир хужаликда “яхшиловчи”, бир хужаликда “нейтрал” ва бошка хужаликда “ёмонловчи” булиб чикиши мумкин. Бу кизларини тенгдошлари билан таккослашда ва уларнинг устунлигини аниклашда куйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилади:

$$НК = (К - Т) \times В$$

Бунда: НК – буканинг насл киймати; К – кизларининг махсулдорлик курсатгичи; Т- тенгдошларининг махсулдорлик курсатгичи; В - моллар сони буйича тузатиш коэффициенти. Бу коэффициент букаларни

15та кизи буйича бахолашда 0.58 га тугри келади,
25та булганда – 0.70 га,
50та булганда – 0.81 га,
100та булганда – 0.90 га,
300 та булганда – 0.99 га
ва хокозо.

$$НК = ( 4000 – 3800 ) \times 0.81 = 200 \times 0.81 = 162 \text{ кг}$$

Бука кизлари меёрда озиклантирилиши керак, улар 3 бугин ва ундан юкори булиши керак. Букаларнинг насл сифати кизларининг экстерер ва конститутцияси, хамда сут махсулдорлиги билан бахоланади. Энг яхши букаларга насл категориялари берилади. Кизларининг согим микдори буйича А1, А2, А3 ва уларнинг сутидаги ёглилик даражаси буйича В1, В2, В3 категориялари.

### 3. Сигирларни бахолаш ва танлаш.

Наслдор сигирлар согимлиги, юкори махсулдорлиги ва конституциясининг мустахкамлиги билан таърифланади. Сигирлар истеъмол килган озикаларга сут билан бериши, машина согимига мослиги, хамда узларининг сифат белгиларининг авлодларига утказиш кобилият хам инобатга олнади. Сут ва кушмахсулдор сигирларни бахолаш сут микдори, сутдаги ёг ва оксилнинг микдори ва катор согимларда энг юкори лактация курсаткичлари инобатга олинади. Биринчи уч лактация уртача курсаткичларига караб бахолаш анча аник хисобланади.

С.А. Рузский ушбу курсаткич билан хаёти давомида берган сути уртасида ижобий корреляция борлигини аниклаган (согим буйича r=+0,82+0,91, ёг микдори буйича +0,82+0,98) .

Сигирларни хаёти давомида берган сути буйича бахолаш мухим ахамиятга эга.

Сигирларни бахолаш ва танлашда уларнинг экстерери ва конституциялари хам бахоланади. Сигирлар экстерери ва конституцияси зот андозасига мос келиши керак.

Елин индекси 40% кам булган сигирларда бекор согиш давомийлиги 2,5-2,6 мин, у 45% ва ундан юкори булганда атиги 0,6-0,7 мин булади. Биринчи гурухда сигирлар елинининг касалланиши 13-14% булганда, 2 гурухда 4-7% булади.

Сигирларнинг тулик согиб олиниши ва сут бериш тезлигим косасимон елинли сигирларда «эчки елинли» сигирларга нисбатан анча юкори.

Елин сургичлари бир хил катталикда, уртача узунликда ва цилиндрсимон шаклда булиши талаб этилади. Яхши сут бериш тезлиги 1 минутда 2,5 кг, уртача 1,5-1,8 кг ва коникарсиз 1 кг дан камлиги аникланган.

Сигирларни бахолашда уларнинг пуштдорлиги хамда хаёти давомида берган бузоклар сони олинади. Бу курсаткич куйидаги формула ёрдамида аникланади:

$$\textbf{БК} = \frac{\textbf{T}}{\textbf{Ё} - 2}$$

Бунда: БК- бузок бериш кобилияти; Т-тугимлар сони; Ё- ёши.

Сигир 10 ёшда 7 марта туккан, шунда бузок бериш кобилияти

$$\textbf{БК} = \frac{7}{10 - 2} = 0.875 \textbf{ тенг.}$$

Сигирларни бахолашда тугим оралигини мухим ахамият касб этади, у 365 кунга тенг булиши керак, ёки хар йили биттадан бузок олиш керак. 10 ёшга кирган сигир 8 марта тугиб шунча бузок бериши керак.

Сут корамолчилигида сигирларни авлодлари буйича бахолаш ва танлаш мумкин. Ривожланган мамлакатларда авлодларининг сифати буйича комплекс танлаш усули мавжуд. Ю.А. Григорьев тажрибалари сигирларни авлод сифати буйича бахолашнинг самарадорлиги курсатилган. Бунда МКУХ- сигирларнинг уз авлодига сут махсулдорлигини утказиш кобилиятини уртача хисоби. Сигир кизининг, уз онаси ва холалари хамда отаси оналарининг сут махсулдорлиги хисобга олинади. Хисоблашда хар бир келтирилган мол гурухларига тегишли коэффициентлар ишлатилади.

МНК – сут махсулдорлигини наслга бериш кобилияти. Бу куйидаги формула ёрдамида топилади:

Бунда, А- зотнинг андозаси; n- бахоланадиган моллар сони(сигир, унинг кизлари); R- бахоланадиган сигир ва карindoшларининг уртача махсулдорлиги.

$$\textbf{МНК} = \frac{\textbf{A}}{\textbf{n} + 1} + \frac{\textbf{n}}{\textbf{n} - 1} \times \textbf{R}$$

**Наслдор букалар берадиган сигирларни танлаш**.

Подаларни такомиллаштиришда уларнинг насл ва махсулдорлик белгиларини кутаришда сигирларни танлаш алохида урин тутади.

Асл сигирларни ажратиш ва уларни асл букалар билан жуфтлаш жуда мухимдир. Чунки «буюртма» жуфтлашдан олинган наслдор букалар кенг микёсда селекциянинг сунъий уруглантириш усулидан фойдаланилганда, катта микёсда кутилган самарани беради.

Наслдор букалар олиш учун мулжалланган сигирларда куйидаги селекцион белгилари инобатга олинади: яхши ирсий асосга эга булиши, серсутлик, серёглилик ва юкори оксиллик, зотга мансуб тана тузилиши ва вазнга эга булиш, елин шакли, хажми ва унинг функционал хусусиятлари талаб даражасида ривожланганлиги ва хоказолар. Сигирларни уз махсулдорлигидан ташкари уларнинг оналари махсулдорлиги ва оталарининг насл сифатлари хам хисобга олинади.

Шундай килиб, наслдор букалар берадиган гурухга ажратиладиган сигирлар юкори махсулдорлик ва насл хусусиятларига эга булган, зот хилига мос хамда машхур бука тизими ва сигир оилаларидан келиб чиккан булиши керак.

**Серсут сигирларни келиб чикиши ва биринчи тугим сут махсулдорлигига караб бахолаш.**

Сут йуналишидаги корамолчиликда сигирларнинг онасининг махсулдорлиги ва экстерерига караб хамда наслдор букаларнинг сифатини хисобга олган холда танлашга асосланган. Шу билан биргаликда хужаликлар амалиёти натижаларига кура, биринчи туккан сигирларни махсулдорлигига караб бахолаш сигирларни танлаш самарадорлигини янада оширади. Сигирларни биринчи лактация буйича бахолаш бир неча авлодларда узлуксиз олиб борилса, танлашнинг самарадорлиги янада мустахкамланади.

Биринчи лактация буйича танлаб олинган сигирлар сут махсулдолигининг пода уртача курсаткичига нисбатан купайиши кейинги согимлар давомида кузатилади.

**4.** Гуштдор корамолчиликда букаларни уз махсулдорлиги буйича бахолаш алохида урин тутади. Чунки букалар ва авлодларнинг вазн усиши жадаллиги хамсда уртача кунлик усиш даражаси юкори ижобий корреляция (r= +0,7 ва + 0,9) курсаткичлари билант характерланади. Юкори усиш курсаткичлари билан характерланади. Юкори усиш курсаткичларига эга булган букалардан хамма вакт хам жадал усадиган авлод олинади. Зотдор зотли букачалар биринчи марта онасидан ажратилганда(6-8 ойлигида) уз махсулдолиги буйича назорат бокишга куйилади. Бу тадбир букахона ёки станцияда ташкил килинади. Назорат бокими букачаларнинг 8-13 ойлиги даврида 150 кун давомида утказилади. Бу даврда уларнинг озиклантиришг меёри 1200-1300 г вазн кушилиши мулжалланади ва бу тадбир тулик амалга оширилади.назорат бокими якунида букачалар куйидаги курсаткичлари буйича бахоланади: мутлок ва уртача кунлик усиш; 1 кг усишга сарфланган озикалар харажати; тирик вазни, экстерери ва гуштдорлик шакли.

Гуштдор зотли букалар танлашнинг биринчи боскичида уз махсулдорлиги буйича, иккинчи боскичида эса авлодларининг гуштдорлик сифатлари буйича бахоланади. Бунда хар бир синовда булган букалардан камида 10 бошдан угиллари бокиш синовига куйилади. Улар 8-15 ойлиги давомида, яъни 210 кун назорат бокимида булади. Букачалар потенциал усиш имкониятини руёбга чикариш учун меёрдаги озиклантириш ва саклаш шароитлари яратилиб берилади. Улар назоратининг якунида уз махсулдорликлари буйича бахоланади. Кушимча равишда гуштнинг вазни ва сифатини бахолаш учун 15 ойлик букачалардан камида 3 боши назорат суйимидан утказилади. Сунгра авлодининг сифати буйича танланадиган букалар куйдаги курсаткичлари буйича бахоланади: авлодининг усиш ва бурдокилашни жадалиги; бир кг семиришга сарфланган озикалар харажати; авлоднинг 15 ойлигида тирик вазни, суйим вазни, суйим чикими; гушт нимталарининг мускул тукималари билан тулишганлиги ва ларнинг устки кисмида ёг тукималарининг тупланиши хамда тана буйлаб таркалганлиги ва хокозо. Авлоднинг комплекс курсатгичлари буйича юкори даражада бахоланган букалардан наслчилик- селекция ишларида самарали фойдаланилади.

Хар бир наслчилик заводида  гуштдор зотли букалар уз махсулдорлиги буйича назорат бокими асосида бахоланади. Букалар ургочи авлодларининг пуштдорлиги, сут дорлиги хамда бузокларининг хаётчанлиги, шамоллаш ва ичак касалликларига чидамлилиги учинчи боскичдаги бахолаш курсатгичларига киради. Наслчилик заводларида букаларни юкорида келтирилган уч боскичли танловдан утказиш селекция самарадорлиги оширади, подалар ап зотни такомиллаштиришга имкон беради.

**Гушдор зотли сигирларни бахолаш ва танлаш**

Гушдор зотли сигирларни танлаш асосий эътибор тананинг мутаносиб тузилиши, зот белгилари ва хилини яккол ифодаланишига каратилади. Сигирларниг танаси кенг, мускуллар билан тулишган, суяклари  мустахкам булиши керак. Жумладан ягрини кенг, сергушт, кукраги кенг ва чукур; елкаси, бели ва думгазаси тугри; оркаси яхши ривожланган, оёклари тугри куйилган булиб туёклари мустахкам, териси буш эгилувчан ва майин жунлар билан копланган булишлиги  эътиборга олинади. Тирик вазн хам мухим ахамиятга эга.

Гушдор сигирларнинг сутдорлиги, соглом ва хаётчан бузок беришлиги ва айникса уларнинг  пуштдорлиги юкори селекцион белги хисобланади. Сигирларнинг сутдорлик даражаси   уларнинг бузокларини сутдан чикиш якунидаги ( 7 – 8 ойлигида ) тирик вазни билан белгиланади. Сигирларнинг пуштдорлик хусусияти, бузок бериш кобилияти ва бузокларнинг хаётчанлиги зоотехния ва ветеринария хисобот маълумотлари асосида аникланади.

**5.** Препотентность сузи рус тилидан олинган булиб,  бука ва  сигирларнинг юкори махсулдорлик хамда насл сифатларини уз авлодига тулик утказишдаги ирсий  кобилияти тушунилади. Бу курсатгич, айникса, кенг микёсли селекция ишлатиладиган букалар учун жуда мухимдир. Моллар микдор курсатгичлари ирсияти оралик характерга эга. Шунга асосланиб, наслчилик самарадорлигини олдиндан аниклаш, насл киймат индекси, ирсиятни аниклаш усуллари ишлаб чикилган. Молларни препотентлиги буйича бахолашда куйдаги курсаткичлар инобатга олинади: она- кизи курсаткичларининг узаро корреляцияси; авлоднинг бир хиллиги; авлоди ва уларнинг оналари курсаткичларининг узаро корреляцияси, бир канча авлодлар каторидаги белгиларнинг ирсий даражаси, махсулдорлиги буйича авлоднинг уз тенгдошларидан устунлиги ва хокозолар. А.С.Рузский маълумотларига кура, она ва киз уртасидаги селекцион белгилар корреляциясининг пасайиши буканинг уз авлодидаги курсатган таъсирининг кучли эканлигидан дарак беради.

Бу эса буканинг юкори препотентлигига эга эканлигига дарак беради.

Селекция ишларида букалар ва сигирлар препотентлигидан самарали фойдаланилади. Препотентлик «Яхшиловчи», «Консерватив» ва «Ёмонловчи» булиши мумкин. Селекция аммалиётида «Яхшиловчи» препотентлик купрок кизикиш уйготади. А.А. Кравченко препотентликни хисоблашда куйидаги формулани тавсия этган:

$$\text{П} = \frac{\text{МК} \times 100}{\text{Ж К}}$$

бунда , МК- уз она белгиларидан устун келган махсулдор кизлари; П- препотентлик; ЖК- жами кизлар  сони.

Бу формула маълум селекцион курсаткичлар (сутнинг микдори, ёглилиги, оксил микдори ) буйича уз оналаридан устун келган бука кизларнинг жами кизларига нисбати билан ифодаланади.

Наслчилик селекция ишларида молларнинг препотентлик хусусиятларини аниклаш ва улардан микёсли селекцияда фойдаланиш подадаги моллар ирсий хусусиятларини кучайтиради, препотентли моллар салмоги ошади, подп ва зотнинг махсулдорлиг кутарилади ва уларни жадал такомиллаштиришга эришилади.

**6.** Бонитировка наслчилик заводи, хужалиги, фермаси хамда наслчилик фермер хужаликлаида хар йили молларни бахолаш, гурухларга ажратиш, наслчилик режаларини мулжаллаш, саралаш натижаларини аниклаш хамда жуфтлаш хилларини тузиш буйича утказиладиган чора-тадбир хисобланади. Уни утказишда молларнинг зотдорлиги, келиб чикиши, махсулдорлиги, усиш ва улгайиши, экстерери ва конституцияси, авлоднинг сифати, уларнигн пушдорлиг ва хокозо белгилари комплекс бахоланади. Шунга асосан, моллар элита-рекорд, элита I ва II классизларга ажратилади. Наслдор букаларнинг комплекс классларини аниклашда уларнинг келиб чикиши, экстерери ва конституцияси ва наслдорлик сифатлари хисобга олинади.

Сигирларнинг насл гурухи. Насл гурухига ажратилган сигирлар сони подадаги моллар сонининг усиш режасига караб белгиланади. Бу гурухга соглом, зот андозаси талабларига жавоб берадиган, наслдор ва подани тиклашга мулжалланган, яхши ривожланган сигирлар киради. Улар каторига биринчи навбатта рекордчи ва давлат наслчилик китобларига ёзилган сигирлар киритилади.

Сигирлар подасининг тамирловчи наслдор ёш моллар гурухи. Наслдор ёш молларга талаб олдиндан белгиланиб олинади. Сигирлар подасини тулдиришни келиб чикиши, махсулдор, яхши ривожланган ва наслдор ота-онадан олинган ургочи ёш моллар ажратилади.

Саралаш жуфтлаш режаси. Хар бир наслчилик хужалиги, ферма ёки фермер хужалиги учун жуфтлаш режаси тузилади. Унда молларнинг наслдорлик ва махсулдорлик белгиларини яхшилаш инобатга олинади.

$$\text{Пц} = (\text{Д} - \text{С}) \times \text{а}$$

$$\text{Вс} = \frac{\text{О}}{\text{В} - 2}$$

Подани тиклаш қобиляти.
**О**- туғимлар сони.
**В**- ёши.

$$\text{ETA} = \frac{A}{n+1} + \frac{n}{n-1} \times R$$

**ETA** – сут маҳсулдорлиги авлодга ўтказиш қобиляти.
**A** - зотнинг ўртача кўрсаткичи.
**n**- баҳоланаётган ҳайвонлар сони.
**R**- баҳоланаётган сигир ва қариндошларининг ўртача маҳсулдорлиги.

**Назорат саволлар:**

1. Танлашнинг аҳамияти.
2. Танлаш хиллари.
3. Танлаш усуллари.
4. Ёш қорамолларни танлаш.
5. Сигирларни танлаш.
6. Буқаларни танлаш.

7. Танлаш самараси.

## Мавзу: Корамолчиликда жуфтлаш

**Режа :**

1. **Жуфтлашнинг ахамияти**
2. **Жуфтлаш хиллари**
3. **Жуфтлаш усуллари**

**Қўшимча адабиётлар:**

1. Собиров П.С, Қохоров А, Дўсқулов С. “Чорва молларини урчитиш”. Тошкент. 2003.

**Таянч иборалари:**

**Жуфтлаш, гомоген, гетероген, якка, гуруҳлаб, якка гуруҳлаб, соф зотли, чатиштириш, дурагайлаш, қариндош урчитиш.**

**1.** Жуфтлаш наслчилик ишларини мухим тадбири хисобланади.

Жуфтлаш - бу белгиланган режага асосан, ота-оналарининг юкори белги ва хусусиятларини узини мужасамлаштирадиган янги авлод олиш максадида бука хамда сигирларни узоро жуфтлайдилар. Жуфтлаш туги танланганда молларнинг селекцион белгилари мустахкамланади ва янада ривожлантирилади. Жуфтлашнинг самарадорлиги унда иштирок этган молларнинг ирсий ва сифат курсатгичларига боглик. Чорвачилик амалиётидан маълумки, бука юкори ирсий хусусияти подадаги ургочи моллар ирсий курсатгичларига мос келганда юкори самара беради. Жуфтлашнинг муоффакиятли чикиши учун, жуфтланадиган молларнинг максадга лойик хилин аниклаб олиш талаб этилади. Бундай хилдаги молларни мавжуд экалогик хужалик шароитида урчитишга энг кулай юкори иктисодий самара бериши керак.

Жуфтлаш йуналишини белгилаб олишдан олдин подп ва зотнинг таркибий тузулиши хар бир молнинг келиб чикиши урганилади. Уни ташкил килиш жараёнида молларнинг энг юкори танланган селекцион белгилари ва хусусиятлари эътиборга олинади. Жумладан, сут йуналишидаги корамолчиликда сигирларнинг сутининг микдори, сутдаги ёг ва оксил нисбати, машина согимига яроклилиги ва бошкалар. Гуштдор корамолчиликда эса тез етилувчанликка, тирик вазнга, тана тузилишига, озика харажатларини вазн ортиши билан копланишига ва хоказоларга каралади.

Жуфтлаш самарадорлигини оширишда бир хил селекцион белгилари буйича бир неча йил давомида бир хилликда булган авлодларда жуфтлаш ишларини олиб бориш мухим ахамиятгат эга. Саралаш омилларидан энг асосийси ота-оналарга хос булган селекцион белгилари янада мустахкамлаш ва мавжуд булган камчиликларни йукотишдир. Бу борада йуналишига хос булган ва унда тугри ишлатилаётган рекордчи ва машхур молларнинг энг яхши ва янги хусусиятларини букалар тизимига, подага ва зотгаи утказишга харакат килинади.

Наслдор «яхшиловчи» бука подага узининг бекиёс таъсирини утказади. Шунинг учун хам жуфтлаштиришда катнашадиган букалар узларининг селекцион белгилари билан она моллардан юкори булиши керак. Жорий саралаш ишларини ташкиль этишда утган йили жуфтлаш натижасида, олинган авлоднинг сифат курсаткичлари, тизим ва оилаларни

жуфтлашда бир бирига мос келиши хамда жуфтланаётган моллар шажараси инобатга олинади. Бунда бука ва сигирларнинг узаро кариндошлик богланишини бошкариб бориш керак. Селекция максадларига караб жуфтлашда якин, урта, узок ва кариндош булмаган жуфтлаш кулланилади. Жумладан, якин кариндош жуфтлаш факат наслчилик заводларида айрим холларда ишлатилади. Одми хужаликларида бу тадбирга умуман йул куйилмайди. Хужаликлар амалиётида уларнинг насл категорияларига караб, хар хил шаклдаги саралаш ишлари олиб борилади. Индивидуал, гурухлаб ва индивидуал – гурухлаб саралаш хиллари кулланилади.

**2. Индивидуал саралаш**. Бу усул наслчилик хужаликларида кулланилади. Хар бир сигирга алохида бука беркитилади. Бунда уларнинг кайси тизим ва хилга хос булишлиги хисобга олинади. Саралашни амалга оширишда хар кайси молнинг индивидуал хусусиятлари, келиб чикиши, экстерери ва махсулдорлигини билиш талаб этилади. Унда утган йилги жуфтлашнинг ижобий натижалари ва букалар авлоднинг сифатини инобатга олган холда ишни ташкил килиш мумкин. Индивидуал саралаш наслдор ва махсулдор булган сигирларда хамда биринчи навбатда «буюртма» жуфтлашда наслдор букачалар берадиган сигирлар гурухида ташкил этилади. Бу саралаш усулини соф зотли ва чатиштиришда куллаш мумкин. Жуфтлаш молларнинг белги ва хусусиятларини эътиборга олган холда икки хилга ажратилади.

**Индивидуал-гурухлаб** саралаш бу купрок наслчилик фермаларида ва товар хужаликларида кулланилади. Бунда маълум гурух ургочи хайвонларга мос булган бука беркитилади, унинг максади олинадиган авлодни янада такомиллаштиришни назарда тутади.

**Гурухлаб саралаш** – бу усул асосан товар хужаликларида, наслчилик ишининг дастлабки даврларида кулланилади. Бунда албатта букалар белги, хусусият ва махсулдорлигини ургочи хайвонлардан устунлигига эътибор берилади. Иложи борича пододаги сигир ва ургочи таналарнинг асосий курсаткичлари ва уларнинг кайсилари такомиллаштиришни эътиборга олиш фойдадан холи эмас.

**3. Гомоген саралаш** – бир хил белгиларга эга булган молларни жуфтлаш тушунилади. Бу саралашда молларнинг тана тузилиши, махсулдорлик даражаси ва йуналиши хамда уларнинг келиб чикиши бир – бирига жуда ухшаш булиши керак. Бундай ухшашлик жуфтлашдан олинган аждодларнинг белгиларини саклаб колиш хамда максадга мувофик булган моллар сонини купайтириш, махсулдорлигини кутариш ва жуфтлашда катнашадиган ота-онага нисбатан янада сермахсул булган авлод олишга харакат килинади.

Гомоген саралашда подада янада мустахкам ирсиятга эришилади, зотнинг завод константлиги(мукимлиги) ошади. Агарда жуфтланган молларнинг бир йула фенотип ва генотипи аникланиб, сунгра жуфтлаштирилса, унда юкори ижобий самарага эришилади.

Гомоген саралаш селекцион белгиларни ривожланганлиги ва генетик ухшашлик буйича амалга оширилади. Молларнинг ишлаб чикариш хилларини шакллантиришда ижобий таъсир курсатади. Жумладан, А.П.Солдатов швиц зоти устида олиб борган наслчилик ишида гомоген саралашдан олинган кизларида серсутли хилида булганлари 81,4% ташкил килган.

Улар узларининг сут махсулдорлиги билан бошкача саралаш хилларидан олинган молларига нисбатан юкори булган. Саралашда селекцион белгиларининг ирсий даражаси гетерогенли саралашга нисбатан 1,5-2 баробар кучли булади. Лекин гомоген саралашни узок вакт куллаш моллар конституциясининг нозиклашишига хамда махсулдорлигини пасайишига сабаб булиши мумкин. Шу боисдан унинг олдини олиш чораларини куриш керак.

Гомоген саралашнинг самарадорлиги купчилик холатда ташки шароитларга боглик булади. Яъни, моллар ва улардан олнган авлодлар меъёри даражасида булмаган озиклантириш ва саклаш шароитида булиши гомоген жуфтлашдан ижобий натижалар кутиб булмайди. Шунинг учун гомогенли саралашнинг самарадорлигини оширишда улардан олинган ёш авлодларни юкори парвариш даражасида, гунажин ва сигирларга туйимли озиклантириш ва яхши саклаш шароитларини ташкил этиш талаб этилади.

**Гетероген саралаш** – хар хил тана тузилишига ва махсулдорликка эга булган молларни жуфтлаш тушунилади. Гетероген жуфтлаш олинадиган авлодда гетерозиготаликни ошишига олиб келади. Гетероген саралашда олинадиган авлодда ота-оналари хамда ундан олдин утган аждодларининг селекцион белгиларини янада кучайтириш максадида хар хил ижобий селекцион курсаткичларга эга булган моллар жуфтланади. Соф зотли завод усулида урчитишда гетероген саралаш генетик ухшашликка эга булган букаларнинг тизимлараро урчитишда уларнинг «кроссида» фойдаланилади.

Саралаш чоги молларнинг гетероген хар хил зотга мансуб булган молларни чатиштиришда, махсулдор моллар хили, подалари хамда янги зотлар яратишда яккол намоён булади. Жумладан, Германия ва Венгрияда кора-ола молларини аввал жерсей ва сунг голштин зоти билан чатиштириш натижасида серсут, серёгли, машина согимига ярокли булган сут йуналишидаги корамоллар подаси яратилган.

**Назорат саволлари:**

1. Жуфтлашнинг таърифи.
2. Гомоген жуфтлаш.
3. Гетероген жуфтлаш.
4. Якка жуфтлаш.
5. Гуруҳлаб жуфлаш.
6. Якка гуруҳлаб жуфтлаш.
7. Қариндош урчитиш.

# Мавзу: Наслчилик ишларини режалаштириш.

**Режа:**

1. Наслчилик хужаликларда наслчилик ишларини ташкил килиш.
2. Ширкат ва фермер хужаликларида наслчилик иши.
3. Зот буйича наслчилик иши.

**Қўшимча адабиётлар:**

1. Эрнст Л.К. Скотоводсто. М. Колос. 1984.

**Таянч иборалар:**

Режа, наслчилик, хўжалик, фермер, дехқон, шахсий ёрдамчи хўжалик, наслчилик корхоналари, оддий хўжаликлар, наслчилик ишлари турлари, режалашириш муддатлари, хўжалик таърифи, пода таърифи, генеологик тасвир, озиқлантириш, зот, зот таркиби, зот режаси, зот кенгаши.

1. Наслчилик хужаликларида молларнинг махсулдорлигини ошириш ва насл сифатларини яхшилашга куплаб наслдор бузоклар олиш ва уларни режалаштирилган

парваришлаш технологияси асосида хамда аник ташкил килинган наслчилик иши натижасида эришилади. Шунинг учун хам бир подада наслчилик ишлари буйича режа тузиш мухим ахамиятга эга. Наслчилик режалари беш, ун йилга тузилади ва куйдаги кисмлардан ташкил топади: хужаликнинг кискача тавсифи; корамол подасининг таркиби; наслдор ёш корамолларни парваришлаш режаси ва технологияси; сигирларни озиклантириш ва саклаш шароитлари ва меъёрлари; поданинг генеологик тахълили; подадаги наслдор букаларининг тавсифи; режали топшириклар; танлашни режалаштириш; саралашни режалаштириш ва хоказолар.

**Хужаликнинг кискача тавсифи**. Наслчилик ишлари режасининг биринчи кисмида хужаликнинг номланиши, урнашган жойи, табиий иклим шароити, тавсифи, жами ери ва шундан экин майдони, бир неча йил давомида олинган хосилдорлик, яйлов ва утлокларнинг холати молларни озикалар билан таъминланганлиги ва хоказо курсаткичлар.Шу билан бирга хамма турдаги молларнинг сони, сотиладиган чорвачилик махсулотларининг тури ва микдори, чорвачилик бинолари билан таъминланиши, поданинг ветеринария-санитария холати, технологик жараёнлари механизациялаш, кадрлар билан таъминланганлик, наслчилик ишининг ахволи курсатилади.Наслчилик ишининг тарихи, танлаш ва саралаш натижалари келтирилади. Наслдор букалар ва уларни подага таъсири. Хужалик сохаларининг холати ва ривожланиши истикболари берилади.

**Корамол подасининг тавсифи**. Бу кисмда поданинг комплекс селекцион белгилари буйича сон ва сифат курсаткичларининг тавсифи берилади. Поданинг таркиби тугрисидаги маълумотлар молларнинг жинси, ёши, авлодлари буйича зотдорлиги курсатилади. Сигирларнинг вазни, 305 кунлик сути, сутнинг ёги ва оксиллиги кейинги 5 йиллик маълумотлар келтирилади.

**Наслдор ёш молларни парваришлаш**. Селекция режасининг бу кисмида ёш молларнингтжинси ва ёшига караб (тугилганда 6, 12, 18 ва 24 ойлигида) тирик вазни келтирилади. Бунда ёш молларнинг вазн усиш тезлиги зот андозаси талабларига жавоб бериши керак.Ёш молларни парваришлаш ва танлаш хусусиятлари, парваришланган ва сотилган ёш молларнинг сони, уларнинг класси ва кайси хужаликларга сотилганлиги курсатилади.

**Сигирларни озиклантириш ва саклаш**. Бу кисмда утган йиллар буйича молларни киш ва ёзда озиклантиритш, саклаш шароитлари хамда бугоз сигирларнинг озиклантириш рационлари тугрисидаги маълумотлар келтирилади.

**Поданинг генеологик тахлили**. Наслчилик ёзувлари, бонитировка ва наслчилик китоблари маълумотларига асосланиб, молларнинг генеологик(келиб чикиши буйича) шажараси тузилади. Унда молларнинг ёши, жинси ва келиб чикиши хисобга олинган холда уларнинг сони белгиланади хамда моллар подасидаги алохида бука тизимлари, кариндош гурухлари ва сигир оилалари салмоги берилади. Бундай гурухларни аниклаш учун генеологик схема тузилади. Унда айрим молларнинг узаро кариндошлик богланишлари, махсулдорлиги ва экстерер хусусиятлари келтирилади.

**Подадаги наслдор букаларларнинг тавсифи**. Подадаги хар хил наслдор букага уларнинг зотдорлиги, келиб чикиши, конституцияси, экстерери, тирик вазни ва авлоднинг сифати буйича тавсиф берилади. Бунда буканинг кандай саралаш усуллари хамда якин кариндошликка булган моллар сифати буйича бахолаш айникса, мухим ахамиятга эга.

**Режали топшириклар**. Подани такомиллаштириш буйича режали топшириклар белгиланиб олинади. Бу топшириклар хар йил ва давр охири учун режалаштирилади. Биринчи навбатда подада олиб бориладиган наслчилик-селекция ишларининг йуналиши белгиланади. Моллар селекция гурухларининг махсулдорлик курсаткичлари келтирилади.

Авлодлар махсулдорлигини олдиндан белгилашда, улар оналарининг махсулдорлиги ва келиб чикиши буйича танланади. Бундай танлашда куйдаги формуладан фойдаланиш мумкин:

**ОМ= М1+СД2 х $h^2$ + а(К1 – Т)** бунда, ОМ- олдиндан аникланадиган махсулдорлик; СД- селекция дифференциали; М1 – поданинг уртача махсулдорлиги; $h^2$ - ирсий коэффициент; а(К1 – Т) – буканинг насл киймати,(К1) кизларнинг тенгдошларига (Т) нисбатан устунлиги.

**Танлашнинг режалаштириш**. Ёш моллар, бука ва сигирларни танлаб олиш учун тегишли селекцион курсаткичлар белгиланади. Подада энг яхши тизим ва оилалар махсулдорлик ва тана тузилиши буйича режа асосида танланади. Молларни танлашда уларнинг юкори сут махсулдорлиги, конституциясининг мустахкамлиги хамда бошка белгилар ва хусусиятлар ривожланишига эътибор берилади. Бу хусусият ва белгиларга куйидагилар киради: сигирларнинг машинада согишга яроклилиги, озикаларга сут билан жавоб бериши, согиш жараёнига асаб фаолиятининг сезгирлиги, гурухдаги молларнинг камлиги, елин шамоллаши ва бошка касалликларга чидамлилиги, пуштдорлиги ва бузокларнинг хаётчанлиги киради.

**Саралашни режалаштириш**. Подада тизимларни уз ичида урчитиш принципларига риоя килган холда саралаш ишлари ташкил килинади. Тизим ичида саралаш хамда тизимлараро кросслар утказиш белгиланган режа асосида амалга оширилади.

**2.** Ширкат ва фермер нодавлат хужаликлари булиб, узбекистонда к/х борасида утказилган иктисодий ислохатлар даврида шакллантирилди. Хусусий мулкчиликда асосланган хужаликларда наслчилик ишини юритишнинг узига хос хусусиятлари мавжуд. Бу борада ривожланган мамлакатлар фермер хужаликларининг наслчилик ишини ташкил килиш тажрибасини урганиб уни татбик килиш мухим хисобланади.Биринчи навбат хужалик йуналиши, табиий иклим шароити ва иктисодий омиллардан келиб чиккан холда керакли зотларни танлаб олиш. Бу зотлар биринчи навбатда табиий-иклим шароитига мос ва юкори махсулдор булиши шарт. Шунинг учун зотларни туманлаштириш шароитидан келиб чиккан маъкул.

Наслчилик ишларининг самарадорлигини ошириш учун ёш корамоллар ва сигирларни меъёрда озиклантириш ташкил килинади. Шу билан бирга пода таркибини тартибга солиш билан муайян хужаликда сут ва гушт и/ч купайтириш мумкин. Жумладан подада сигирлар вазнини 40-45% етказиш, подани тулдирувчи ургочи тана ва гуножинларни тугри устириш амалга ошириш керак.

Илк бор сигирларни махсулдорлик ва насл сифатларига караб бахолашни ташкил этиш керак.

Ширкат ва фермер хужаликлари сигирларини сунъий уруглантиришда юкори махсулдорлиги «яхшиловчи» букалар уругидан фойдаланилади.

Барча турдаги зоотехния ва наслчилик бирламчи хисоб – китобларини юргазиш.

**3.** Моллар махсулдолигини ошириш зотни такомиллаштириш билан бевосита богликдир. Шунинг учун зот устида наслчилик ишини тугри ташкил этиш назарий ва амалий ахамиятга эга. Келгусида зотни такомиллаштиришдаги зоотехникавий узаро мувофиклаш тадбири булиб, минтакалар ва зот буйича наслчилик ишининг истикбол режаси хизмат килади. Режа 10 йилга тузилади. Ушбу режани тузишда наслчилик заводи, наслчилик буйича республика идоралари, ИТИ ва олий укув юртлари катнашади.

**Зот устидаги наслчилик ишининг холати**. Бу кисмида зотнинг келиб чикиш тарахи, яратиш усуллари ва унда хизмат килган букалар курсатилади. Шунингдек, етук наслчилик хужаликлари подаларининг ташкил этилиши тарифланади. Наслчилик заводлари ва наслчилик хужаликларда урчитилаётган шу зотли молларнинг сони ва жамики подада соф зотли молларнинг микдори келтирилади. Зотни таркалиш минтакалари харитаси илова килинади.

- Наслчилик хужаликларида молларни саклаш ва озиклантириш шароитлари.

- Поданинг зотдорлик ва махсулдорлик сифатларининг кискача тахлили.

- Подани такрор ишлаб чикариш ва ёш молларни парваришлаш.

- Зотнинг генеологик тузилиши.

- Сунъий уруглантириш станциясида ишлатиладиган букалар тавсифи.

- Зотнинг насл ва махсулдорлик сифатларини такомиллаштириши буйича тадбирлар.

- Бука тизимларини, сигир оилалари ва кариндош гурухлари буйича наслчилик ишини режалаштириш.

- Наслдор ёш молларни парваришлаш ва улардан фойдаланиш режалари.

- Наслчилик корхоналари ва сунъий уруглантириш станцияларини наслдор букалар билан тулдириш хамда букаларни авлодининг сифати буйича текширишни ташкил этиш.

- Зот буйича кенгаш.

**Назорат саволлар:**

1. Наслчилик ишини режалаштиришнинг аҳамияти.
2. Наслчилик хўжаликларида наслчилик ишлари.
3. Фермер ва дехқон хўжаликларида наслчилик ишларини режалаштириш.
4. Наслчилик режаси ва унинг бандлари.
5. Истиқболли режалар.
6. Зот таркиби.
7. Зотни такомиллаштириш режаси.
8. Зот бўйича кенгаш.

## Мавзу: Подани такрор ишлаб чикариш.

**Режа:**

1. Подани такрор ишлаб чикаришнинг ахамияти.
2. Корамолчиликда пода таркиби.
3. Жинсий ва жисмоний балогат ёши.
4. Купайишнинг узига хос хусусиятлари.
5. Хомилани кучириб утказиш.

**Кушимча адабиётлар:**

1. Содержание, кормление и важнейшие ветеринарные вопросы при разведении голштино-фризской породы скота.

Агрота, Венгрия, 1994 год.

**Таянч иборалар:**

Пода таркиби, ёш ва жинс гуруҳлари, жинсий цикл, куюкиш, қочириш, жинсий ва жисмоний балоғат ёши, хўжаликда фойдаланиш, қисирлик, қисирликка қарши кураш.

Подани такрор ишлаб чикариш корамолчиликда энг долзарб муаммо хисобланади, ёки соха такдири шу масаланинг ечимига боглик.

Сигирлардан сут ва бузокни устириб гушт ишлаб чикариш учун сигир бугоз булиб тугиши керак, бу эса энг мураккаб, масъулиятли тадбир хисобланади, чунки у куплаб биологик, ташкилий омиллар билан чамбарчас боглик.

Хар бир сигир бир йилда битта ва гунажин бузок бериши шарт. Шу боисдан хужаликда хар бир сигир ва гунажин хисоб-китобда булиши шарт, эътиборсигир ва таналар жинсий фаолиятини билмаслик, ёки менсимаслик куплаб сигирларни кисир колиши ва ургочи таналарни кочирилмаслигига сабаб булади.

Афсуски кейинги 10 йилда бу масала ечилмай келаётир ёки республикамизда хар 100 бош сигирдан 30-50 бош бузок олинмокда. Бу дегани хар бир кисир колган сигирдан 2000 кг дан 2 млн. тонна сут ва 500 минг букачадан 200 минг тонна кушимча гушт ишлаб чикариш имконини берар эди, бу эса республика чорвачилигига 3 млд. сум сутдан ва 10 млд. сум гуштдан кушимча даромад олиш имкониятидан махрум килмокда.

Хар бир кисир сигир ва кочмаган ургочи тананинг бир кунлик харажати 500-800 сумни ташкил этади,юкоридагиларни инобатга олиб хар бир мутахассис ва фермернинг вазифаси фермада бирорта кисир сигир ва ёши етиб кочмаган ургочи танани колдирмаслик керак.

**2**. Пода таркиби подадаги турли жинс ва ёшдаги хайвонларнинг нисбатига айтилади:

Корамолчиликда куйдаги гурухлар ажратилади:

1. Букалар
2. Сигирлар
3. Гунажинлар
4. 2 ёшдан катта ургочи таналар
5. 1 ёшдан катта 2 ёшгача ургочи таналар
6. 1 ёшдан 2 ёшгача эркак таналар
7. Жорий йилда тугилган бузоклар
8. Бурдокилар.

Пода таркиби хужаликнинг йуналиши ва куйилган максадга караб фарк килади.

Сут йуналишидаги фермер хужаликларида сигирлар нисбати 46-50% булгани максадга мувофик булади.

Гунажинлар 18-20%, 2 ёшдан катта таналар 20-25 %, 1-2 ёшдаги таналар 25-30% булиши керак.

Ихтисослашган сутчилик хужаликларида сигирлар нисбати 70-80% булиб, янги тугилган ургочи ва эркак бузоклар ихтисослашган хужаликларга жунатилади.

**3.** ургочи бузокларда 6-7, эркак бузокларда эса 7-8 ойлигида жинсий балогат кузатилади, ёки уларда жинсий фаолият бошланади. Шу даврга келиб ургочи бузокларда куюкиш ва тухумдонда тухум хужайраси етилади, эркак бузокларда эса уругдонда уруг етилиб кочириш кобилиятига эга булади, шунинг учун 6-7 ойлик эркак ва ургочи бузокларни ажратиб саклаш керак, акс холда кутилмаган бугозликларга эга булиши мумкин, кайсики максадга мувофик эмас. Чунки хали хайвонлар танаси меъёрда етилмаган, ёки бугоз булиши учун тана тайёр эмас. Бундай пайтда кочиб колган ургочи таналар усиш ва ривожланишдан колади, сигирлар кичик, бугози кам тош босади, кам махсул булади ва купинча подадан чикарилади. Шу пайтда эркак бузоклар ва таналарнинг уруги хам тулаконли булмайди.

Шунинг учун жисмоний балогат ёшини кутиш керак. Бу даврга келиб тана жисмонан етилиб, жинсий фаолият хам мухимлашади, тана хомила кутаришга тайёр булади. Шу даврга келиб ургочи таналар ёши 16-18 ойлик, тирик вазни йирик зотларда 350-360 кг, кичик зотларда эса 320-340 кг ни ташкил этади.

Букачаларда бу курсаткич 13-14 ойлик даврда, вазни 500-550 кг да амалга оширилади.

**4.** Корамолларда купайишнинг узига хос хусусиятлари мавжуд. Уларда куюкиш йил давомида( полиэкстеричность) такрорланади, шунинг йил давомида уларни тугдириш имконияти мавжуд. Жинсий фаолият даврий булиб 21 кун±3 фолликулалар етилиб чикади. Шу давр 24-36 соат давом этиб куюкиш деб аталади.

Жинсий давр бошкаришни гипоталамо-гипофизар тизим бошкариб туради.

Гипоталамо-гипофизар тизимининг гормонлари булиб окситоцин ва вазопрессин хисобланади.

Гормонлар фолликулалар етилиши тезлаштирилади.

Тухумдондан экстроген ва прогестерон гармонлари ишлаб чикилади. Прогестерон овуляциянинг таъминлайди, худди шундак у жинсий фаолиятга ижобий таъсир этади.

**5**. хомилани кучириб утказиш фан ва техниканинг катта ютуги хисобланади.

Киска муддатда мацхур буа ва сигирлардан купрок авлод олиб, бир хил сермахсул подалар яратиш имкониятини беради.

Таркибий тизими(жадвал)

Хомила кучириб утказишнинг икки хил усули мавжуд:

1. конли усул (жаррохлик усули)
2. консиз усул

**Назорат саволлар:**

1. Пода таркиби.
2. Қорамол гуруҳлари.

3. Жинсий ва жисмоний балоғат ёши.
4. Урғочи таналарни қочириш.
5. Ғунажинларни туғишга тайёрлаш.
6. Қочириш усуллари.
7. Ҳомилани кўчириб ўтказиш.

## Мавзу: Ёш қорамолларни устириш.

**Режа:**

1. Ёш корамолларни устиришнинг назарий асослари.
2. Соглом бузок олиш.
3. Бузокларни профилактория даври.
4. Бузокларни сут даврида устириш.

**Қўшимча адабиётлар.**


1. Акмалхонов Ш.А, Аширов М.Э. “Ёш бузоқларни ўстириш”. Тошкент. 1986.


**Таянч иборалар.**

Буғоз сигир, туғиш, ўғиз сути, профилактория, сут ичириш, энага сигар, бузоқлар гуруҳи, бузоқлар бокси, яйратиш, энага сигир, озиқлантириш ва сут ичириш схемаси.

Корамолларнинг ирсиятдаги сут ва гушт махсулдорлиги факат маъкул ташки мухит шароитлари уларни устириш ва фойдаланиш давомида яратиб берилгандагина руёбга чикади.

Хайвонларда тугилгандан кейин юкори махсулдорлик ва сифатларни шакллантириш хайвонларнинг она корнида ва тугилгандан кейинги ривожланиш конуниятларига буйсиниш керак.

Шахсий ривожланиш конуниятларини ривожланишига Г.А.Шмидт, П.Д.Пшеничный, К.Б.Свечинлар катта хисса кушганлар.

Она корнидаги даври куйидагилардан иборат: муртак, хомила олди ва хомила.

Муртак даври корамолларда 34 кун давом этади. Асосий тана аъзо ва системалари шаклланади.

Хомила олди даврида тукима, аъзо ва системалар яна усади ва хомила шаклланади, ёки янги тугилган бузок киёфаси пайдо булади, ва у 8-15 граммни ташкил этади. Ушбу давр 26 кун булади.

Хомила даври 61 кундан бошланиб бузок тугилганга кадар давом этади. Бу даврда хомила сифат ва микдор жихатдан усади. Айникса хомила вазни охирги 2 ойда жадал усади. Бу даврда кунлик вазн усиши 300-400 граммни ташкил этади. Ёки 5 ой охирида 2-4 кг булган

хомила 7 ойлигида 12-16кг, $9^{1}/2$ 25-40 кг булади. Шундай килиб сунги $2\text{-}2^{1}/2$ ой ичида хомила вазни 13-24 кг, ёки $^{2}/3$ кисмга (тугиладиган бузок вазнига) купаяди.

Тугилгандан кейинги корамоллар хаёти куйидаги даврилардан иборат: янги тугилганлик, сут,жадал усиш ва жинсий балогат, махсулдорликни жадал шаклланиши, фаолиятни гуллаб яшнаши, карилик.

Янги тугилганлик даври жавобгарли давр хисобланади, чунки янги тугилган бузок хали ташки мухит таьсирига тайёр эмас, аъзолар фаолияти тикланади. Янги шароитга бузок 7-10 кунда мослашади. Тезрок угиз сути бериш керак.

Сут даврида асосий озика сут хисобланади. 2-6 ойгача ичириладиган сут микдоридан келиб чикиб давом этади. Озика хазм килиш аъзоларини ривожланиишига караб усимлик озикаларига ургатилади.

Бу даврда усимлик озикаларини истемол килган бузоклар жадал усади ва 10-12 ойлигида жинсий балогат руй беради.

Махсулдорлигини жадал шаклланиши жисмоний балогат ёшидан 1 туккунгача даврини ташкил этади. Бу даврда ёш корамол жадал усади, тугишга тайёрланади, ургочи тана ва гунажинларда елин усади.

Махсулдорлигини гуллаб-яшнаган даврида барча махсулдорлик сифатлари руёбга чикади, энг куп сут махсулдорлиги бузок бериши кузатилади. Сигирларда 1-7 тугим, букаларда 1,5-2 ёшдан 8-10 ёшгача.

Карилик даврида модда алмашинуви сусайиб махсулдорлик камайяди.

Онтогенез жараёнида барча аъзо ва тукималар бир хилда усмайди. Хомила давомида суяклар жадал усиб тугилгандан кейин секинлашади.

Эмбрион даврида най суяклари яхши ривожланиб туккандан кейин ук суяклари яхши ривожланади. Мускул тукимаси 12-14 ойликда жадал усади. Кейинчалик мускул тукимаси синтези камайиб, ёг тукимаси нисбати ортиб боради.

Яхши озиклантириш шароитида сут ва сут-гушт йуналишидаги ёш корамолларда 16-18 ойликкача оксил моддалар ёгга нисбатан купрок хосил булади.

Ёш хайвонларни юкори озиклантириш даражасида бокиш улар танасида эрта семиришни чакириб урчиш кобилиятига салбий таъсир курсатади.

Ёш корамоллар бир даврда усишдан колиши кейинги даврда маълум даражада коплаш хусусиятига эга.

Бунинг сабаби бироз усиш сусайишдан кейин жадал усишга танада мойиллик булади. Сут ва сут-гушт йуналишидаги бузоклар биринчи 2-3 ойлигида 500-600 г усса булади. 6-8 ойлигида жадал устирилган таналарнинг келгуси 6-7 ойлигидаги кунлик усиши 400-500 г булса кифоя. А.Гансон тажрибалари (Швеция) 10 ойликкача жадал, кейин уртача.

Подани тулдириш учун таналар турли жадалликда устириш мумкин.

Ёш корамолларни устиришда озиклантириш типи мухим ахамият касб этади.

Ёш корамоллар усиш ва ривожланиши саклаш шароитлари таъсир килади. 10-12$^{o}$С харорат ва 75-80% нисбий намлик меёр хисобланади.

2. Хомиланинг она корнида меёрда усишига она танасининг тайёрлиги хамда эркак ва ургочи жинсий хужайраларнинг сифатига боглик.

Айникса бугоз сигирларни озиклантириш бош мезон хисобланади.

Сигирларни кочириш даврида ва бугозликни бошида тенглаштирилмаган рационларда бокиш жараёнга салбий таъсир курсатади.

Бугоз сигирлар рационига сифатли пичан, силос, илдизмева ва кам микдорда ем кифоя.

Хомиланинг яхши усишига моулон ижобий таъсир курсатади.

3. Сигирларни тугиш ва бузокларнинг 10-15 кун яшаши учун тугрукхона билан профилактория курилади.

Бузок тугилиб дам олгандан кейин, 1-1½ соат давомида дастлабки сут ичишини таъминлаш керак. Бунда йирик бузокларга 2 кг, кичикларига 0,75-1кг сут ичирилади. Кейинги кунларда профилакторияда бузокларга сут беришни тана вазнинг $^1/5$ - $^1/4$ кисмида бериш мумкин.

Янги тугилган бузокларнинг резистентлигини ошириш максадида витаминли препаратлардан фойдалинилади.

Бузоклар янги тугилганда уларнинг танасида терморегуляция тулик шаклланмаган булади, шунинг учун саклаш шароитларига каттик талаб куйилади. Бузокларга тинчлик ва узок ухлаш керак, шунинг учунларга иссик ётиш жойлари булиши керак.

4. Бузокларнинг сут даврида уларнигн ошкозон-ичак тузилишини инобатга олган холда озиклантирилади. Озиклантириш бакувват, максадга мувофик махсулдорликда устирилиши керак. Шу боисдан подани тулдириш учун мулжаланган таналар ва гушт учун устирилаётганёш корамолларга турли даража ва типдаги рационлар фойдалинилади.

Сут ва сут-гушт йуналишидаги подаларда бузокларни икки хил усулда сут даврида сут ичирилади: кулдан ва энага сигирлар остида, гушт йуналишидаги хужаликларда эса тулик онаси эмдириш йули билан.

10-15 кунлик бузоклар профелакториядан умумий бузокхонага утказилади, 10-15 бошдан сут даврининг охиригача гурухлаб сакланади. Бир бош бузокка 1,5-2 м² майдон ажратилади. Гурухларда бузоклар ухшаш булсин, уларнинг фарки 10-15 кундан ошмасин.

Бузокларга факат соглом сигирлар сути берилади. Сут ва каймоги олинган сут микдори хужаликдп кабул килинган схема асосида амалга оширилади. Сут ичириш даври 3-5 ой, кискартирилган усулда 50-60 кунни ташкил этади.

Бу даврда бузокларни озиклантириш унинг зоти, насл киймати, максади, тугиш мавсуми ва хужалик имкониятларига каралади. Насл кийматига караб бузокларга турли микдорда сут ва сут махсулотлари, пичан ва ширали озикалар берилади.

Дастлабки 30-40 кунда $^1/5$ - $^1/6$ тирик вазнга караб сут ичирилади. Шундан кейин унинг ярми каймоги олинган сут билан алмаштирилади.

Пичан ейишга 10 кундан, ем 15-20 кунликдан, ширали озикалар 2 ойликдан берилади.

11 кундан бошлаб бузокларга ёгли сут алмаштирувчисини берса булади. Туйимлилиги буйича 1,2 кг ёгли сут алмаштирувчиси 10 кг каймокли сутга тенг келади.

6 л гача сут ичирилганда 2 марта ичирилса етарли, бу тартибга 10-15 кунликдан утказган маъкул.

Киш пайтларида 10-15 кунликда бузокларни 10-20 минутдан бошлаб яйратилади, кейинчалик 2-4 соатга етказилади.

Ёзги пайтларда айвон ва яйраш майдончаларида устирилади.

Энага сигирлар остида бузоклар 60-70 кунликгача устирилади. Энага остидаги бузоклар сони сигир сутдорлигига каралади, ёки бир бузокка 4,0-4,5 кг сут тугри келсин.

Янги тугилган бузокларни энага сигирлар тагига 5-6 кундан куйилади. Гурухдаги бузоклар ёши 10 кундан, тирик вазни 10 кг дан куп фарк килмасин. Хар бир сигир бузоклар билан алохида катакларда сакланади.

**Назорат саволлар.**

1. Буғоз сигирларни озиқлантириш ва сақлаш.
2. Сигрларни туғдириш.
3. Соғлом бузоқ олиш.
4. Бузоқларнинг профилактория даври.
5. Бузоқларнинг сут даври.
6. Бузоқларни ўстириш усуллари.
7. Бузоқларни сақлаш усуллари.

# Мавзу. Подани тўлдириш учун урғочи тана ва ғуножинларни ўстириш

**Р Е Ж А :**

I.Мавзунинг долзарблиги.

2,Сигирлар подасини сермахсул I тугум сигирлар билан тулдиришнинг ахволи.

3.Подани тулдириш учун мулжалланган ургочи бузокларни сут даврида устириш хусусиятлари.

4.6-12 ва 12-18 ойлик ургочи таналарни устириш тизими.

5.Жисмоний балогат ва ургочи таналарни кочириш муаммолари.

6.Гунажинларни асраш,.озиклантириш ва тугишга тайёрлашдаги зоотехникавий талаблар.

**Кушимча адабиётлар**

**I.Меркурева Е.К** Генетические основы селекции в скотоводстве. М .К о л ос. 1977

**2. Клейменов Н.И** Научные основы полноценного кормления с/х животных.Сборник научных трудов. М.Агропромиздат 1986

**3. Венедиктов А.Л** Минеральное питание скота на комп лексах и фермах.

**Таянч иборалар**

**Подани тулдириш, пода таркиби, бузок, ургочи тана, ғуножин, подани тулдириш ва зот, увиз сути, каймоги олинган сут, бузокларнинг сут даври, бузокларни озиклантириш схемаси, бузокларга сут ичириш схемаси, бузокларнинг профилактория даври, бузокларни саклаш, ургочи таналарни саклаш, саклаш учун ажратилган майдон, очик**

**майдонча, бир бошга охур узунлиги, ёзги ва кишги рацион, тирик вазн, жинсий балогат, жисмоний балогат, жинсий хаёт, урчитиш.кочириш индекси.елинни ишлаш, тугишга тайёрлаш.**

1.Сут корамолчилигини ривожлантириш мамлакатда ижтимоий ва иктисодий муаммоларни ечишнинг ажралмас кисми булиб хисобланади.

Сут етиштиришни купайтириш хайвонларни тугри озиклантириш, наслчилик ишини тугри йулга куйиб,хайвонларни ирсий имкониятларини руёбга чикариш.янги технологияларни жорий этиш йули билан амалга оширилади.

Сут корамолчилиги Узбекистонда уз хусусиятларига эга.Узбекис-тонда сугориладиган ерлар асосан галла ва пахтага ажратилганлиги, алмашлаб экишга ту лик утилмаганлиги,суъний яйловлар ташкил килиш-нинг кийинлиги,тез узгарувчан иклим.куёш радиацияси соха муаммола-ридан хисобланади.

Хозирги пайтда Узбекистонда сут,сут-гушт ва гушт йуналишидаги корамоллар урчитилади.Уларнинг аксариятини сут йуналишидаги кора ола ва кизил чу л зотига мансуб корамоллар ташкил этади,кейинги уларнинг голштин ва ангелн зотлари билан дурагайлари хам урчитилмокда.

Республикамизнинг купчилик хужаликларида подани тулдириш учун мулжалланган ургочи тана во гуножинларни устириш меъёрда ташкил килинмаслиги сигирлар подасини янгиланиш,подалар такомиллашига махсулдорлигинй ошишига тугонок булиб ишлаб чикарилган сут таннар-хини юкори булишига сабаб булмокда.

Сут корамолчилигини ривожлантиришнинг асосий омилларидан булиб подани тулдирувчи ургочи таналарни устиришни такомиллаштириш сигирлар подасини сермахсул I тугум сигирлар билан тулдиришни такоза этади.

Бу муаммо Узбекистонда турли худудларнинг иклим, озика, хужалик имкониятлари даражасида хал этилмаган.

Турли хужаликларда эскирган, одми ургочи бузок ва таналарнинг биологик имкониятларини инобатга олмаган озиклантириш ва саклаш усулларини куллашлари натижасида,ургочи таналарнинг кочириш ёшида вазни КИЧЙК,жуссаси бакувват булмаслиги устирирган сигирларнинг вазни кам,махсулдорлиги паст булишига сабаб булмокда.

Шу боисдан падани тулдириш учун ажратилган ургочи бузок ва таналарни илмий аоосланган, тажрибада синалган илгор технологиялар ердамида тарбиялашни талаб этади.

2. Дастлаб подани тулдириш учун ургочи наслли бузокларни танлаш-дан бошлаш керак. Танлаш генотипи буйича подани тшнглашишига ва ирсий имкониятларни мустахкамланишини таъминлайди. Подани тулдириш, шундай хайвонларни танлаш керакки, улар албатта подадан чикарилган хайвонларга шсбатан махсулдорлиги юкори булсин. Иложи борича подадан чикарилиши кузда тутилган сигирлар сонига нисбатан ургочи таналарни дастлаб танлашда оммавий танлаш асосида ишлаб чикариш муаммоларини хал этишга каратилмоги керак.

Устириш давомида усишдан колган, тана тузилиши нуксонлари бор

ва биринчи тугимда кам сут берган хайвонлар подадан чикариб борилади.

Хозирча бизнинг фермер ва ширкат хужаликларида подада сигирлар

етишмаслигини инобатга олиб барча ургочи хайвонларни устиришга колдириб,кочириб,тукканидан кейин киска лактация асосида танлашни ташкил килган маъкул. Бундай усул факат сигирлар сонини купайтирибгина

колмасдан хужаликда бузок олишни купайтиришга ижобий таъсир курсатади.

Одатда подани тулдирувчи ургочи таналар жадал устирилганда уларнинг 25-30 зоотехника ва ветеринария сабабларга кура пучак килинади. Улар кочиб тукканидан кейин эса 32-34% махсулдорлиги камлиги учун пучак килинади.

Шунинг учун подани тулдириш учун ургочи таналарни устирганда нафакат сигирларни сут махсулдорлигини оширишни, балки подада сигирлар нисбатини кутаришга хам диккатни каратиш керак.

Бузокларни танлашда 90 кунлигида вазни гурухдаги уртача тирик вазнининг 70-80% ташкил килганда улар усишдан колган хисобланади ва гурухдан пучак килинади.

Бузокларни якуний танлаш узок давом этиб, усишдан колган ва касалларини подадан чикариш керак. Шундай каттиккулликни ургочи таналарни устиришнинг кейинги боскичларида хам амалга ошириш керак.

Устириш учун бузокларни танлашда уларнинг тана тузилиши инобат га олинади, чунки тана кисм ва аъзоларининг ривожланиши хайвонлар махсулдорлиги ва саломатлиги билан боглик. Бу уринда бузоклар жуссаси,тана улчамларига эътибор каратилади.

Подани тулдирувчи ургочи таналарни устириш жараёнида шахсий ривожланиш конуниятларига катъий риоя килиш шарт: ривожланишнинг давомийлиги,тенг эмаслиги, ривожланишнинг корреляция ва интеграцияси, адаптацияси.

А.П.Бегучев (1971) маълумотларига караганда турли тукима ва аъзолар узига хос ривожланадн, шунингдек тана, шаклланишининг

узгариши ва танада оксил ва ёгнинг тупланиши хайвон жинси, ёши, хамда озиклантириш типига богликдир.

Яхши шароитда устирилган бут ва сут йуналишидаги ургочи таналар 12-14 ойликкача танада асосан оксил моддаларини, кам микдорда ёг туплайди. Ундан кейин танада ёг хосил булиши жадаллашиб ургочи тананаларнинг урчиш хусусиятларига салбий таъсир курсатади.

Шу боисдан ургочи бузоклар ва таналар усиш ва ривожланишини устириш усулларини куллаб уларнинг тана хажми ва тирик вазнини узгартиришга эришиш мумкин.

Купчилик тажрибалар сигирлар сут махсулдорлигини шаклланишида таналарнинг биринчи кочириш ёшига нисбатан тирик вазни купрок ахамиятга эга эканлиги исботланган.

Купчилик тадкикотлар шундан дарак берадики, биринчи тукканда йирик зотлар гунажинларининг ёши 24-28 ой, вазни эса 470-550 кг булгани маъкул.

Биринчи тугимни сигирларнинг 24-25 ойлигида утказиш биологик жихатдан асосланган,иктисодий самарали хисобланади. Бу эса ургочи таналарни устиришни жадаллаштиришни такоза этади,ёки улар 15-16 ойлигида подадаги вояга етган сигирлар тирик вазнининг 65-70% ташкил этсин.

3. Янги тугилган бузокка караш-унинг тугри устиришдаги дастлабки кадам хисобланади. Янги тугилган бузок артилади, хомила олди суюкликларидан тозаланади, жуни куритилади, киндиги дизенфекция килинади. Шундан кейин у профилакторирияга утказилади. Бузок тугилгандан кейин 2 соат ичида унинг тирик вазнидан катъий назар 1,5-2 кг угиз сути ичирилиши керак.

**ПРОФИЛАКТОРИЯ ДАВРИ**. Бу даврнинг асосий хусусияти бузок дастлаб угиз сути, кейинчалик эса ёгли сут ичади. Бу даврда бузокларни якка катакларда саклаш уларнинг саломатлиги гарови булиб сут ичиришни осонлаштиради. Угиз сути бу даврда ягона озика булиб уз таркибида усиш ва саломатлигини саклаш учун зарур моддаларга эга. Ёгли сутга нисбатан угиз сути таркибида курук моддалар, оксил, ёг, минерал модда| лар анча куп. Бундан ташкари у уз таркибида алохида модда гамма-гло булин саклайди.

Биринчи 24 соат ичида бузокларга сут энг камида 1,5 -2 л дан 3 марта ичириш тавсия этилади.

Иккинчи марта угиз сути бузокка биринчи ичиришдан кейин тугилгандан 6 соатдан кейин ичирилиши шарт. Бу даврда албатта бузоклар угиз сути ва сутни оналаридан олишлари керак .Бу давр 15 кун давом этади.Давр охирида бузокларни 2 махал сут ичиришга утказган маъкул.

Профилактория тугрик булими таркибига кириб у барча зоогигиеник талабларга жавоб бериши керак. Йил давомида харорат 10-15 С нисбий намлик 75% гача булиши таъминланиши керак.

Бу булимда якка катаклар 2 катор жойлаштрилиб уртасида йулак булади. Катак деворлари темир,тахта ёки пластик ойнадан булиши мумкин,таги эса тиркишли булади,чунки ахлатлар доимий пастга тушиб туриши керак .Катакнинг олди кисмида охур, орка кисмида эса эшик жойлашган.

Узбекистон шароитида бузокларни ёшлигидан бошлаб профилактория уйларда устириш имконияти бор. 100 бош корамолга уртача 16 профилактория уйи тугри келади. Уйчалар бир-биридан 70-100 см ораликда жойлаштирилади. Бир уйчадан бир йилда 6 та бузок утади.

Уйча катак булиб (фанердан булса максадга мувофик) усти ёпилган булади .Улчамлари: узунлиги 220 см., эни 120 см, олди тусик баландлиги 120 см.оркаси 11О см. Уйчанинг ички кисмини полиэтелин пленкаси билан коплаб куйса фанер девор хул булмайди.

Уйчада дагал ва мирерал озикаларга охур, хамда сут ичириш учун мослама урнатилади. Уйча тагига 25-30 см калинликда киринди ёки 6-7 см килиб майдаланган сомон ёки похол тушалади.

Кейинчалик хар 2-3 кунда 1-2 кг сомон тушама солиб борилади. Курук тушама, елвизакнинг йуклиги, бузокларни уй-профилакторияларда очик хавода устириш имконини беради.

Уйчада олдинги деворнинг булмаслиги бемалол кириб-чикиб юриш имконини беради. Бузок эркин яйрэши учун уйчанинг олдинги кисмига 180-120 см сим тур ёки тэатадан тусик килиб олдинги кисмидан эшик куйилади. Ёмгир пайтида уйчалар тахта устига куйилади, у уйчанинг хар томонидан 10 см чикиб туриши, тахталар ораси 1,5-2 см очик колсин.

Киш пайтида уйчанинг олдинги кисми мато билан ёпиб куйилиши мумкин. Харорат - 10°С ошиб шамол булса мато ёпиб куйилади, лекин бузок бемалол кириб-чикиб тураверади. Агар харорат - 10°С паст булса мато очиб куйилади, акс холда уйча ичида зарарли газлар микдори ошиб кетиб бузок соглигига салбий таъсир курсатиши мумкин.

Угиз сути таркибида купинча витаминлар ва микроэлементлар етиш майди,бунда бузок конини текшириб ишонч хосил килса булади. Бундай пайтларда тугилганидан бошлаб 1,5-2 ойгача 6-7 кунда бир марта бир бошга 5 мл тривитамин ва I мл витамин В12 ни венасига юбориш, микроэлемент сифатида тузлар йигиндисидан 1 кунда 1 марта бериш керак .

Бузокларни озиклантириш улардан кунига 650-700 г кушимча вазн олиш юзасидан амалга оширилади.

10-15 кунгача бузок факат она угизи ва ёги олинган сути билан бокилади, кейин аралаш сутга утказилади. Хар бир бузокка алохида раками ёзилган сут ичириш идиш ва сургичи ажратилади, у ракам уй-про-филакторий ракамига тугри келиши керак.(У.Носиров ва бошкалар,1989) Аралаш ёгли сут албатта соглом сигирлардан олинган булиши керак.

**I - ЖАДВАЛ.**

| Ёши, кун | Киш фаслида | | | | | Ёз фаслида | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ёгли сут | Пичан кайнат-маси | Омихта ем | Беда пичан | оштузи | Ёгли сут | Пичан кайнат-маси | Омихта ем | Кук озика-лар | Ош тузи |
| 2-10 | 5 | ур-ш | ур-ш | ур-ш | 5 | 5 | 0,5 | ур-ш | ур-ш | хохлаг |
| 11-20 | 7 | 0,5 | - | - | хохлаг | 7 | 0,5 | 0,2 | - | - |
| 21-30 | 7 | 0,5 | 0,4 | 0,5 | - | 7 | 0,5 | 0,2 | 0,4 | - |
| 31-40 | 6 | 1,0 | 0,4 | 0,7 | - | 6 | 1,0 | 0,3 | 0,6 | - |
| 41-50 | 6 | 1,0 | 0,5 | 0,8 | - | 6 | 1,0 | 0,4 | 0,8 | - |
| 51-60 | 5 | 1,0 | 0,6 | 1,5 | - | 5 | 1,5 | 0,5 | 1,2 | - |
| 58 кунда жами: | 35,0 | 4,0 | 1,9 | 3,5 | - | 35,0 | 4,5 | 1,4 | 3,0 | - |

Бузоклар дагал озикаларга (сифатли пичан, сулитилган кук беда) 10 кунликдан ургатилади, дастлаб суткасига 100-150 г дан бериб,кейинчалик секин ошириб борилади, 2 ойлигида 800-1000 г етказилади, 35 кунда бузок 35 кг пичан истеъмол килади.

Омихта емга бузоклар 10 кунлигидан ургатилади, уларга дастлаб 100-150 г,кейинчалик унинг микдори бир ойлигида 400-500 г, 2 ойлигида эса 1000 г га етказилади,40 кун давомида 19 кг ем истеъмол килади.

Албатта бу рационга озикалар бузокнинг аъзоларининг анатомик холати ва физиологик фаолиятини инобатга олган холда амалга оширилади.

Наслчилик хужаликларида сут даврида 350 кг ёги олинмаган ва 330 кг каймоги олингган сут берилади.

Одми хужаликларда усиш жадаллигини инобатга олиб ёги олинмаган сут микдорини бироз кискартириш мумкин.

Одми хужаликларда бир кисми ёгли сутни сут алмаштирувчи холида бериш мумкин. (УзЧИТМ ишланмаси).

100 кг сут алмаштирувчиси тайёрлаш учун: пахта шроти 24-34 кг, арпа уни 25-27 кг, маккажухори уни 38-35, ачиткилар (курук)5, беда уни 6, бур 1-1,5, туз 0,6 кг.

Ушбу аралашма каймоги олинган сутда эритилади унга сув, балик ёги, шакар, террамицин ва микроэлементлар кушилади (кобалт хлорид, марганец сулфат, мис, темир, калий йод).

Сунъий сут АЗМ-0,8 курилмасида тайёрланади. Технологик жараён куйидагича: аралаштиргичга 400 л сув куйилади (иложи бррича кайнок) унга шнек ёрдамида 100 кг омихта ем солинади. Аралашма 85-90°С иситилади,1 соат давомида аралаштиргич ёрдамида куйилтирилади. Кейин у 75-70°С хароратга пасайтирилади ва 300 л каймоги олинган сут кушилади.

Ег кушимчалар, антибиотик, микроэлементлар ва витаминлар аралашмаси харорати 50°С пасайгандан кейин кушилади. Эмулгатор ёрдамида бир хил суюкликка айлантирилади, совитилиб бузокларга ичирилади.

Хар бир бузокка сут алохида пакирда ичирилади. Бузокларга ичириладиган сут, сут алмаштирувчиси, каймоги олинган сут, янги ва тоза булиб ичириш пайтида биринчи ойда 30°С,иккинчи ойда эса 30-35°С,кейинги ойларда 20-25°С булса булаверади.

Бузокларнинг биринчи 40-50 кунлигида бир кеча-кундузда тугилгандаги тана вазнининг 1/4-1/5 микдорида берилиб, кейинчалик секин камайтирилади. Бузокларни озиклантириш уч махал.

Каймоги олинган сут бузокларга 31 кундан бошлаб ичирилади .Бузок ларни овкат хазм килиш кобилиятини кучайтириш максадида сут ичиргандан 1 соат кейин кайнатиб совитилган сув берилади, айникса бу нарсани бизнинг шаротимизда езда эсдан чикармаслик керак.

Бузокларни ёшлик пайтидаёк ем, дагал ва ширали озикаларни ейишга ургатиш керак. Бу тадбир уларнинг ошкозон-ичак тизими хажмини катталашиши ва фаолиятини кучайишига олиб келади, бундай хайвонлар келажакда сигир булганида катта хажмдаги озикаларни истемол килиб, хазм килиш натижасида куп сут бериш кобилиятига эга булади. Бу пайтларида бузоклар охурларида доим янги урилиб бироз сулитилган беда булиши максадга мувофикдир. Дагал ширали ва ем озикалар 3 ойликкача аравачаларда келтириб берилади, кул билан таркатилади.

Ургочи таналарнинг 100 кг вазнига 7-12 ойлигида 2,4-3,0 кг курук модда, 13-18 ойлигида эса 2,1-2,5 кг сарфланади, ёки I кг курук модда таркибида 0,7-0,9 озика бирлиги булиши керак.

1 озика бирлигига 4 г фосфор,ёки I кг курук моддага 2,8-3,0 г фосфор тугри келиши керак.

Ургочи таналарнинг хазмланувчи протеинга булган талабини конди риш уларнинг жадал усиши ва етилишини таъминлайди. Шу боисдан I озика бирлигига :4-6 ойлигида 117-105 г; 7-9 ойлигида 100 г атрофида;10-18 ойлигида эса 95-90 г булиши максадга мувофикдир.

Ургочи таналар хаётини саклаб туриш учун хар 100 кг тирик вазни учун 60 г хазмланувчи протеин кифоя, 1 кг семириши учун эса ками да 500 г хазмланувчи протеин истеъмол килиши керак.

Бузоклар ва ургочи таналар рационида углеводлар микдорини алохида хисобга олиш керак. Курук моддага нисбатан клетчатка 3 ойгача 6-12%; 4-6 ойлигида 16-18%,7-12 ойлигида 20-22%,13-24 ойлигида 22-24% булиши керак .

Курук модда таркибида канд 3 ойгача 15-16,5%, 6 ойлигида 8,0-9,5%, 7-12 ойлигида 6,5-9%, 13-24 ойлигида 6,5-8,5%. Меъёрдаги канд протеин нисбати 0,8-1 даражасида туриши шарт.

Курук моддага нисбатан ёгнинг нисбати ёш бузокларда 22-24%, 6 ойликда 5-5,5%, катта ёшдаги ургочи таналарда 3% кифоя.

Ургочи таналарни устиришда минерал моддалар алохида урин тутади, уларнинг етишмаслиги, модда алмашинувини бузилиши, усишдан колиш, иштахасини йуколишига сабаб булиши мумкин.

Ургочи таналарнинг кушимча вазнининг 4-5% минерал моддалар ташкил килади. Бузокларнинг 6 ойлигида 6 кг минерал моддалар, I ёшида эса 9-10 кг минерал моддалар тупланади.

Рационда минерал моддаларнинг етарли булиши суякни яхши усиб мустахкам булишини, унинг соглом булишини таъминлайди.

Ургочи таналарни устиришда микроэлементлар алохида урин тутади. Уларнинг етишмаслиги модда алмашинувига, махсулдорлигига, озикалар хазмланиши ва узлаштирилишига салбий таъсир курсатади.

Ургочи таналарнинг микроэлементларга булган талабини кондириш учун 1 кг курук модда хисобига булиши керак, мг: темир 50-80;мис 5--10;рух 30-60;марганец 30-60;кебалт 0,4-0,7 ва йод 0,2-0,6.

Ургочи таналар меёър даражасида усиши учун улар етарли микдорда А ва Д витатаминлар билан, ёшлигида эса катта коринлар ривожланганлигига кадар В гурух витаминлари билан хам таъминланиб турилиши керак .

Таналар учун каротин манбаи булиб усимлик озикалари хисобланади.

6 ойлигида I кг курук моддага 26-37 мг каротин тугри келса, кейинчалик 22-25 мг керак.

Витамин Д етишмаса рахит касаллиги келиб чикади. Ундан 6 ойда 0,6-0,9 минг МЕ; 6 ойдан кейин эса 0,4-0,5мМЕ керак.

Бу даврда ургочи таналар богламасдан асралади. Улар молхона ва

яйраш майдонларида сакланади. Озика таркатиш, гунгни йигиштириш ва сугориш ишлари тулик механизациялаштирлиган булмоги керак.

Тажрибалар шундан далолат берадики меъёрда озиклантирилган

ва сакланган ургочи таналар I ёшда 250-300 кг вазнга зришишлари мумкин.Шу даврда уртача кунлик усиш 550-600 г ташкил килиши тавсия эти

лади.

Киш пайтида озикалар уч марта таркатилиши мумкин. Эрталаб дастлаб ем озикалар, кейин эса дагал ва ширали озикалар берилади.

10 ойликдан бошлаб уларни бонитировка килиб юкори класвгакларини олиб колиб колганларини бурдокилаб гуштга топшириш керак.

Таналар 12 ойлигида енгил яйраш майдонларига эга биноларга утказилиб 18 ойликкача, 40-50 бошдан гурухлаб сакланади. Хар бир бош танага бино ичидан 4 м , яйраш майдонидан 6 $м^2$ юза ажратилади.

Меъёрда озиклантирилган ургочи таналар 18 ойлигида 350-400 кг тирик вазнига эга булади ёки кунлик вазн ортиши 500-550 г ташкил этади, ёки 1 кг семиришига 9,0 озика бирлиги 1000 г хазмланувчи протеин сарфлайди.

Уларнинг вазни 340-350 кг, ёки 17-18 ойлигида подадаги вояга етган сигирларнинг тирик вазнининг 65-70% етганида юкори махсулдор букаларнинг музлатилган уруглари билан сунъинг уруглантирилади.

Ургочи таналарнинг ва гуножинларнинг устирига буйича институт микёсида катор ишлар кплинган(И.МАКСУДОВ) улар тугрисда тухташ максадга мувофик хисобланади.

Биринчидан Узбекистон учун режали кора-ола зотли сермахсул сигирлар устириш имкониятлари очиб берилган. Биргина кора-ола зотини голштин зоти билан чатиштириб олинган дурагай таналар 18 ойлигида узларининг соф зотли тенг урларига нисбатан 2 кг.биринчи тукканда 37 кг куп тош босиб 1 лактацияда 3601 кг ёки 161 кг куп сут берган.

Кафедрада подани тулдирувчи кора-ола зотли ургочи таналар ва гуножинларни турли саклаш усулларида устириш имкониятлари исботлаб берилди.

Ургочи таналар ва гуножинлар бинолар ичида яйраш майдончаси ва мажбурий хайдаш (2-3 км), бино ичи ва яйраш майдончаларида, хамда *уч* деворли айвонли, очик майдончаларда устириш натижалара куйидагилардан иборат булди,18 ойликда улар вазни 319,344,341,336 кг булиб, биринчи тукканда эса 489,500,485,491 кг вазнга эга булиб,1 лактацияда улар 3181,3453,3326,3435 кг сут бериб эркин харакатлантириш ва очик майдончаларда устириш ургочи таналар ва гунажинларни яхши усиб юкори сут махсулдорлигини шакллантириш гарови булар экан.

Ёки ургочи таналарни кишда айвонли майдончаларда езда сунъий яйловларда устириш (И.МАКСУДОВ, Б.АБДУРАХИМОВ)нафакат соглом ва сер махсул сигирлар устириш имкониятлари бериши исботланган, ёки бундай биринчи тугим сигирлар вазни анъанавий усулда устирилган сигирларнинг тирик вазнига нисбатан 30-50 кг, I лактациядаги сути эса 500-700 кг юкори булини аникланган.

Республишаниз шароитида емнинг чегараланганлиги ва кимматли

подани тулдирувчи ургочи таналарни устиришда ундан окилона фойдаланишни такоза этади. Шу боисдан кафедрада ургочи таналар ва гуножинларни устиришда рацион туйимлилигини 15,20,30,40% ем ташкил килганда уларнинг усиш ва ривожланиншни, хамда сут махсулдорлигини шаклланиши хусусиятлари урганилган. Шу аснода устирилган ургочи таналарнинг 18 ойликдаги тирик вазни 341,352,360 кг, I тукканда эса 433,

453 ва 481 кг ташки л этиб, 1 лактация натижаларига кура 3294,3403,3764 ва 3578 кг сут бериши, сермахсул сигирлар устиришда рацион таркибида 30% атрофида ем булиши сут махсулдорлигини шаклланишига ижобий таъсир этиши. ем 15-20% булганда тана ва гуножинларни усишига салбий таъсир этиб, сут махсулдорлигини бироз паст булишига сабаб булади.

Рацион таркибида емни 40% булиши тана ва гуножинларни меъёрдан ошикча семиришига сабаб булиб йирик сут-гушт типидаги сигирларни шаклланишига олиб келади ва сут махсулдорлигига ижобий таъсир этмайди.

Узбекистонда ургочи таналар ва гунажинларни устириш билан шугул ланувчи хужаликларнинг озика захиралари ва имкониятлари бир хил эмас. Шуни инобатга олиб кафедрада турли мулк шаклидаги, хар хил озика захиралари мавжуд хужаликлар ургочи таналар ва гуножинларни устириш йуллари аникланган. Бунда меъёр буйича устирилган; меъёрдан ошикча жадал устирилган; 6 ойгача жадал 6-18 ойликда меъёрда, 18 ойдан тукканча жадал устирилган; 18 ойликкача меъёрда 18 ойликдан тукканча жадал, 16 ойликдан тукканча уртача устирилган ургочи тана гунажинлар усиш ривожланиши, ва сут махсулдорлигини шаклланиши урганилган.

Бу тадкикотлар жадал устирирган таналар жуссаси йирик, вазни катта булиб, меъёрда устирилган таналарга нисбатан 18 ойлигида 28 кг I тукканда 36 кг куп тош босган,шунингдек бутун устириш давомида жадал усулни куллаш уларда юкори сут махсулдорлигини шаклланишига олиб келар экан.

Жадал устирилган биринчи тугим сигирлар энг куп 3640 кг сут бериб бошка гурухларга нисбатан 520,292,437 ва 446 кг куп сут бериши аникланган.

Айникса бу усул озика етиштиришда муаммолари бор хужаликлар учун кул келиб узлари учун кулай усулларни танлаб олиш имкониятини беради.

Купайиш кишлок хужалик хайвонларида мураккаб биологик жараён булиб,подани кайта тиклашни таъминлайди.

Умуман бу жараён уз ичига жинсий цикл, бугозлик, тугиш, ва тугишдан кейинги даврни ташкил этади.

Жинсий балогат ёки авлод колдиришга кобилият, кишлок хужалик хай вонларида ривожланишнинг тугаши ва жисмоний балогат ёшига нисбатан анча эрта руй беради. Бузоклар тугилган кунидан уларнинг конида эстроген мавжуд булиб, 1,0-1,4 мкг., 2-3 ойлигида тухумдонларда узгаришларни сезиш мумкин эстроген гармонлар 1,6-1,8 мкг гача купаяди. 4 ойлигига келиб жинсий гормонлар конда 6,9 мкг, 6-7 ойлигида эса 22 мкг га етади.

Жинсий балогат ёшигача тухимдоннинг гормонол фаолияти жуда сует булади. Шахсий ривожланишнинг даетлабки даврларида гормонлар хосил булиши унинг парааланишига нисбатан юкори булади.

Жинсий балогат ёши бузокларни озиклантириш меъёрларига ва сак лаш усулларига боглик. Етарли озиклантирилмаган рацион таркибида протеин, макро ва микроэлементлар витаминлар етишмаслиги жинсий бало гатга етишни 2-3 ойгааа кечиктириб юборади. Айникса бузокларни зич коронги, хавоси бузук, совук ва зах биноларда саклаш уларни жинсий фаолиятини шаклланишига салбий таъсир курсатади.

Ургочи бузоклар ва таналарни ёруг, яхши, шамоллатиш имконияти борилик, намлик меъёрда биноларда саклаш уларнинг жинсий жихатдан меъёрда уйгонишини таъминлайди. Айникса бузокларни яйратиш, хар куни 2-3 км мажбурий хайдаш очик майдончаларда устирига уларнинг жинсий фаолиятини гуркиратиб тез жинсий ва жисмоний балогатга етишига ижобий таъсир курсатади.

Бу уринда корамолнинг зоти хам жинсий балогат ёшига таъсир эта ди, тез етилувчан зотларда эртарок, йирик ва гушт йуналишидаги зотларда бироз кечрок руй беради. Умуман олганда жинсий балогат ургочи бузокларда 8-10 ойлигида руй беради, баъзида эса бироз эртарок хам руй бериши мумкин, шунинг учун кузда тутилмаган жуфтлашишларнинг олдини олиш 7 ойлигидан бошлаб эркак ва ургочи бузокларни алохида саклаш тавсия этидзди.

Жинсий балогатга етиши хамона тухумдонда даврий равишда фол-ликулалар хосил булиб, тухум хужайраси етилиб, жинсий аъзоларнинг эндокрин фаолияти кучаяди. Руй бераётган узгаришлар хар хайвон турига хос ташки феъл-атворда уз аксини топади, яъни уларда жинсий цикл кузатила бошлайди, жинсий куйикиш ва мойиллик аломатларини кузатиш мумкин, шунингдек ташки жинсий аъзоларда хам узгаришлар руй беради. Бу даврда ургочи таналар ва ёш таналарнинг фавкулодда жинсий ковушиши бугоз булишга олиб келади, бу холат хайвоннинг усиш ва ривожланишига салбий таъсир курсатади,тугиш кийин кечади, бундай сигирлар жуссаси кичик, махсулдорлиги паст булади. Шу боисдан ургочи таналарни кочириш албатта жисмоний (физиологик) балогатга етгандан кейингина эмалга опшрилищи шарт. Бу даврда хайвонлар жуссаси катталашиб, мустахкамланади, жинсий фаолият муътадиллашади, хайвон оталааниш ва хомила кутаришга тайёр булади.

Жисмоний балогатга етишни ургочи таналарни жадал устириш ва яхши шароитларда саклаш тезлаштиради ва подани киска муддатларда сермахсул сигирлар билан таъминлаш имконини беради.

Купгина ривожланган мамлакатларда( Исроил, Европа, Шимолий Америка) ургочи таналар 13-15 ойлигида 350-400 кг вазнда кочирилмокда.

Узбекистон шароитида турли усулларда устирилган ургочи таналарни 16-18 ойлигида вазни 340-350 кг ёки подадаги вояга етган сигирлар вазнининг 65-70% булганда кочириш максадга мувофикдир. Куп тажрибалар шундан далолат берадики, (М.МАКСУД0В 1994) шу ёшда жинсий фаолият жуш урган булади, ургочи таналарда жинсий цикли уз вактида утиб, куйикиш ва мойиллик фаол кечади, натижада яхши уругланиб, оталаниш руй беради. Кочириш индекси борйуги 1,5-2 ташкил этади.

Ургочи таналарни иложи борича авлодларининг махсулдорлиги буйича бахоланган ва яхшиловчи деб тан олинган букаларнинг музлатилган уруглари билан кочириш максадга мувофик хисобланади, факат наслчилик хужаликларда биноан жуссаси кичик букаларни танлаш максадга мувофик хисобланади.

Сунъий уруглантириш ижобий шатижалар бермаган ургочи таналарни асл букалар билан кулдан кочириш самара беради.

Ургочи таналарни кочириш даврида мамлакатимизнинг иклим худудлари ва йил фасларини хам инобатга олиш мумкин.

Ургочи таналарни уз вактида кочириб бугоз килиш мухим зоотехникавий ва иктисодий омил булиб хисобланади. Чунки ургочи таналар ёши улгайиши билан уларнинг жинсий фаолияти сустлаша боради, кайсики оталаниш курсаткичларига салбий таъсир курсатади (И,А.Даниленко; 1978) маълумотларига Караганда 18 ойлик таналар кочирилганда эталанмаганлари 4-8% булгани холда 24 ойликда бу курсаткич 16--25% ташки л килади.

Ургочи таналарни муддатидан утиб кочириш йил давомида сигирлардан олинган сут микдорини камайишига ва сигир устириш харажатларини купайишига сабаб булади.

Н.Г.Дмитриев ва И.М.Борисов(1982) маълумотларига караганда- 24 ойлигида биринчи марта туккан сигир 10 йил хужаликда фойдаланиш мобайнида 36 ойлигида туккан сигирга нисбатан 60% куп сут , бузок ва 50% куп гушт бериши мумкин.

Шундай килиб ургочи таналарни меъёрда устириб уз вактида кочириш подани кайта тиклаш ва уни такомиллаштиришда мухим омил булиб хисобланади.

6.УРГОЧИ ТАНАЛАРНИ ЖАДАЛ УСТИРИБ 16-18 ойлигида 350-360 кг тирик вазнда кочириш хам гуножинларни тугишга тайёрлаш коникарсиз

Булганда сермахсул сигир устириш имконини бермайди. Сутдор хайвонни шакллантириш ургочи танани кочиргандан сунг хам давом этиши шарт. Бу уринда гуножинларни тугишга ва лактацияга тайёрлаш бекиёс урин тутади, унинг сифати албатта тугиш бузок холати, лактацияда согиб олинган сутда уз аксини топади.

Гунажинларни тугишга тайёрланганлигини бахолаш муаммоси мавжуд. Бунда биринчи навбатда гуножиннинг ташки белгилари, асосида амалга оширилади. Шу

боисдан гунсжинларни тугишга тайёрлаш улар бугозлигининг биринчи ойидан бошланмоги керак, бу эса биринчи ва келгуси лактацияларда сигирларнинг куп сут беришига гаров булади.

Бизнинг шароитимизда биринчи тугим сигирлардан энг камида 3000 кг сут согиб олишни хисобга олиб харакат килиш керак. Энг камида озиклантириш ва саклаш ушбу талабни таъминлаш даражасида ташкил килиниши керак.

Ургочи тананинг бугозлиги аникланганда кейин (2-3 ой) гуножинлар гурухига утказилади ва бугозлшснинг охиригачо сакланади. Дастлаб 6 ойликкача бугоз, кейинчалик эса 6-9 ойлик гуножинлар гурухи ташкил этилса максадга мувофик булади.

Гунажинларни молхона ва яйраш майдончаларида богламасдан устириш керак. Уларнинг иложи борича купрок харакат килдириш чораларини куриш керак. Бино ва яйраш майдончалари ери текис булиб тушама солинган булиши керак .Акс холда гуножинлар йикилиши натижасида жарохат олишлари мумкин.

Бу гурухларда гуножинларга озикалар узиюрар озика таркатгичлар ёрдамида таркатилади, гунг эса занжирли транспортёрлар яйраш майдонида эса сургичлар ёрдамида уларни сугориш ПА-х сугоргичлар ва сув охурлари ёрдамида амалга оширилади.

Бу даврда гунажинларни меъёрда саклаш, озиклантиришга алохида эътибор берилади. Ёз ойларида гунажинларни иложи борича очик майдонларда саклашга харакат килиш керак. Киш даврида эса гунажинларни айвонли очик майдончаларда саклаш яхши натидалар беради, айвон поли калин тушамалар билан таъминланиши керак. Киш пайтида молхона ичида хам гунажинларни калин тушамаларда саклаган маъкул.

Иложи борича хужаликларда гунажинларни яйловда саклаш уларни нг суягини мустахкамлаб, мускул тукималари ва ички аъзоларнинг яхши ривожланишини таъминлаб, касалликларга чидамлилигини ошириб, келгуси сигирхонада саклашга тайёрлигини оширади.

Гунажинларни катта корнини хажмини меъёрдан ошик катта булиб кетмаслиги ва муддатидан оддин куп сут хосил булишини олдини олиш учун тугишга 10 кун колганда рацион туйимлиги *50%* камайтирилиб, ундан ширали озикалар чикариб ташланади.

Гунажинлар сакланадиган биноларда зооигиена талабларига риоя килиб карбонат ангидрид газининг микдори хавода 0,25-0,3%, аммиак 0,01-0,02 мг/л ёруглик коэффиценти 1:15 булиши лозим.

Тугишга меъёрда тайёрланган гунажинлар яхши ривожланган ва урта семизликда булиши керак, бундан ташкари унинг ташки жинсий аъзолари ва елини рисоладагидек булиши керак. Уларнинг жун катлами курук ва дагал айрим жойларида дагал булиши мумкин.

Сермахсул подаларда тугиш олди шиши кучли булади. Чунки уларда елин тукималари жадал ривожланади.

Тугишга меъёрда тайёрланган гуножинларда кийин тугишлар кузатилмайди.

Кийин тугишлар хайвонда кучли хаяжон (стресс) чакириб, унинг кони таркибида глюкоза микдори 89 мг%, эозинофиллар микдори эса икки марта камайиб кетишига гувох буламиз.

Огир тугишлар биринчи туккан сигирнинг холатига салбий таъсир отиб уни муддатидан илгари подадан чикариб юборишга сабаб булади.

Гунажинларни тугишга тугри тайёрлаш тугиш жараёнларида уз аксини топади. Гунажинлар тугишга меъёрда тайёрланмаса биринчи туккан сигирларда йулдошнинг уз вактида ажралмаслиги 2-2,5 баровар купайиб кетади.

Гунажинларни тугишга меъёрда тайёрламаслик биринчи туккан сирирларни уз вактида кочмаслигига сабаб булади.Шу сабаб билан 40% биринчи туккан сигирлар подадан чикиб кетиши мумкин.

Тугишга меъёрда тайёрланган гуножинлар ёмон тайёрланганларига нисбатан 15-20% купрок сут беради.

Тугишга яхши тайёрланган биринчи тугум согин сигирларнинг лактациясини бошида ижобий курсаткичлар, яъни юкори сут махсулдорлиги ва уларнинг уз вактида кочиши таъминланади.

Кафедрамизда гуножинларни тугишга тайёрлаш буйича баъзи ишлар килинган улар хакида тухтаб утишни максадга мувофик деб хисоблайман.

Биринчи навбатда гунажинларни меъёрда озиклантиришга эришилган. Уларга рацион 23 хил курсаткичлар инобатга олиб тузилган. Рациони пичан, сенаж, силос, лавлаги ва емдан иборат булиб, туйимлиги 8,05 озика бирлигига тенг булиб, унинг таркибида 938 г хазмланувчи протеин булиб I озика бирлигига 115,52 г хазмланувчи протеин тугри келган.

Рацион таркибини 29,43% дагал, 46,23% ширали ва 24,3% ем озикалар ташкил килган.

I кг вазн ошишига 11,12-13,03 озика бирлиги сарфланган.

Гуножинлар меъёрда сакланиш ва озиклантирилиши билан уларнинг елини укаланган. Биринчи гурух гуножинлар елини 7-9 ойларда кул билан укаланган , иккинчи гурух гунажинларнинг елинлари 7-9 ойлигида иссик хаво ва пневмомассажёрлар ёрдамида учинчи гурух гунна жинларининг елинлари 7-9 ойлигида пневмассажёрлар ёрдамида ва туртинчи гурух гуножинларининг елинлари 6-9 ойлигида пневмамассежёрлар ёрдамида укаланган.

Бундай тажриба асосида устирилган гуножинлар жуссаси йирик, тирик вазни капа булиб усган, ёки 9 ойлик бугоз гунажинлар 477-482 кг тирик вазнга эга булганлар.

Гунажинларни меъёрда устириб елинини укалаш елинни яхши ривожланиши билан унинг сут махсулдорлигига ижобий таъсир этганлигига гувох буламиз. 305 кунлик лактация давомида улар 3291-3537 кг сут берганлар, ёки II гурух биринчи тугим сигирлари биринчи тугим сигирларига нисбатан 246 кг куп сут берган.

Шундай килиб гуножинларни асраш,озиклантириш ва уларни тугишга тайёрлаш маъсулятли тадбир булиб хаётчан жуссаси йирик, мустахкам тана тузилишига эга,сермахсул сигирлар етиштиришнинг асосий омили булиб хисобланади.

**Назорат саволлари**

1. Подани тулдириш муаммоси.
2. Подани тулдириш учун бузокларни танлаш.
3. Бузокларни сут даврида устиришнинг хусусиятлари.
4. Ургочи таналарнинг 6-12 ойлигида устириш тизими.
5. Ургочи таналарнинг 12-18 ойлигида устириш тартиби.
6. ургочи таналар кочириш муаммолари.
7. Гуножинларни тугишга тайёрлаш сермахсул биринчи тугим сигирлар устириш гарови.

## МАВЗУ: Сут ишлаб чикариш технологияси (4 соат)

**РЕЖА:**

1. Технология тушунчаси
2. Сигирларни сақлаш тизимлари ва усуллари.
3. Сигирларни озиклантириш.
4. Сигирларни согиш.
5. Сифатли сут олиш ва унга дастлабки ишлов бериш.
6. Сут ишлаб чикаришни режалаштириш.
7. Сутчилик фермасида мехнатни ташкил этиш.

**Кушимча адабиётлар.**

1. Всяких А.С. «Саноат асосида чорвачилик махсулотлари етиштириш» Тошкент «Укитувчи» нашриёти 1983.

**1.** Чорвачиликда жадал технология деб хайвонларни тугри урчиш, озиклантириш, саклаш, фойдаланиш натижасида улардан куп ва арзон махсулот олиш мажмуасидир. Табиат, иклим ва иктисодий омилларга асосан сут, суг-гушт ва гушт йуналишигидаги хужаликлар фаолият курсатишлари мумкин. Сут ишлаб чикариш технологияси куйидагиларни кузда тутади:

- йирик подалар ташкил килиш натижасида мехнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чикариш рентабеллигини ошириш;
- сигирларни саклашнинг маъкул усулларини куллаш;
- соглом хайвон ва сифатли махсулот олиш учун ветеринария-санитария тадбирларини уз вактида утказиш;
- юкори махсулдор ва урчиш кобилиятига эга подалар ташкил килиш учун наслчилик –селекция ишларини ташкил этади;
- яхши ташкил этилган озика етиштириш асосида сигирларни тулакимматли озиклантириш;
- мехнатни ва ишлаб чикариш жараёнларини ташкил этиш.

Технология сохани юритиш жадаллиги билан белгиланади.

Куйи жадалликдаги хужаликларда хайвонлар табиий шароитга якин шароитларда кам харажат килинади.

Купрок уртача жадалликлардаги хужаликлар таркалган. Подалар анча йирик булиб, лекин тулик ихтисослашмаган бинолар билан таъминланган. Яйлов ва экинлар, утлар хисобига сигирлар озиклантирилади.

Сунъий кочириш амалга оширилган. Механизация кам кулланилиши натижасида мехнат сарфи юкори, махсулот таннархи баланд, фойда кам.

Энг илгор усул саноат усулида сут ишлаб чикаришни ташкил этиш хисобланади.

Бу хужаликларда барча гуштлар механизацияланган ва кисман автоматлаштирилган.

Озика базаси серхосил экинлар хисобига яратилиб, сигирларни ту кийматли озиклантириш имкониятини беради. Наслчилик иши селекциянинг илгор усулларини куллаш йули билан амалга оширилади.

Фермер ва фермер хужаликлари хажми энг кам механизация куллаш имконияти даражасида ташкил килиниши шарт. Асосий вазифа хар бир сигирдан согиб олинадиган сут микдорини ошириш эвазига озика сарфини камайтириб, таннархини пасайтириш булмоги керак.

Исботланганки, 1 ц сутга хар бош сигирдан 200 кг сут олинганда, 1,3 – 1,35 ц озика бирлиги, 5000 кг да – 0,9 – 0,95 ц озика бирлиги сарфланади. Яъни 2000 кг дан 3000 кг гакутариш озика сарфини 18 – 20 % камайтиради, мехнат унумдорлиги 1,5 баробар ортиб, таннарх 15-20% камаяди.

**2.** Сигирларни саклаш тизими кабул килинган технологияга жавоб бериши керак:

а) сигирхона – яйлов тизими, кишда сигирхоналарда, ёзда табиий ёки экилган яйловларда саклаш.

б) сигирларда саклаш тизимида – сигирлар кишин-ёзин сигирхона ва яйраш майдонларида сакланиб, экилган утларни уриб едириш Билан озиклантирилади.

**Саклаш усуллари:**

а) боглаб саклаш;

б) богламасдан саклаш;

в) аралаш усул (лактация 3 ойида боглаб, колган ойлари богламасдан)

**3.** усиши тухтаган сигирларнинг сут махсулдорлигини ошириш елин без хужайраларининг ривожланиш конуниятларига боглик. Айникса без хужайралари тугишга якин колганда жадал усади, у эса тулакийматли озиклантиришга боглик. Яхши озиклантирилган сигирлар елин без тукималари ёмон озиклантирилган сигирлага нисбатан 1,5-2 баробар яхши ривожланади. Бугоз сигирлар етарличи ва тулакийматли озиклантирилиши шарт. Агарда лактация 3000-4000 кг сут берса, бугоз сигирлар рациони 7,5 – 8,003 бирлигини ташкил этса, 5000 кг ва ундан куп булганда -9, -10 озика бирлигини ташкил этади.

Сигирларнинг сут махсулотдорлиги куп жихатдан тугишдан кейинги дастлабки ойлар сут махсулдорлиги ва лактация табиатига боглик. Шу боисдан захира туйимли моддаларни бугоз сигир танасида булиши лактациянинг биринчи 15-20 кунида юкори сут махсулдорлигини таъминлайди.

Сермахсул сигирларни ийдириш (раздой) бугозликнинг иккинчи ярмидан рационга 1,5-2,003 бирлиги кушиш билан бошланади.

Сигирларни тугишга меъёрда тайёраш билан бирга сигирлар лактация давомида кескин пасайишига йул куймаслик керак.

Меъёрдагисигирлар рациони иштаха очадиган ва озикаларни яхши хазм булишини таъминлаши керак ва озика хазм килиш аъзоларини зуриктирмасин. Кишда силос ва лавлаги, ёзда Кук утлардан кенг фойда – хазмланишни кучайтириб курук моддалардан фойдаланишни 15-20% оширади. Ширали ва Кук озикалар 1кг курук моддасини хазм килишга 2,0-1,5 баробар кам ошкозон шираси дагал озикага нисбатан, емга нисбатан 1,4-1,6 баробар кам кераке.

Озикаларнихазмланишни организмдан зурикишни талаб этади. Рационнинг 1 кг курук моддасини хазм килоиш учун сигир 7-10 кг ошкозон ширасини ажратади.

Меъёрлаштирилган озиклантириш сигирлар сут махсулдорлигини оширишга хизмат килади. Бугоз сигирлар рациони, 100 кг тирик вазнига 1,5-2,0 кг пичан 4-5 кг силос ёки 2,5-3,0 кг сенаж, 1,5-2,0 кг лавлаги тугри келади.

Сигирларни сутдан чикаришда ширали ва ем-озикалар микдори камайтирилади, 3-5 кунда сут ажралиш тухтагандан кейин тулик рационга утказилади.

Согин сигирлар рациони ширали, дагал ва ем озикалардан ташкил топади. 100 кг тирик вазнига 5-7 кг силос ёки 4-5 кг сенаж, сигир сути 10 кг дан ошганда хар 1 кг сут учун 1,0-1,5 кг лавлаги берилади. 100 кг вазнига 1 кг дагал хашак берилади.

Емни куп бериш зарарли, у катта корин фаолиятига салбий таъсир этади, ачиш жараёни бузилади, пропион кислотаси куп хосил булади. Бу эса сутдаги йод микдорини 0,5 % камайтириб юборади.

Сигирлар боглаб сакланганда сутининг микдори 2,3 кг фарк килган сигирлар гурухи ташкил килиниб, рационлар тузилади.

Юкори махсулдор сигирларга ем ва лавлагини алохида беради.

Богламасдан сакланган сигирлар дагал озикаларни 10-15% куп истеъмол киладилар, шу боисдан уларга рацион тузганда меъёрга 5-10% кушимча килинади.

Тукканидан кейин 7-10 кун тугрук булимида сакланади. Кейин улардан гурухлар тузилиб, сутдан чикканча бирга сакланади.

**4.** Сигирларни согиш елинини машк килдиради, аъзони устиради, без хужайраларини усишини ва жадал сут хосил булишини таъминлайди.

а) Кулда согиш

б) машинада согиш.

**Кулда:** бармоклар ва мушт билан согиш.

Икки ва уч тактли согиш аппаратлари.

**5.** Сифатли сут олиш шартлари. Сутни сузиш, совутиш, саклаш.

**6.** Сут ишлаб чикаришни режалаштириш. Тугишни меъёрлаштириш.

Фасллар.

Лактация табиатини хисобга олиш.

**7.** Сутчилик фермасида мехнатни ташкил этиш.

## Мавзу. Узлуксиз айланма  цехлар тизимида сут ишлаб чиқариш.

**РЕЖА:**

1. Узлуксиз цехлар тизими тушунчаси.
2. Сутдан чиккан бузок сигирлар цехи.
3. Тугдириш цехи.
4. Сигирлар серсутлиги ошириш ва уруглантириш цехи.
5. Сут ишлаб чикариш цехи.

**Кушимча адабиётлар:**


1. Всяких А.С. «Саноат асосида чорвачилик махсулотлари етиштириш» Тошкент «Укитувчи» нашриёти 1983.
2. Всяких А.С. «Производство молока на промышленной основе» Москва «Колос» 1984г.
3. Байдюк А , Шулгин И.Э. Поточно-цеховая система производство молока. «Колос» М. 1986 г.


**1.** Сут ишлаб чикаришнинг узлуксиз цехлар тизими сутчилик фермаси, ёки комплексдаги сигирларни уларнинг физиологик холатига караб алохида цехларда саклаш имкониятини яратади.

Хар бир цехда сигирлар гурухининг физиологик холатига асосан озиклантириш ва саклаш шароитлари яратиб берилган. Бу тизим сигирлар серсутлигини оширишга ва подани такрор кайта тиклашни яхшилаш сигирлардан хужаликда купрок фойдаланиш имконини беради.

Унда куйидаги туртта цех булади: сутдан чиккан бугоз сигирлар цехи, тугдириш цехи, серсутликни ошириш ва уруглантириш цехи, сут ишлаб чикариш цехи. Сигирларни хар бир цехда саклаш уларнинг физиологик холатининг давомийлигига боглик. Ката сутчилик фермалари ва комплексларида хама цехлар фаолият (200-400 бошга мулжалланган) курсатади, кичик фермалар ёки фермер хужаликларида 3 цех ёки гурух фаолият курсатиши мумкин, ёки серсутликни ошириш ва уруглантириш цехи билан ва сут ишлаб чикариш кушилади. Шунда сигирларни 3 гурухли тизими ташкил этилади. Узбекистон шароитида урчитилаётган сигирларнинг махсулдорлиги ва хужалик имкониятларини хисобга олган холда купрок шу тизим ишлайди.

Ушбу тизимнинг хар бир цехида сигирларни озиклантириш саклаш ва парваришлаш буйича аник саволлар куйилади.

**2.** Бугоз сигирларининг цехининг вазифаси: бугоз сигирлар ва гуножинларни насл олишга ва келгуси лактацияга тайёрлашдан иборат. Бунга биологик томндан туйимли озикалар Билан озиклантириш ва богламасдан парвариш килиш натижасида яйратишни таъминлаш йули билан эришилади. Бу даврда сигирларни парваришлаш ута масъулиятли хисобланади, сигирларни утган лактацияда сут Билан ажратиб чикариб юборган туйимли моддалар захираларини тулдириш ва хомилани меъёрда ривожланишини кузда тутади. Улар молхона ва яйраш майдончаларида бошвоксиз камида 50 кун сакланади. Шу давр ичида хомиланинг кунлик усиши 300 г дан 800 г гача ортади, ёки икки ойда хомила вазни 15,25 кг га ортади, яъни тугиладиган бузок вазнининг 2/3 кисми шу даврда шаклланади, анна шу учун энергетик, оксил, карбон сув, минерал моддалар ва витаминлар талаб этилади.

Сут согиш цехидан бузок сигирлар цехига утиш даврида улар кони таркибида витамин А микдори назорат килиниб, шу асосида озиклантирилиш ташкил этилади. Шу даврда сигир елимининг без хужайралари жадал усади.

Бугоз сигирлар конида А витамининг микдори 15-45 мг (каротин эса 50-200 мг) % га тенг булишлиги ва рациондаги хар бир килограмм озика бирлигига 115-120 г хазмланувчи протеин ва 100-110 г канд моддаси тугри келиши керак.

Бугоз сигирларда минерал моддаларга талаб кучли булади. Шунинг учун хар 100 кг тирик вазн хисобига 10 мг дан йод, 40 мг дан кобальт, 55 мг дан мисс, 95 мг дан марганец, 10-12 г Ош тузи бериш керак. Рациондаги каротиннинг бир кунлик микдори 900-1000 мг ни ташкил этиши зарур. Цехда хар бир молнии саклаш учун 5 $м^2$, сайр килиш майдончасида эса 12 $м^2$ майдон ажратилади. Унинг умумий хажми подадаги сигирлар бош сонининг 14-15% ига тенг булади.

**3.**Тугдириш цехига бугоз сигирлар тугишига 6-8 кун колганда утказилади. Тоза ва касалликдан холи сигирлар тугишга кадар гурухлаб молхона ва яйраш майдончаларида сакланади, иложи борича улар сайр килдирилади.

Сигирда тулгок аломатлари пайдо булиши Билан махсус катакларга 3х2 ёки 2,5х3 0х1,8 утказилади. Бу катаклар обдон тозаланиб, дезинфекция килиниб, дам олдирилиб (1 хафта) калин тушама тушалади. Шу хоналарда сигирлар 2-3 кун сакланади, сигир бемалол эркин ташки иштироксиз тугади, керак булса ветеринар ёрдами курсатилади. Тугишдан кейин эса 10-12 кун шу булимда сигирлар боглаб асралади ва сути уз бузокларига ичирилади.

**4.** Сигирлар серсутлигини ошириш ва уруглантириш цехида сигирлар 90 кун сакланади. Шу давр мобайнида сигирларнинг имконий сут махсулдорлигини руёбга чикариш буйича тадбирлар мажмуаси утказилади. Сигирлар иложи борича (серсут сигирлар) уч марта согилади. Сутни купайтириш учун керагича авнс озика берилади. Ийдириш натижасида 90 кун мобайнида уларнинг сут махсулдорлиги 30-40 % ортиши таъминланади.

Сигирлар шу цехда тулик уруглантирилиши шарт, бунинг учун барча зоотехникавий ва ветеринария тадбирлари утказилади.

Узбекистон шароитида Янги тукан сигирларни 50-60 кунда (иккинчи куюкиш)сермахсул сигирларни эса 60-90 кунда эса уруглантириш максадга мувофик, яъни 305 кунлик тактация даври таъминланади. Шу даврда, яъни сутдан чикариш даврида бугозликнинг 210-220 кунлигига тугри келади.

Серсутликни ошириш тадбирлари тугри ташкил килинганда ва аванс озиклантириш хар 10 кунда назорат килиниб борилса, дастлабки 100 кунлик лактация даврида сигирларнинг сут бериш микдори 40-45% кутарилади.

Серсутликни ошириш даврида озиклантириш рационларини тузишга алохида эътибор берилади. Асосий рационга кушиб бериладиган «аванс» озикалар меъёри омихта емлар ва лавлаги хисобига амалга оширилади. Жами омихта емлар лавлаги 0,8-1 кг булгани маъкул. Шу тарика рациондаги омихта емлар нисбати туйимлилиги буйича 40-

45%, ширали озикалар 40-45% ва дагал озикалар 18-20% ни ташкил килиши керак. Бу даврда дагал туйимсиз озикалар сомон, похол, поя каби озикалар берилади.

Сут ишлаб чикариш цехига серсутлиги мухим оталантирилган сигирлар утказилади. Ушбу цехнинг вазифаси мунтазам юкори су махсулдорлигини таъминлашдан иборат. Бундан ташкари юугозликни меъёрида кечиришни таъминлаш, давр охирида андоза талаблари асосида сутдан чикаришни ташкил этиш ва келгуси цехга тайёрлаш. Сигирларни молхона – яйраш майдончаларида саклаш амалга оширилади. Киш пайтлари куннинг совук пайтларида молхонада саклаб, кундузи хаво илиганда яйраш майдончаларига чикарилади. Ёзда эса аксинча, кундузи молохона ичиджа боглаб сакланади, кечаси яйраш майдонларига куйиб юборилади.

Цехнинг асосий вазифаси хар бир сигирдан имкони борича купрок сут согиб олишни таъминлашдан иборат.

Ушбу цехда согин сигирларни озиклантириш силос, сенаж, хашаки лавлаги ва 20-30% емдан ташкил топади. Рацион албатта сигирнинг сут махсулдорлигига караб тузилади ва озиклантирилади.

Хар бир кг согиб олинадиган сут микдорига сигирларнинг махсулдорлигига караб, уртача 300-400 кг ем ва 700-800 кг лавлагини берилади.

Агарда озиклантириш рационига пичан, донли сенаж ва ем озикалардан ташкил этаса, унда силос ва лавлаги урнини донли сенаж эгаллайди. Донли сенажнинг туйимлилик даражаси маккажухори силосига нисбатан 2 ва хашаки лавлагига нисбатан 3,5 – 4,0 баробар юкори туради.

Сигирлар тугишига 50-60 кун колганда сутдан чикарилади. Шу цехда хама вакт доимий равишда клиник ва субклиник мастит борилигига текширишлар утказиб турилади. Зооветеринария мутахассислари ва машинада согиш операторлари ишини назорат килиб борадилар. Даставвал сигирларнинг уруглантирилган ва бугозлик кунлари, яъни уларнинг согишдан тугри чикариш текширилгандан кейин охирги назорат согими утказилади ва сут микдори аникланади. Сут бериш микдори 6 кг гача булган сигирлар 2 кун мобайнида 10-12 кг ва ундан куп сут берадиган сигирлар 4-8 кун мобайнида сутдан чикарилади. Сутдан чикариш давомида сигирлар рационидан ширали ва ем озикалар олиб ташланади.

Сут ишглаб чикаришнинг узлуксиз – цехлар тизими жараёни тезлаштирилади, махсулот хажмини купайтириб, сифатини яхшилайди, хайвонларни подани тулдириш имкониятини оширади, касалликларни олдини олиб озикалар сарфини камайтириб мехнатни ташкил этишни таъминлайди.

## *Мавзу: Қорамол гушти ишлаб чиқариш технологияси*

***4 соат***

**Режа:**

1. Корамол гуштини купайтириш.
2. Сутбоп корамолчиликда гушт ишлаб чикариш.
3. Корамолларни устириш ва бурдокилаш комплексларида гушт ишлаб чикариш.
4. Хужаликлараро корхоналарида гушт ишлаб чикариш.
5. Фермер ва дехкон хужаликларида гушт ишлаб чикариш.

**Қўшимча адабиётлар:**

1. Эрнст Л.К. Скотоводство. М. Колос. 1984

**Таянч иборалар:**

**Технология, ўстириш, бўрдоқилаш, етилтириш, озиқлантириш, сақлаш, микро иқлим, сув билан таъминлаш, бинони тозалаш, кунлик семириш, тирик вазн, озиқа сарфи, иқтисодий самара.**

Корамол гушти мамлакатимиз гушт балансида асосий (70%) уринни эгалайди.

У асосан сутбоп корамолчиликдан (99%) олинади. Унинг асосий кисми (70%) ёш корамоллар ва клдган кисми (30%), пучак килинган вояга етган(бука ва сигирлар) корамоллар хисобиги етиштирилади.

Мухим вазифа гушти учун ажратилган ёш корамолларнни жадал устириб юкори тош ва семизлик категорияларигача бурдокилашни ташкил этиш.

Барча мулк шаклидаги хужаликлар уртасида мол гушти етиштириш буйича эркин ракобат мухитини яратиш.

Фермер ва дехкон хужаликларини куп ва сифатли гушт етиштириш борасидаги харакатларини моддий ва маънавий кувватлаш.

Фаолияти тухтаган гушт комплексларини мулкдорларини алмаштириш ёки чет эл инвестицияларини критиш эвазига ишга солиш.

Узбекистоннинг тог, тог олди , чул ва Амударёнинг куйи окими ва Орол кули юзасида хосил булган камишзор яйловлардан кенг фойдаланиб ихтисослашган гуштдор корамолчиликни ривожлантириш, бу борада давлат инвеститцияларидан фойдаланиш.

2. Сутбоп корамолчик мамлакатимизда етиштиралаётган корамол гуштининг асосий ишлаб чикарувчиси хисобланади.

Сутбоп корамолчиликдаги гушт ишлаб чикариш техналогияси, аввало, жадал усулга асосланган холда ташкил этилиши керак. Жадал технология уз ичига куйидагиларни олади:

- подани кайта тиклаш, таркибини андоза даражасига етказиш, хар бош сигир ва гунажиндан бузок олишни таминлаш;
- жадал технология талабларини кондира оладиган сермахсул молларни етиштириш тизимини яратиш,
- молларни туйимли ва юкори меъёрда озиклантиришни таъминлайтиган озика захираларини яратиш.
- ишлаб чикариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш;
- моллар касаллигини олдини олиш, мехнатни окилона ташкил этиш, атроф-мухит мухофазасини таъминлаш.

Корамол гушти етиштиришни жадал технологиясини 3 нусхаси тафсия этилади:

- Ёш молларни 15-16 ойлигида 420-450 кгга етказиш ва бурдокилашнинг тулик тизими;
- Ёш молларни 18-20 ойлигига кадар 430-450 кгга етказишдаги урта меъёрда парваришлаш ва жадал бурдокилаш;
- Ёш моллар ва катта ёшдаги пучак килинган молларни якунловчи бурдокиллаш.

Ишлаб чикаришнинг  тулик циклидаги жадал технолигияда ёш молларни махсус ферма ёки комплескларда 15-20 кунликдан бошлаб, 15-18 ойликгача устириб ва бурдокилаб, тирик вазни 420-450 кгга етказилади. Бу тизимди бузокларни мунтазам етказиб бериш ташкил килиниши керак. Бузоклар согломлиги буйича танлаб олинади. Бузоклар  тортилиб пластмасса тамга босилади. Бузоклар иллик сувда ювилиб, дизенфекция килиниб куритилади, иссик, махсус хоналарга жойлаштирилади. Бундай хоналардан «хаммаси тула хам эмас» буш  усулида фойдаланилади. Бузокларга келгандан кейин 7-8 соат совук сув ичирилмайди,сунг 2-5 литр микдорда 150 грамм хисобидан глюкоза ушилган сунъий сут ичирилади. Биринчи 30 кун бузоклар карантинда булади.

Букачалар ва подани тулдириш учун яроксиз ургочи таналар урта меъёрда бокиш учун уларни 6-10 ойлигида 120-180 кг уртача тирик вазнда устириш учун  сотиб олинади. Уртача меъёрда устириш 210-380 кун булиб, молларни вазни 280-320 кгга етканга кадар давом эттирилади. Бу даврда уларнинг кунлик вазн кушиши 650-750 грамм, рацион туйимлилиги 6,5-7,0 озика бирлигини ташкил этиш керак. Урта меъёрда устиришдан сунг, моллар 120-150 кун жадал бурдокилинади. Бу даврда уларнинг кунлик вазн кушиши 900-1000 грамм, бурдокилаш якунида тирик вазни 420-500 кг булиши керак. Моллар боглаб асралиб, кунлик рационнинг туйимлилиги 9-10 озика бирлиги тугри келади. Дагал ва ширали озикалар рацион туйимлилиги 50-55%, ем эса 45-50% ташкил этади.

Сутбоп корамолчиликда корамол гушти етказувчи хужаликлар 3 хил булади:

Биринчиси- корамол гушти и/ч учун бузок етиштирувчи репродуктор хужаликлар. Бунга сут и/ч ихтисослашган ширкат, фермер ва дехкон хужаликларига киради. Улар узлари етиштирган бузокларни 2-3 хафталигида  45-50 кг вазнда гушт етиштиришга ихтисослашган хужаликларга сотади. Бундай хужаликларнинг асосий иш фаолияти подадаги сигирлар салмогини кутариш хисобига суи и/ч купайтириш кузда тутади.

Иккинчиси- ёш молларни гушт учун устириб, бурдокилашга ихтисослашган хужаликлар ва комплекслар, ёки хужаликлараро бурдокилаш корхоналари.

Учинчиси-  корамол гуштини и/ч га ихтисослашган фермерлар булиши мумкин.

Мисоллар Тошкент вилояти Охангарон туманидаги 10 минг бошга мулжалланган Италиянинг «джи-джи» технологияси асосида ишлайдиган, Самаркандда охалик, Каттакургон гушт комплекслари.

3. Комплексларда жараёнлар давомийлиги ва ишлаб чикариш  хажмли андоза талабида булади.

Комплекснинг йиллик махсулдорлик буйича 1% чиким ва 1,2 % пучак килинади. Ушбу комплексларга бузоклар хар 13 кунда келтирилиб 360 бошни ташкил килади. Цикл якунида хар 13 кунда 352 бош мол гуштга топширилади. Бузокларни топшириш – кабул килиш шартлари комплекс ва репродуктор хужаликлари орасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Ёш молларни  озиклантириш ва саклаш уч фазага ва икки даврга булинади. Хар фаза учун молларнинг ёши, анатомо-физиологик холати хамда режалаштирилган вазн усишини эътиборга олган холда озиклантириш меъёри ва хили мавжуд.

Ишлаб чикариш циклининг биринчи даврида парваришлаш 115 кун ва иккинчи даврида 277 кун давом этади. Биринчи давр икки фазадан иборат: биринчи фаза 50 кун каймоги олинмаган сут урнига сунъий сут берилади. Иккинчиси фаза келгуси  даврда озиклантириш учун  бузоклар тайёрлаб борилади.. рацион моллар ёши усишига мос килиб тузиладиган омихта емларнинг махсус таркиби ишлаб чикилган. 13-14 ойлик букачаларнинг тирик  вазни 410-430 кг ни ташкил килади.

Моллар хар куни 2 марта озиклантирилади. Ем таркатиш тулик механизациялашган. Бутун ишлаб чикариш цикли мобайнида 1 бош молга 2379 озика бирлиги, ёки 1 кг семириш учун 6,3 озика бирлиги сарфлаш кузда тутилади.

Биринчи даврда бузокларга ичириладиган сунъий сутнинг асосий кисмини каймоги олинган сут (81%), корамол ва чучка ёги (8%), усимлмк мойи (5%), маккажухори крахмали(2,45), премикс (2%), витаминли премикс(1%), минерал премикс ва кушимчалар (0,5) ташкил этади.

Сунъий сутнинг 1 кунлик меъёри икки марта 8 соат оралигида берилади. Бузоклар омихта емлари туйимли ва биологик фойдали таркибга эга. Ошкозон-ичак касалликларига чаланмайди. К-1 (биринчи давр омихта еми) таркиби: пустлоги олинган кугирилган арпа-1,5%, курук каймоги олинган сут -18%, кунгабокар шроти- 14%, ут уни -4%, сахароза- 4%, озика хамиртуриши-5%, бур -1,35%, премикс- 1%, суяк уни-0,65%, ва ош тузи- 0,%. Премикс таркибига марганец, темир, магний, мис, кобалт, олтингугурт хамда А,Д,Е,В,РР витаминлари киради. Сунъий усулда куритилган беда пичанининг туйимлилиги 0,67 озика бирлиги, 0,94 гр хазм булувчи протеин ва 135 мг каротин тугри келади.

Иккинчи фазада майдаланган беда пичани ёки сенаж ва Кр-2 омихта ем берилади.омихта ем туйимлилиги буйича рационнинг 89090% ташкил этади. Учинчи фазада озикаларни асосини Кр-3 омихта ем ва сенаждан иборат. Туйимлилиги буйича рационнинг 67% омихта емга ва 33% сенажга тугри келади. Омихта емлар аралашмасининг 19.4% озикалардан ва 69% дон шротдан ташкил топади. Сенаж сифатли булиши шарт.

Комплексга келтириладиган бузоклар бир-бирига туташган уч бинога жойлаштирилади. Хар бино уч секцияга булинади. Хар бир секцияда (360 бош) 20 тадан гурух хоналар (турт катор килиб жойлаштирилган) мавжуд. Хар бир хонада 18 бош бузок тиркишли бетон полда сакланади. Хар гурухга 2 тадан охур жойлаштирилади. Биринчи охурга сунъий сут солинган пакирчаларни куйиш ва пичан солиш учун, иккинчиси(кутисимон)- омихта ем солиш учун ишлатилади. Бузокларни сугориш учун бир хонада иккитадан косасимон автомат сув ичгичлар урнатилган.

Сунъий сут беришда бузокларнинг охирининг орка томонига урнатилган махсус фиксаторлар ушлаб туради.

115 кун утгандан сунг, бузоклар иккинчи давр биноларига утказилади. У ерда 11 бино мавжуд булиб, уларнинг хар кайсиси 2 секцияга булинган. Хар бир секция 20 хонага булинган. Хар хонада 18 тадан мол сакланади. Секциянинг урта кисмида 2 каторли охирлар куйилган. Уларга куракчали транспортёрлар урнатилган. Бир вактнинг узида 15 молни озиклантириш мумкин. Биринчи даврдаги биноларда 1,7 $м^2$ ва иккинчи давридаги биноларда 2 $м^2$ майдон тугри келади.

Бинолар орасида йулаклар мавжуд. Бу тизим бузокларни устириш ва бурдокилашда жараёнида катта микдорда емни талаб килади. Шу бойисдан бу усул нодавлат хужаликларда кенг таркалишига тускинлик килмокда. Бу борада молларни 20-22 ойлигига кадар гуштга бокиш ва бурдокилаш технологиясига мулжалланган хужаликлараро бурдокичилик корхоналари маъкулрок.

4. Бу хужаликларда моллар рационининг асосий кисмини ширали ва дагал озикалар(60-65%) ташкил этади. Ишлаб чикариш циклининг 1 чи парваришлаш даврида молларни озиклантириш рациони уларни хар куни уртача 600 грамм усишига мулжалланган. Киш фаслида рационининг 36% ширали, 34% дагал ва 30% ем озикалар, ёз фаслида эса 60% кук утлар, 10% дагал озикалар(сомон) ташкил этади. Устириш даврида озиклантириш меъёри оширилади, ем озикалар салмоги 40% гача кутарилади ва молларни кунлик уртача семириши 850 грамм атрофида мулжалланади.

Технологик жараёнининг бурдокилаш даври 150 кунни ташкил этади: бошлангич фазаси 30 кун, асосий кисми 60 кун ва якунлаш даври 60 кун. Озиклантириш рационида ем озикалар салмоги 30% дан 60%гача ошириб борилади. Пахта шелухаси бурдокилашнинг асосий кисмида рационга кушилади ва унинг салмоги 10%, ширали озикалар 30%гача, пичан ва самон 16% ва ем озикалар 44%ни ташкил этади. Бу меъёрда озикалантириш ем хисобига кучайтиради ва пахта шелухасини ейишга ургатилади. Бурдокилашнинг якуловчи кисмида рацион туйимлилигининг 17% пахта шелухаси, 60% ем ва 23% силос ва сенаж. Ширали ва дагал озикалар(сенаж, пичан ва самон) озика цехларида майдаланиб, аралаштирилган холда молларга таркатилади.

Технологик даврнинг 1-2 кисмида моллар очик майдончаларда хамда бино ичида гурухлаб 40-60 бошдан богланмасдан сакланади. Хар бир молга ёшига караб 4-7 м$^2$ майдон (шундан бино ичида 1,5-2м$^2$) тугри келади.

Молларни озиклантириш очик яйратиш майдончаларида урнатилган бетон охирларда ташкил этилади. Бурдокилаш даврида моллар бинолар ичида боглаб сакланади ва озиклантирилади. Ширали, сенаж ва дагал озикалар бурдокичилик корхонасининг узида етиштирилади. Бу корхоналарга 700 – 800 га ер ажратиб берилади. Бурдокичилик корхонасига 6-8 ойлик эркак бузокларни (хамда пучак килинган ургочи бузоклар ва сигирлар) шартнома асосида сотган репродуктор хужаликлар манфаатдорлигини ошириш учун корхона олган соф фойданинг 12% хужаликларга утказиб берилади.

Хар бир туманда бурдокилашга ихтисослашган хужаликлараро бурдокичилик ташкил этиш мумкин. Корхонанинг йиллик гушт и/ч хажми 850-900 тонна, вазн ошириш хажми 750-800 тонна ва молларнинг уртача гуштга топшириш вазни 450-500 кгни ташкил этади.

5. Узбекистонда якин йиллар ичида корамол гушти гуштчилик комплекслари ва хужаликлараро корхоналар билан биргаликда фермер ва дехкон хужаликлари томонидан куп микдорда етиштириш кузда тутилмокда. Ишлаб чикариш тугалланган, ёки тулик тугалланмаган цикли буйича фаолият курсатиб уртача меъёрда жадал технологиядан фойдаланадилар. Молларни будокилащда енгил типдаги бинолар ишлатилиб, озиклантиришда асосан хужаликда етиштирилган сомон, пичан, сенаж ва ем озикалардан фойдаланилади. Шу билан биргаликда кайта ишлаш корхоналар томонидан ишлаб чикариладиган пахта шелухаси, шроти, кепак хамда омихта емлар хисобига рационлар бойитилади. Дехкон хужаликларда корамолларни бурдокилашда асосан сомон, пичан, пахта шелухаси, шрот, омихта ем хужалик, бог, полиз чииндилари фойдаланилади.

Гуштга бокиш учун 150-180 кглик ёш моллар танлаб олинади. Парваришлаш ва бурдокилаш муддати молларни зоти, семизлик даражаси ва ёшига боглик булади. Бу муддат 7-8 ой ва бурдокилаш 3-4 ой давом этиши мумкин. Молларни ёз ойлариида яйловларда бокиш имконига эга булган хужаликлар уларни яйловларда семиртириб, сунгра сентябр-октябрь ойларидан бошлаб 280-300 кг вазнга етганларини бурдокига боглашлари лозим. 4-5 ойлик жадал бурдокилаш даврида уларнинг вазни 420-450 кг ташкил этади. Ёш молларни гуштга парваришлашнинг 1 даврида рационнинг 75-80% ширали ва дагал озикалар хамда 20-25% ем ташкил килади. Бурдокилаш даврида озикалар салмоги 50-55% ва 45-50% га узгаради.

Фермер ва дехкон хужаликлари технологиясида энг мухими – озикаларнива айникса сомон, табиий пичан, чин ва бошка дагал озикаларни молга беришга тайёрлаш хисобланади. Озикаларга физик, кимёвий ва биологик ишлов бериш керак.

**Назорат саволлар:**

1. Гўшт учун қорамолларни ўстириш.
2. Етилтириш.
3. Бўрдоқилаш.
4. Фермер хўжалигида гўшт ишлаб чиқариш.
5. Деҳқон хўжалигида гўшт ишлаб чиқариш.